

426
427
428

Ўттиз олтинчи йил чиқиши
Ражаб-шаъбон-рамазон 1443ҳ
Феврал-март-апрел 2022м



Al-Wa'ay

Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ҳизб ут-Тахрир...
Пайгамбарлик
меросхўри бўлиб,
энг яхши нарсаса,
яъни рошид Халифа-
лик давлатини
барпо қилишга
чақиради

Ҳизб ут-Тахрирнинг
Халифалик кулатил-
ганининг аламли 101
йиллик хотираси
сабабли уюш-
тирган тадбир-
лари

Халифаликнинг фарз-
лиги қиймет кунига
қараб давон
этади

Исломий фикрчи кай-
та тузиш (ислоҳ
қилиш) ғоясини
йўққа чиқариш

Нусрат халифа ва
Ғолиб-мустаҳкам қилиш
хақиқати оқтлар

Нусрат ҳамда қиймет
кунига қараб ишнинг
қарор топиб, ғолиб
бўлишини башорат
қилган ҳадиси
шарифлар...

Умар ибн Абдулқазим...
Қалбоғлар ўзинг кабиларга
мушток бўлган Халифа

Мусулмонлар
рамазонни ҳануз
Халифаликсиз
ўтказмоқда

Ал-Ваъй сўзи

Ислому кутилаётган умуминсоний мабдаий диндир





426

427

428

Ўттиз олтинчи
йил чиқиши

Ражаб-рамазон 1443ҳ
Феврал-Апрел 2022м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Ушбу сонда

- Ушбу сонда ҳақида: 3
- **Ал-Ваъй сўзи:** Ислом кутилаётган умуминсоний мабдаий диндир 7
- Ҳизб ут-Таҳрир... Пайғамбарлик меросхўри бўлиб, энг яхши нарсага, яъни Рошид Халифалик давлатини барпо қилишга чақиради 16
- Ҳизб ут-Таҳрирнинг Халифалик қулатилганининг аламли 101 йиллик хотираси сабабли уюштирган тадбирлари 25
- Халифаликнинг фарзлиги қиёмат кунига қадар давом этади... Исломий фикҳни қайта тузиш (ислоҳ қилиш) ғоясини йўққа чиқариш.... 41
- Кечаги ансорларнинг позицияси ва Аллоҳнинг уларга кўрсатган эҳтироми ҳамда бугунги кунда Аллоҳнинг динига нусрат беришнинг вожиблиги..... 53
- Муслмонлар рамазонни ҳануз Халифаликсиз ўтказмоқда 69
- **Олам муслмонлари хабарлари** 75
- **Қуръони Карим суҳбатиди** 81
- **Жаннат боғлари:** Нусрат ҳамда қиёмат кунига қадар ишнинг қарор топиб, ғолиб бўлишини башорат қилган ҳадис шарифлар... 85
- Умар ибн Абдулазиз... Қалблар унинг кабиларга муштоқ бўлган халифа 90
- **Сўнги сўз:** Украина-Россия уруши: Америка унда асосий ўйинчи... Бу уруш иккинчи жаҳон урушининг давоми... Улар ва бутун дунё бошдан кечираётган фожиаларга ғарб ҳазорати сабабчи 99
- Путиннинг доктринаси православ диндорлик, рус фашизми ва Украина мустақиллигини йўқ қилиш васвасаси аралашмасидир 100



Ушбу сонда ҳақида:

Ҳар йилгидек, Халифалик қулатилишининг хотирасида Ал-Ваъй журналининг махсус сонини нашр қиламиз. Биз уни Халифаликнинг барпо этилишига хос бўлиб қолиши учун ҳаракат қиляпмиз... Кўряпмизки, Халифаликнинг барпо этилишига умид кучайиб, мақсад яқинлашмоқда. Ҳатто биз Аллоҳнинг фармони келиши муқаррарлигини ва Аллоҳнинг душманлари асло тўсқинлик қила олмаслигини аниқ кўриб турибмиз.

Мана, ушбу тадбирлар билан аввалгиси ўртасида бир йил ўтди. Бизнинг халқаро ва регионал сиёсий воқелик ҳақидаги тушунчаларимизнинг тўғрилигини воқеа-ҳодисалар ҳам ҳануз исботламоқда ва тахминларимиз тасдиқланмоқда. Ўтган йил давомида Америка Афғонистонда ўзининг «стратегик муваффақиятсизликка учраганини» эълон қилди. Шундан сўнг у Афғонистондан чиқиб кетди. Афғон армияси тарқалиб кетди ва Америкага қарам бўлган малай режим қочиб қолди... Кейин, Америка Ироқни ўзининг мамлакат ичкараси ва хориждаги малайларига ташлаб, у ердан ҳам чиқиб кетди. Эҳтимол, ҳозиргача сиёсий вазиятни изга сола олмаганлиги АҚШ муваффақиятсизлигининг энг очиқ кўринишларидан бири бўлса ажаб эмас. У Сурияда ҳам, Суданда ҳам ва қўзғолонлар юз берган бирон бир мамлакатда ҳам барқарор вазиятни таъминлай оладиган даражада изга сола олмади. Аниқки, Америка Афғонистон ва Ироқдан чиқиб кетиши билан янги уруш фронтини очиш учун Исломга қарши фронтни тўхтатишни хоҳлади. Россия ва Украина ўртасида биз гувоҳ бўлиб турган урушнинг келиб чиқиши узоққа чўзилмади. Чунки Америка бу урушни алангалатиш учун керагича тайёргарлик кўриб қўйган эди. Америка урушни шиддат билан бошланиб, халқаро саҳнани эгаллаб олгунига қадар алангалатди. Афтидан, бу уруш иккинчи жаҳон урушининг кечиккан оқибатларидан бири бўлиб, бугун худди янгидан пайдо бўлгандек бошланиб кетди. Бу ўз навбатида, бутун башариятни хавф остида қолдирган ҳазоратнинг ортга чекиниши, оғир муваффақиятсизликка учраши ва ўзининг банкрот бўлганини эълон қилишидир. Зеро, бу ҳазорат, ҳатто ўз аҳли хавфсизлигини ҳам таъминлай олмади.

Ҳижрий ҳисоб бўйича 101 йилдирки, биз ғам-андуҳ ичида кундан-кунга чўзилиб бораётган Халифаликсиз онларни

бошимиздан ўтказмоқдамиз. Бироқ, айти пайтда Халифалик барпо этиладиган вақтга умид ичида яқинлашиб боряпмиз. Аллоҳнинг бизга ва ушбу Умматга бўлган раҳматига ишончимиз кундан кунга ортиб бормоқда. Бу Аллоҳнинг Умматга берган ваъдасига ва Росулulloҳ ﷺнинг башоратларига бўлган ишончдир... Улар бизга тарих такрорланмаслигини айтишмоқда. Биз уларга айтамызки, тарих фақат Ислом билан такрорланади. Мана, унинг белгилари кофирлар қалбини қўрқувга тўлдириб, унинг барпо бўлишига йўл қўймаслик учун уларни жинойтлар қилишга мажбур қилганидек, ғалаба ва шодлик кунлари яқинлигидан хушxabар бериб, муслмонлар қалбини хурсандчилик билан тўлдирмоқда... Ҳатто (Исломнинг халқаро ҳаёт саҳнасига қайтишини олдини олиш) Ғарбнинг асосий масаласига айланди. Бироқ, улар истамасаларда, Аллоҳнинг ваъдаси ва Росулulloҳ ﷺнинг башоратлари албатта рўёбга чиқажак.

Биз ушбу сонда нашр қилган мақолаларимизда рошид Халифаликни барпо этиш даъвати қаерга етиб келганини муфассал баён қиламиз ва даъватни кўтариб чиқиб, унга етакчилик қилаётганлар ҳолатини ёритиб ўтамыз. Шунингдек, дунёнинг аҳволини ва бутун дунё Ғарб ҳазоратининг қулаши ва Ислом ҳазоратининг барпо бўлиши сари қандай илдамлаб бораётганини, бу ҳолат Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифаликнинг барпо бўлиши билан якунига етишини ҳавола қиламиз. Бу иш Аллоҳ учун осондир.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз махсус сонни рошид Халифалик давлатини барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашни мақсад қилган даъватнинг бош асоси билан бошладик. Ҳизб ут-Таҳрир барпо бўлажак Халифалик давлатининг Росулulloҳ ﷺ зикр қилганларидек Пайғамбарлик минҳожии асосида бўлишига ҳаракат қилмоқда. Ҳизб ут-Таҳрирни тўғри йўлга ҳидоятлаб, Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари асосида юришга муваффақ қилгани учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин... Биз ушбу махсус сонни «Ушбу сонда» сарлавҳаси остидаги кириш сўзи билан, шунингдек, «Ислом кутилаётган умуминсоний мабдаий диндир» сарлавҳаси остидаги «Ал-Ваъй сўзи» билан бошладик. Кейин, мақолаларни тартиб билан жойлаштирдик ва уларни тўртта жадвал ичида қўйидаги тарзда келтирдик:

– Биринчи жадвал «Халифалик қулатилганининг аламли 101 йиллик хотирасида унинг барпо бўлиши мусулмонлар учун энг катта совға бўлиши лозим» сарлавҳаси остида келтирилди. Унинг мавзулари иккита мақолага жойлаштирилди. Биринчи мақола Ушбу даъват соҳиби ва унинг етакчиси ҳақида бўлиб «Ҳизб ут-Таҳрир Пайғамбар ﷺнинг меросхўридир... У энг гўзал йўл билан рошид Халифаликни барпо этишга чақиради» сарлавҳаси остида келтирилди. Иккинчи мақола «Халифалик давлати қулатилганининг аламли 101 йиллик хотирасида Ҳизб ут-Таҳрир олиб борган глобал фаолиятлар» сарлавҳаси остига жойлаштирилди. бунда Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари Халифаликни барпо этиш учун кунни тунга улаб давом эттириб келаётган ушбу самимий даъватнинг амалий намунаси сифатида Ҳизб фаолиятларидан баъзи намуналарни келтирдик.

– Иккинчи жадвал «Халифалик Росулulloҳ ﷺ вафотларидан кейинги ва қиёмат кунига қадар Аллоҳнинг энг буюк фарзидир» сарлавҳаси остида келтирилди. Унинг мавзулари қуйидаги мавзуларни ўз ичига олди: «Халифаликнинг фарзлиги қиёмат кунига қадар давом этади, исломий фикҳни қайта тузиш (ислоҳ қилиш) ғоясини йўққа чиқариш». «Кечаги ансорларнинг позицияси ва Аллоҳнинг уларга кўрсатган эҳтироми ҳамда бугунги кунда Аллоҳнинг динига нусрат беришнинг вожиблиги». «Халифаликни барпо этиш фаолиятида раббоний уламоларнинг роли». «Ислом Уммати иккинчи рошид Халифалик давлатини барпо этиш билангина ўз азизлигини қайта тиклаб, кишанларни парчалайди».

– Учинчи жадвал «Халифаликни барпо этиш олдидаги ғарб қўйган тўсиқлар» сарлавҳаси остига жойлаштирилди.

Унинг мавзулари қуйидаги сарлавҳалар остида келтирилди: «Иккинчи рошид Халифалик ҳақидаги қора фикрларни даф қилиш». «Оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар инсониятни бузишда бир тану бир жондир». «Эрдоган ўзининг ғайриисломий сиёсати билан Ислом Умматига етакчилик қилишга асло лойиқ эмас». «Америка минтақада Эрон учун қандай рол белгиллаган?». «Биз касал бўладиган, бироқ ўлмайдиган Умматмиз».

– Тўртинчи жадвал «Ғарб ҳазорати: адаштириш, мустамлака қилиш, мағлубият ва қулашни кутиш... Ислом нажотдир» сарлавҳаси остида келтирилди.

Жадвалларининг энг асосийси бўлган бу жадвалнинг эътиборли томони шундаки, у капиталистик ҳазоратнинг яроқсизлигини, муваффақиятсизликка учраганини, шунингдек, унинг йўқ бўлиш ва қулаш омиллари пайдо бўлганини кўрсатиб беради. Бу жадвал одамларнинг – кутилаётган мабда ва ҳидоятга бошловчи ҳазорат деган эътиборда – Исломга талпинаётганини ҳам очиб беради. Унинг мавзулари қўйидаги тарзда келтирилди: «Капитализмнинг муслмон юртларни мустамлака қилиш қуроллари». «Сиёсий урушлар ва уларнинг буюк давлатлар ўртасидаги кураш устидан ҳукмронлиги». «Ташқи қарзлар мустамлакачилик арқони бўлиб, ҳукмдорлар у билан халқлар бўйнига сиртмоқ солади». «Капиталистик тузум кулфатларининг воқеий томони». «Стратегик дилеммалар (боши берк кўчалар) Американинг муслмон юртлар устидан назоратини юмшатишга олиб келди... Бу капитализмнинг ҳазорати қулашига ва Халифалик давлати барпо бўлиши орқали Ислом ҳазоратининг тикланишига олиб борадимиз?». «Капиталистик ва илмоний ғарб ҳазоратининг мағлубиятга учраши». «Ғарблик муфаккирлар қараши: қулаш – ғарб ҳазоратининг қисмати». «Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни барпо этиш нимани англатади».

– Кейин, Рамазон ойига алоқадор мақолани жойлаштирдик...

– Ундан кейин, қўйидаги ҳар доимги ўзгармас мавзуларни нашр қилдик: «Олам муслмонлари хабарлари». «Қуръон Карим сўҳбатида» мавзуси «Нусрат, халифа ва ғолиб-мустаҳкам қилиш ҳақидаги оятлар» сарлавҳаси остида келтирилди. «Жаннат боғлари» мавзуси «Нусрат ҳамда қиёмат кунига қадар ишнинг қарор топиб, зоҳир бўлишини башорат қилган ҳадис шарифлар...» сарлавҳаси остида келтирилди. Кейин, «Умар ибн Абдулазиз... Қалблар унинг кабиларга муштоқ бўлган халифа» сарлавҳали мақола келди. Кейин, «Украина-Россия уруши: Ундаги асосий ўйинчи Америка... Бу уруш иккинчи жаҳон уруши оқибатларининг давомидир... Улар ва бутун дунё бошдан кечираётган фожиаларга капиталистик ҳазорат сабабчи» сарлавҳаси остида мақола келтирилди. Охиридаги муқова мақоласи эса, «Путиннинг доктринаси православ диндорлик, рус фашизми ва Украина мустақиллигини йўқ қилиш васвасаси аралашмасидир» сарлавҳаси остида келтирилди. □

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ИСЛОМ КУТИЛАЁТГАН УМУМИНСОНИЙ МАБДАИЙ ДИНДИР

Ғарб АҚШ бошчилигида Исломнинг ҳоқимиятга келишига имкон бермаслик учун атрофлича тайёргарлик кўрмоқда. Шу боис, парда ортида яширинган салибчилик етакчилигида Исломга қарши чексиз глобал тарзда уруш очган. Бу урушнинг ташқи кўриниши террорга қарши уруш бўлса-да, аслида у Исломга қарши урушдир. Ғарбнинг бу уруши капитализм ва Ислом ўртасидаги ҳазоратлар ёки қадриятлар курашининг бир қисмидир. Шунинг учун у бу курашдан қаттиқ қўрқади, қўлидан келган макр-ҳийлаларини ишга солиб, бор кучи билан ҳужумга ўтади.

Бугунги ушбу кураш тенг бўлмаган икки мабда ўртасидаги курашдир: Капиталистик мабда кучга ва моддий имкониятларга эгаллиги ҳамда уни тамсил этган давлатларнинг, шунингдек, мусулмонларни бошқараётган унга тобе ва қарам давлатларнинг мавжудлиги жиҳатидан устундир. Уни бу жиҳатдан Ислом билан солиштириб бўлмайди. Чунки бугунги кунда Исломни тамсил этадиган ва уни кўтариб чиқиб ҳимоя қиладиган давлати мавжуд эмас. Бироқ, мабдаий жиҳатдан Ислом ғоят кучли ва салобатлидир. Айниқса, капиталистик мабданинг айбларини яшириб турган ниқоблари очилиб қолганидан ва у банкрот бўлиб муваффақиятсизликка учраганидан кейин, Ислом инсониятни бошқаришга ягона номзод бўлиб қолди. Чунки капитализм дунё халқларининг бошига шафқатсиз глобаллашув, халқлар бойликларини талон-торож қилиш, урушларни алангалатиш ва давлатларни судхўрлик қарзларига ботириш билан одамларнинг бўйнига оғир юк бўлиб тушишдан бошқа нарса олиб келмади. Фақат бугина эмас, балки унинг ёмонликлари бутун инсониятга етиб борди. Эпидемиялар тарқалишидан, табиат ва иқлимнинг ўзгаришидан бутун дунё (одамлару, дов-дарахт ва атроф-муҳит, барча-барчаси) азоб чекиб, инграмоқда ва нажот изламоқда...

Эҳтимол, Ғарбнинг Ислом ҳақиқатини англаб етиши Исломни кутилаётган умуминсоний мабдаий дин сифатида таклиф

этилишини тезлаштиргандир. Ғарб Ислом билан тарихий курашга эга. У Ислом мабдасининг кучлилигини ҳамда мусулмонларнинг кучи ва қатъиятини яхши билади. Американинг қўрқуви шу даражада бўлдики, у Совет Иттифоқи қулаганидан кейин бутун эътиборини сиёсий Исломга ва унинг Халифаликни барпо этиш лойиҳасига қаратди. Бу билан у Хитойнинг юксалишидан ва унинг иқтисодий, технологик ва ҳарбий қувватга эга бўлишга интилишидан ғафлатда қолди. Чунки Хитойнинг бундай қувватга эга бўлиши унинг Америка билан рақобатлашишига ва уни раҳбарлик тахтидан қулатишига имкон бериши мумкин эди. У шунингдек, Россия ва Европани дунё етакчилиги устида ўзи билан рақобатчи бўлишдан узоқлаштирадиган тарзда заифлаштиришдан эътиборсиз қолди. Бунинг натижасида у мусулмонларга озор етказа олди. Лекин уларни Халифаликни барпо этишга ҳаракат қилишларидан воз кечишга мажбур қила олмади. Аксинча, бу танлов уларда мустаҳкамланиб, унга янада қаттиқроқ амал қилишга ундади... Шундай қилиб, Америка Исломга қарши урушида муваффақиятсизликка учради. У халқаро майдонда бошқа давлатларнинг мабда устида эмас, балки манфаатлар устида ўзи билан рақобатлашишдан тўсишда ҳам муваффақиятсизликка учради.

Биз доим айтиб келганимиздек, мабдаий урушдаги ғалаба ва мағлубият ҳисоб-китоби ҳарбий урушдагидан фарқ қилади. Америка мусулмонларга нисбатан содир этган барча жиноятларида ўзи билан бирга мабдасининг ҳам қулашини кучайтирди. Чунки унинг муваффақиятсизликка учраши ўзининг барча ишларини у орқали белгилайдиган ва у билан оқлайдиган мабдасининг ҳам муваффақиятсизлигидир. Бошқа томондан, мусулмонлар Ислом мабдасининг кучлилигини ва у уларнинг қалбига мустаҳкам ўрнашганини ва уни йўқ қилиш, ҳатто ўрндан силжитиш мумкин эмаслигини исботладилар. Қолаверса, Ислом ҳазоратининг Ғарб ҳазоратидан устунлиги шу даражага етиб бордики, Ислом Ғарб уйларининг ичкарасигача кириб борди. Ҳар йили минглаб ғарбликларнинг Исломга кираётгани бунинг исботидир. Бу эса, Ғарб фикрининг Ислом фикри олдида мағлуб бўлганини кўрсатади. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, агар Европа ёки Хитой худди Америка мусулмонларга қарши ёлғиз курашганидек, уларга қарши ёлғиз курашса... Американинг

қилганидан ортиғини қила олмайдилар ва ҳеч қандай натижага эриша олмайдилар. Шунинг учун мусулмонларнинг ва бутун дунёнинг қалбига «келажак Исломники» эканлиги ўрнашиб қолди. Ғарб мусулмонларнинг ҳарбий томондан мағлуб бўлмаслигига қарор қилган пайтида, ушбу ҳақиқатни олдиндан англаб етган эди. У мусулмонларнинг мағлуб бўлиши, фақат уларни динларини тўғри тушунишларидан узоқлаштириш орқалигина бўлишини ҳам олдиндан тушуниб етди. Шунинг учун аввало фикрий ҳужум қилиб, муваффақиятга эришди. Кейин, ҳарбий ҳужум қилиб, ғалабага эришди. Унинг ғалаба қилиши ушбу тартиб асосида бўлди.

Мусулмонлар учун нажот йўли ғарб амалга оширган мана шу йўлнинг айнан ўзидир. Яъни мусулмонлар ғарбнинг фикрий ҳужумини ўзларидан узоқлаштиришлари ва ўз динларини тўғри тушунишга қайтишлари лозим. Динни тўғри тушуниш Аллоҳ тадбиркор яратувчидир, инсон ожиз, нуқсонли ва чекланган бўлиб, ўзининг ҳаётий ишларини ўзи тартиблаштира олмайди, Аллоҳнинг шариати ҳақдир, кўпчиликнинг овозига асосланган демократия адаштиради ва ҳидоятга бошламайди дея қатъий эътиқодга асосланмоғи лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ تَطَّعَ أَكْثَرُ مَنْ فِي الْأَرْضِ يُضْلُوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ﴾
«Ер юзидаги кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, сизни Аллоҳнинг йўлидан оздирурлар. (Зотан) улар фақат гумонга эргашурлар ва фақат алдайдилар, холос»

[Анъом 116]

Ҳаётнинг бутун ишларига алоқадор бўлган Аллоҳнинг барча буйруқларини бажариш ва бутун башариятни Ислом тушунчалари билан ҳидоятга бошлаш ташвишини кўтариш мусулмон кишининг вазифасидир. Ақида ва иймон жиҳатидан «**Динда мажбурлаш йўқ**» қоидасига ҳамда бутун башариятга Исломнинг инсоний шариатини татбиқ қилиш жиҳатидан «**وَيَكُونَنَّ الَّذِينَ كُفَرُوا لِلَّهِ**» **бутун дин фақат Аллоҳ учун**» қоидасига риоя қилиниши лозим. Айни шу тушунчалар билан Ислом олий бўлади ва бошқа динлар ундан олий бўла олмайди. Айни шу тушунчаларга амал қилиш билан мусулмонлар ғолиб бўладилар ва улар устидан ҳеч ким ғолиб бўла олмайди... Ғарб бу тушунчаларга иймон келтирмаган, балки, буларнинг аксига иймон келтирган. Демак, биз ўзаро бирлашмайдиган икки бир-бирига зид ҳазорат қаршисидамиз.

Ҳа, мусулмонлар, энг аввало уламолар Қуръонга ҳамон тўлалигича иймон келтирадилар, лекин унга тўлалигича амал қилмаяптилар. Бу эса, уларни ожизлик қилишга ҳамда динни тўғри тушуниш ва уни мабдаий шаклда кўтариб чиқиш йўлидан бошқа йўлга юришга мажбур қилмоқда. Улар динни тушунишдаги бу камчиликни, бинобарин, Аллоҳнинг буйруғини Аллоҳ хоҳлаганидек ва Умматнинг солиҳ аждодлари бажаргандек бажаришга бўлган бепарволикни «бу дин ғолибдир» деган ғайбий иймон билан тўлдирмоқдалар. Ёки «Уммат Умар каби халифага, Холид ибн Валид каби буюк қўмондонга ёки Умматни бирлаштирадиган Салоҳиддин Айюбий каби ҳарбий ва сиёсий етакчига муҳтож, деб айтиш билан ёки кутилаётган Маҳдийнинг келиши яқинлиги ҳақида гапириш билан кифояланмоқдалар... Улар зиммаларига ҳеч қандай мажбуриятни олмасдан, Умматга юқорида айтиб ўтилган арбобларни ато этишини Аллоҳдан сўраб дуо қилиш билан кифояланмоқдалар. Бундай ҳолатлар динни тушунишдаги камчиликдан келиб чиқаётгани мусулмонларга сир эмас.

Бу дин саййидимиз Муҳаммад ﷺнинг давридан бошлаб то қиёмат кунига қадар шаръий амалсиз фақат дуонинг ўзига асосланмайди. Агар амалсиз дуогагина чекланадиган бўлса, бу лоқайдлик бўлади. Аллоҳ учун махлуқотларнинг энг эҳтиромлиси бўлган Росулulloҳ ﷺ давлат барпо этишда амалдан тўхтаб, дуо қилиш билан чекланиб қолмадилар, аксинча, амал ва дуо билан ғалабага эришдилар. Росулulloҳ ﷺ Аллоҳнинг йўлида қанчалик азоб чекканларини, ҳеч ким у зотчалик азоб чекмаганини барча мусулмонлар У зотнинг ва саҳобаларнинг таржимаи ҳолларидан биладилар. У зот ҳам худди бошқа пайғамбарлардек ёлғончига чиқарилдилар, рад этилдилар ва бу озорларга сабр қилдилар. Умар, Холид ва Салоҳиддин кабилар ҳам, тақво, бор кучни сарфлаш, ўзига ишониш ва даъват йўлидаги қийинчиликларга сабр қилиш билангина ютуққа эришганлар. Агар ундай бўлмаса, нусрат лаззатли таомлар устида ўтириб, қўлни фақат дуога чўзиб қўйишнинг ўзи билан келадими?!

Ҳеч кимга сир эмаски, Уммат ўз ҳаётида Ислом шариатини ўрнатишга қанчалик сусткашлик қилган ва бу масалада Аллоҳнинг буйруқларига қанчалик бўйсунмаган бўлса, унга шунчалик мусибатлар етди ва хор бўлди. Мусулмонлар бугунги кунда бошдан кечираётган машаққатли ҳаёт Аллоҳнинг буйруқларига

бўйсунмаслик оқибатидир. Бу мусибат Аллоҳга итоат қилишда бирлашиш ҳамда бугунги аҳволдан чиқиш учун Росулulloҳ ﷺ дан намуна олиб ҳаракат қилиш билангина кўтарилади. Аллоҳнинг буйруғини бажармаслик балоси барчамизни қамраб олганидек, бу балодан қутулиш учун Аллоҳга итоат қилиш ҳам бизни қамраб олмоғи лозим. Зулматдан қутулишнинг ягона йўли Яратганга итоат қилиш бўлиб, бу Аллоҳ Таолонинг қонуниятидир ва бу нарса асло ўзгармайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنِ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى ﴿١٢٣﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا﴾

«Бас, сизга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур» [Тоҳа 123-124]

Эй мусулмонлар, сизнинг мусибатингиз фақатгина динингизга нисбатан муносабатингиздадир. Дардингиз бир бўлгани каби, давоингиз ҳам бирдир. Яъни даво динни ҳаётда барпо этиш ва Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритишдир... Бу Росулulloҳ ﷺ асҳоблари билан биргаликда ўн уч йил мобайнида ўзлуксиз давом эттирган ишдир. Росулulloҳ ﷺ бу йиллар давомида тиним билмай Аллоҳ Таоло буюрган мақсадли ишларни амалга оширдилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأْتِيهَا الْمَدْيَنُ ﴿١﴾ فَمُ فَاَنْذِرْ﴾

«Эй (либосларига) бурканиб олган зот, турунг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантирунг!» [Муддассир 1-2]

﴿يَأْتِيهَا الْمَرْزَبُ ﴿١﴾ فَمُ الْيَلِ إِلَّا قَلِيلًا﴾

«Эй (кийимларига) ўралиб олган зот, кечаси (бедор бўлиб, намозда) турунг! Фақат озгина (ухлаб ором олинг)» [Муззаммил 1-2]

﴿أَلَمْ تَر إِلَى الَّذِينَ قِيلَ لَهُمْ كُفُّوا أَيْدِيَكُمْ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَعَآثُوا الزَّكَاةَ﴾

«(Эй Муҳаммад), мана бу кимсаларни кўрмадингизмики, уларга (илгари Маккада турган пайтларида кофирларга қарши жанг қилишга талабгор бўлганларида) «Ўзингизни босинг ва намозингизни ўқиб, закотингизни адо этиб турунглр», дейилган эди» [Нисо 77]

﴿فَأَصْدَعْ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, ҳақ динга даъват қилишни) юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгиринг!»[Ҳижр 94]

Росулulloҳ ﷺ ушбу оятларда ва булардан бошқа оятларда келган Аллоҳ Таолонинг буйруқларини бажариб, Ислоом давлатини барпо этгунларига қадар нусрат талаб қилиш фаолиятини олиб бордилар. Нусрат талаб қилиш фаолияти Маккадаги даъватнинг сўнги йилларида бошланиб, Мадинада илк Ислоом давлати барпо этилгунига қадар давом этди... Мусулмонлар уламоларининг бунини эътиборсиз қолдиришлари ақлга сиғадими?!

Кейин, Қуръони Карим Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишга очиқ буюрган оятлар билан тўла. Унда ташриий ва жинойатга тааллуқли аҳкомлар, жиҳод ҳукмлари мавжуд. Қуръони Каримда Исломиё давлатда Исломининг татбиқ этиладиган иш эгаларига иттибат қилишга буюрилади. Ғайриисломий конституцияларни қабул қилиб, исломий бўлмаган давлатда уларни татбиқ этиладиган бугунги тўғрилиқдан йироқ фиръавн ҳукмдорларга иттибат қилишга буюрилмайди...

Қуръонда зикр қилинган аҳкомларга қўшимча равишда Росулulloҳ ﷺнинг суннатларида келган аҳкомлар ҳам худди шунини ифодалайди. Суннатнинг эътиборли томони шундаки, у (Қуръондаги умумий ҳукмларни) хослайди, (муҳимли) баён қилади. Унда аҳкомларнинг тафсилотлари ва фуруълари мавжуд. Суннат шунингдек, Росулulloҳ ﷺнинг бутун таржимаи ҳолларини ўз ичига олади. У давлатга алоқадор аҳкомлар билан тўла. Аниқроқ қилиб айтганда, Суннат Қуръон билан биргаликда шариат аҳкомларини бутунча ўз ичига олади... Шундай экан, мусулмонлар уламоларининг бу борадаги позицияси қандай бўлиши керак?! Ҳолбуки, қиёмат кунинда улар бундан сўраладилар. Бу аҳкомларни ўзларига мажбурият қилиб олмасликлари ақлга сиғадими?! Бундай оятларни ўқиганларида, улар ўзларига: Аллоҳнинг устимизда қандай ҳаққи бор? – деган саволни бермайдиларми?!...

Агар кимдир: нега бошқаларга эмас, айнан уламоларга эътибор қаратиш керак? – деса, биз айтамыз: Умуман олганда, барча мусулмонлар, олимлар, ҳукмдорлар, таниқли кишилар ва оддий одамлар жавобгардир. Лекин жавобгарликда биринчи ўринда олимлар туради. Чунки улар эътиборли шахслардир. Улар ҳақни

биринчи навбатда билиш ва уни амалга ошириш мажбурияти юкланган шахслардир. Иккинчидан, улар худди Умматнинг бошқа вакиллари каби билиш ва амал қилишдан жавобгар. Бундан ташқари, ҳукмдор, таниқли киши, Умматнинг ичида салмоққа эга бўлган шахслар ва оддий одамлар ҳақни фақат олим орқали биладилар. Агар олим ҳақни билмаса, ўз навбатида, уни Уммат ҳам билмайди. Агар олим ҳақдан кўз юмса, Уммат кўп яхшилиқни қўлдан бой беради. Бу – мусулмонларнинг бугунги воқелигидир. Шунинг учун бутун мусулмонлар селнинг кўпигига ўхшаб қолдилар. Улар дуо қиладилар, дуолари ижобат қилинмайди, ёрдам сўрайдилар, уларга ёрдам берилмайди. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ، أَوْ لَيُوشِكَنَّ اللَّهُ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عَذَابًا مِنْ عِنْدِهِ، ثُمَّ لَتَدْعُنَّهُ فَلَا يُسْتَجَابُ لَكُمْ»

«Сиз маъруфга буюриб, мункардан қайтарасиз ёки Аллоҳ сизга ўз ҳузуридан азоб юборишга яқин бўлади, сўнг сиз дуо қиласиз, дуоларингиз ижобат қилинмайди». Ибн Можжа ривоят қилган саҳиҳ ҳадис. Росулulloҳ ﷺ яна айтадилар:

«أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَقُولُ لَكُمْ: مُرُوا بِالْمَعْرُوفِ، وَأَنْهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ، قَبْلَ أَنْ تَدْعُونِي فَلَا أُجِيبَكُمْ، وَتَسْأَلُونِي فَلَا أُعْطِيَكُمْ، وَتَسْتَنْصِرُونِي فَلَا أَنْصُرْكُمْ»

«Эй одамлар, Аллоҳ Азза ва Жалла сизга айтади: Сиз дуо қилиб, мен ижобат қилмай қўйишимдан, сиз мендан сўраб, мен бермай қўйишимдан ва сиз ёрдам сўраб, мен ёрдам бермай қўйишимдан олдин, маъруфга буюринглар ва мункардан қайтаринглар». Абу Дардо رضي الله عنه айтади:

«لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ، أَوْ لَيَسْلُطَنَّ اللَّهُ عَلَيْكُمْ سُلْطَانًا ظَالِمًا، لَا يُجَالُ كَيْبَرُكُمْ وَلَا يَرْحَمُ صَغِيرُكُمْ، وَيَدْعُو عَلَيْهِ خِيَارُكُمْ فَلَا يُسْتَجَابُ لَهُمْ، وَتَسْتَنْصِرُونَ فَلَا تُنْصَرُونَ، وَتَسْتَغْفِرُونَ فَلَا يُغْفَرُ لَكُمْ»

«Сиз маъруфга буюриб, мункардан қайтарасиз ёки Аллоҳ устингизга золим султонни ўрнатади. У катталарингизни ҳурмат қилмайди, кичикларингизга раҳм қилмайди. Яхшиларингиз унга қарши дуо қилади, уларнинг дуолари эса, ижобат қилинмайди. Ёрдам сўрасангиз, сизга ёрдам берилмайди, мағфират сўрасангиз, гуноҳларингиз кечирилмайди».

Эй мусулмонлар, сиз ўзгалар томонидан бошқарилишингиз жоиз эмас, аксинча, дунёга етакчилик қилиш сизнинг зиммангиздадир. Қўлингизда Аллоҳ ҳифзи ҳимоясида сақланган Қуръон бўла туриб, куфр билан бошқарилишга рози бўлишингиз жоиз эмас. Ҳолбуки, Қуръон дунёю охиратда сизнинг фойдангизга ёки зарарингизга ҳужжат бўлади...

Эй мусулмонлар, бу – яхши ишларда илғор, покиза ва тақводор мўмингина кўтара оладиган оғир юқдир. У буюк фарз бўлиб, усиз сизнинг ишингиз тўғри бўлиши мумкин эмас... Маълумки, Росулulloҳ ﷺнинг таржимаи ҳоллари шу фарз билан ўлчаниб, «пайғамбарликдан ва ҳижратдан бошлаб ёки ҳижратдан олдин...» деб айтилади. Намоз Маккада фарз қилинди ва жиҳод Мадинада қонуний кучга кирди. Саҳобалар У зотнинг қўлида вазир, волий, қози ёки қўшин амири бўлдилар... Исломни давлатсиз тасаввур қилиш мумкин эмас... Давлатсиз уни татбиқ этиш мумкин эмас... Давлатни барпо этишга ҳаракат қилмасликка рози бўлиш ноқис Исломга рози бўлишдир... Шундай экан, бунга қандай ҳаракат қилмаслигимиз мумкин?!!!

Эй мусулмонлар, қатъиятли бўлинглар, ишларингиз Аллоҳнинг олдида сизга қарши очиқ ҳужжат бўлиб қолмасин. Динингизни худди насроний ва яҳудийлар ўз динларини тушунганидек, бир қисмига чекланиш билан тушунманглар. Чунки динингиз мукамал диндир ва бунга Аллоҳ Азза ва Жалла гувоҳлик бериб шундай дейди:

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Бугун сизга динингизни комил қилдим, неъматимни бенеуқсон, тўқис қилиб бердим ва сиз учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида 3]

Эй мусулмонлар, сиз учун Парвардигорингиз олдида ҳужжат йўқ. Росулulloҳ ﷺ уни қордек оқ ҳолда келтирдилар ва уни бизга қордек оқ ҳолда қолдирдилар. Унинг туни кундузга ўхшайди, унда фақат ҳидоятдан маҳрум бўлган кишигина адашади. У зот бизни ҳидоят топган рошид халифалар суннатига амал қилишимизни ва уни озиқ тишимиз билан тишлашимизни (маҳкам ушлашимизни) буюрдилар. Биз итоат этишимиз керак бўлган бундай рошид халифалар қани?! Билингки, уларга итоат этиш талаби агар улар йўқ бўлсалар уларни вужудга келтириш талабини англади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولَى الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳукмдорларга бўйсунингиз!» [Нисо 59]

Бу мавжуд бўлиши керак бўлган кишига итоат қилиш талабидир. Агар у мавжуд бўлмаса, уни вужудга келтириш вожиб бўлади... Росулulloҳ ﷺ бизни ўзлари ва саҳобалари юрган йўлда бўлишимизни буюрдилар. Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можжа ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ:

«... مَنْ كَانَ عَلَى مِثْلِ مَا أَنَا عَلَيْهِ وَأَصْحَابِي»

«... Улар мен ва менинг асҳобларим юрган йўлда бўлганлар», дедилар.

Эй мусулмонлар, сиз бугунги кунда тиканлари остида қийнаётганингиз бу улкан азоб-уқубатнинг сабаби Аллоҳ Таолонинг ҳукми йўқлиги ҳамда Унинг ҳукмини ҳаётга қайтариш учун зиммадан гуноҳни соқит қиладиган даражада қаттиқ ҳаракат қилмаётганлик эканини тушунмаётган кўринасиз?! Ислому мудом тўла-тўқис ҳаётга қайтмас экан, биз учун дунё ва охирада асло нажот йўқ. Бу Умматнинг ишлари аввали нима билан тузалган бўлса, қолгани ҳам ўша нарса билан тузалади.

Эй мусулмонлар, бу буюк фарзнинг, яъни динни барпо этиш, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқариш, динни даъват ва жиҳод орқали ёйиш ва одамларни тўп-тўп қилиб Аллоҳнинг динига олиб кириш фарзининг ўз аҳли бор. Биз ўшалардан бўлишимизни умид қиламиз. Бу фарзнинг ҳақ устида бардавом бўладиган тоифаси бор. Шояд, биз ўшалардан бўлсак. Бу фарзнинг қабилалар орасида ғариб бўлган ва одамларнинг бузганини тузатадиган алоҳида кишилари бор. Биз улардан бўлишимизни умид қиламиз. Бу фарзнинг Аллоҳнинг наздида энг суюкли бўлган ансорлари бор. Умид қиламизки, пайғамбарлик минҳожи Асосидаги рошид Халифаликни барпо этиш орқали динни барпо этишга онгли равишда чақираётган ҳақ даъват эгаларига Аллоҳ шундай ансорларни насиб этади. Ушбу фаолиятга ҳисса қўшишга Аллоҳ муваффақ қилган кишиларга табригимиз бўлсин. Биз ана ўшалардан бўлишимизни умид қиламиз... Тўғри йўлга ҳидоят қилиш Ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. □

ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР... ПАЙҒАМБАРЛИК МЕРОСҲҶҮРИ БЎЛИБ, ЭНГ ЯХШИ НАРСАГА, ЯЪНИ РОШИД ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИНИ БАРПО ҚИЛИШГА ЧАҚИРАДИ

Аҳмад Маҳмуд

Ислом билан ҳукм юритишга қарши мана шундай қутурган ҳужумлар бўлаётган бир пайтда Ислом давлати, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш, Халифалик, фатҳлар ва нусратлар ҳақидаги гаплар мусулмонларнинг диққат-эътиборини тортиши ва бу нарсалар уларни бошдан кечиришаётган оғир азоб-уқубатдан қутулиш йўлини ўз динларидан қидириб топишга ундаши табиий. Табиийки, бундай ҳолатда улар орасида ўзгариш истаги ва бу йўлда фаолият қилувчиларни излаш ҳукмрон бўлган исломий муҳит пайдо бўлади. Натижада, мусулмонлар чуқур илдиз отган, пишиб етилган, жиддий, серғайрат ва улардан бир неча йил олдинга ўтиб олган Ҳизбни топадилар. Ҳизб фаолият йўлини шу даражада босиб ўтган бўладикки, мусулмонлардан фақат унинг атрофида жипслашишгина, шунингдек, «Рошид Халифаликни барпо этиш» вазифасини зиммасига олиб, уни барпо этишда Ҳизбга ансор бўлиш учун мусулмонлар орасидаги қувват эгаларининг олдинга чиқишигина талаб қилинади. Демак, мусулмонлар нусрат ишлари муҳайё бўлиши учун бирор бўшлиқни ҳам топмайдилар, узоқ вақтга ҳам муҳтож бўлмайдилар, балки – Аллоҳнинг изни ила – ўзларини нусрат бўсағасида эканликларига гувоҳ бўладилар. Шояд, мусулмонларнинг ушбу даъват атрофига бирлашишлари ва куч-қудрат аҳли бўлмиш нусрат аҳлининг Аллоҳнинг ҳукмини барпо этишдек зиммаларидаги шаръий бурчларини мусулмонлар билан биргаликда бажаришлари нусрат сари ташланувчи қадамларнинг охирилари бўлса, ажаб эмас. Чунки бугун Уммат ушбу фаолият учун тайёр: унга бошпана беришга, ёрдам кўрсатишга, уни ҳимоя қилишга, хавф-хатардан сақлаб мудофаа қилишга ҳозир. Иймон эгаларидан бўлган куч-қудрат аҳли ҳам мавжуд. Шу боис, қилинадиган иш икки томон бирлашиб, Аллоҳ Азза ва Жалланинг Ислом давлатини барпо этиш амрига итоат қилган ҳолда, фаолиятнинг икки қанотига айланишдан иборат, холос. Биринчи қанот: Ҳизбга ва унинг аъзоларига сиёсий фикрий етакчилик қиладиган ва уларни бир вақтда ҳам даъват, ҳам давлат арбоби сифатида тайёрлаган қиёдат. Иккинчи қанот: бугунги бузуқ ва бузғунчи, малай, хоин ҳукмдорлардан бошқарувни олиб берадиган куч-қудрат ва нусрат

аҳли... Бу иш олдин Росулulloҳ ﷺ ҳамда муҳожир ва ансорлар ўртасида бўлиб ўтганидек, биринчи Исломий давлат барпо бўлиши билан ўз самарасини берган эди.

Хўш, Уммат билан куч-қудрат аҳли Исломга ёрдам бериш ва Ислом давлатини барпо этиш учун унинг атрофига бирлашмоқлари керак бўлган ушбу Ҳизб-ут-Таҳрир қандай партия?

Ушбу саволга жавоб бериш учун Ҳизбнинг илк пайдо бўлиши ҳамда унинг пайдо бўлишига ундаган ёмон вазият ва шароитлар ҳақида тўхталиб ўтишимиз лозим бўлади. Бу ҳақда биз шундай деймиз:

– Исломий Уммат Халифаликнинг қулатилиши, Исломий юртларнинг тақсимланиши, Фаластиннинг босиб олиниши, яҳудийларга имконият берган ҳукмдорларнинг хиёнати, ғарб давлатларининг мусулмонлар ҳаётининг барча жабҳаларига ҳукмронлик қилиши ва мусулмонларни ўз динларидан узоқлаштириш учун тинмай қилаётган ҳаракатлари туфайли ёмон воқеликни бошдан кечираётган бир пайтда буюк олим, имом ва қози Тақийюддин Набахоний бошчилигидаги бир тўп уламолар Уммат тушиб қолган ушбу воқеликдан уни қутқариш учун шаръий фаолият қилиш зарур деб топдилар. Шунингдек, улар «Ушбу ёмон воқеликни тағ-тубидан ўзгартирадиган шаръий иш ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини ўрнатишдир. Бу эса, Пайғамбарлик минҳожиди асосидаги рошид Халифаликни барпо қилиш орқали амалга ошади. Мусулмонлар Росулulloҳ ﷺ вафот этгандан тортиб, қиёмат кунигача Халифаликсиз яшаши жоиз эмас. Чунки Халифалик давлати динни қоим қилади, мусулмонларнинг муаммоларини ҳал қилиб, ўзларини ҳимоя қилади. Халифалик давлати жиҳодни қоим қилади, Исломни ёйиб, исломий юртларни бирлаштиради. Халифалик давлати мусулмонларни ғарб чангалидан қутқариб, Фаластинни озод қилади. Шунингдек, Ислом давлати қулаши билан бекор қилинган ҳукмларни қайта тиклайди ва булардан бошқа жуда кўп ишларни амалга оширади. Халифалик давлати ёлғиз шаръий ечимдир, ундан бошқа туб ечим йўқ», деган тўхтама келдилар. Яна бу уламолар қашшоқликка барҳам бериш, ахлоқни тузатиш каби ишлар билан мусулмонларнинг муаммосини ҳал қилиб бўлмаслигини, балки бу муаммолар Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритмаслик натижасида келиб чиққанлигини ва бу муаммолар фақат Халифалик давлати орқалигина муолажа қилиниши лозимлигини баралла айтишди.

Шундай қилиб, улар Умматни қутқариш учун ягона мақсадни белгилашди, у ҳам бўлса Пайғамбарлик минҳожид асосидаги Рошид Халифаликни барпо қилиш учун фаолият олиб бориш бўлди.

– Ушбу уламолар Пайғамбарлик минҳожид асосидаги Халифаликни барпо қилиш учун ҳаракат қилиш Умматга фарзи кифоядир, деган хулосага келишди. Бу эса, Халифаликни барпо қилиш бунга қодир бўлган ҳар бир мусулмонга фарздир, ким унга ҳаракат қилса, ундан ушбу фарз соқит бўлади ва ким ҳаракат қилмаса, Халифалик барпо бўлмагунича гуноҳкор бўлади, деган маънони англатади... Яна улар «Ушбу фарзиди бажариш учун жамоат бўлиши лозим, чунки якка шахслар уни тиклай олмайди. Бу эса, **«Вожиб нима билан адоғиди етса, ўша нарса ҳам вожибдир»** номли шаръий қоидага тушади. Шунингдек, Пайғамбаримиз ﷺнинг:

«لَا يَجِلُّ لثَلَاثَةٍ فِي سَفَرٍ إِلَّا أَمْرُوا عَلَيْهِمْ أَحَدُهُمْ»

«Уч кишининг ораларидан бири уларга амир бўлмай туриб сафарга чиқишлари ҳалол эмас», деган ҳадисига кўра ушбу жамоанинг амира бўлиши лозим. Зеро, бу ҳадисдан уч ёки ундан кўпроқ бўлган мусулмонлар иштирок этаётган ҳар қандай амалда амир бўлиши лозим, деган маъно келиб чиқади. Сафарга чиққан жамоанинг амира бўлиши шарт экан, демак Аллоҳнинг ҳукмини барпо қилиш учун ҳаракат қилаётган жамоанинг ҳам амира бўлиши албатта лозимдир...», деган фикрга келишди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, **ушбу фарзиди адо этиш учун Ҳизб ут-Таҳрирга асос солинди.**

– Ҳизб Пайғамбарлик минҳожид асосидаги рошид Халифаликни барпо қилишга ҳаракат қилишни ўзининг ғояси қилиб белгилади. Лекин Умматнинг воқелиғиди Исломи татбиқ қилишдан анча узоқ эди. Чунки у куфр конституциялари билан бошқарилар ва унинг устиди капиталистик кофир Ғарбга тобе тоғут ҳукмдорларнинг режими турар эди. Шунинг учун иш, ғайриисломий бошқарувга асосланган вужудларни қулатиш ва Исломи вужудни барпо қилишга алоқадор эди. Бу эса, ҳукмдорга насиҳат қилиш ва бошқарувни ислоҳ қилишга чекланадиган оддий иш эмас, балки бундан аллақанча катта иш эди... Шунда Ҳизб капиталистик кофир Ғарб Исломи юртларга ўрнатган сохта чегараларни эътиборга олмаган ҳолда, Уммат даражасиди фаолият олиб бориш зарурлиғиди ҳамда бугунги воқеликни ўзгартириб,

Умматни ўз бирлигига, битта бошқарув остига ва битта давлатда яшашдек ҳаётга қайтарадиган Исломиё давлатни барпо қилиш учун ҳаракат қилиш зарурлигини тушуниб етди. Бу нарса Ҳизбни рошид Халифаликни барпо қилишга олиб борадиган шаръий йўлни белгилаб олишга ундади. У ҳам бўлса, Росулulloҳ ﷺнинг Исломиё давлатни барпо қилишдаги тариқатидан ўрнак олиш эди. Шунингдек, бу нарса Ҳизбни ушбу буюк фарзани қоим қилиш учун лозим бўлган сақофатни табанний қилишига ҳам ундади.

– Ҳизб ташкил бўлган кунидан бошлаб ўзининг мабдаий Ҳизб эканини, фикрининг асоси Исломиё ақида эканини, ушбу ақидадан келиб чиққан шаръий ҳукмлар эса унинг фикри, тариқати ва у билан ҳукм юритиши учун танлаган дастури эканини эълон қилди. Ҳизб шаръий ижтиҳод йўлини танлаб, Усули фикҳ китобини ёзди ва бунда олдингиларнинг усул тариқатига риоя қилди. Шунингдек, ушбу усул орқали ўз амали учун лозим бўлган шаръий ҳукмларни истинбот қилди.

– Ҳизб Исломиё давлатни барпо қилишга ҳаракат қилиш шаръий далилларни ушлашни талаб қилишини ва бу шаръий ҳукмларни истинбот қилиш орқали бўлишини аниқлаб олди. Шунингдек, бу ишда вазиятлар, фикрлар, нафс-ҳаво, ақл ва манфаатлардан таъсирланмаслик зарурлиги, аксинча, бу иш шаръий ҳукм билан юргизилиши шартлигини идрок этди... Бундан ташқари, бу иш Росулulloҳ ﷺнинг Исломиё давлатни барпо қилишдаги тариқатларидан ўрнак олишни талаб қилишини ҳамда бу намоз каби бошқа шаръий ишларда ўрнак олишдан фарқ қилмаслигини тушуниб етди. Зеро, Росулulloҳ ﷺ:

«صَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أُصَلِّي»

«Мен қандай намоз ўқисам, сиз ҳам шундай ўқинглар».

«خُذُوا عَنِّي مَنَاسِكَكُمْ»

«Ибодатларингизни мендан ўрганинглар» деган эдилар. Аллоҳнинг шариатини қоим қилишга чақириш ишида ҳам худди шундай ўрнак олинадди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي أَدْعُو إِلَى اللَّهِ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي ۖ وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنَ

الْمُشْرِكِينَ﴾

«Айтинг: «Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга-ишончга

эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман»» [Юсуф 108]

– Ҳизб ут-Таҳрир Росулulloҳ ﷺ тариқатини маҳкам тутар экан, бу нарса уни Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо қилишга бўлган даъватда – истаса, истамаса – Росулulloҳ ﷺнинг тариқатини асосида юришга мажбур қилди. Шундай қилиб, Ҳизб Росулulloҳнинг тариқатидан илҳомланиб ўзининг бошланиш, ёйилиш ва марказлашиш нуқталарини белгилаб олди... Бундан ташқари, сақофат бериш, Уммат билан ишлаш ва давлатни барпо қилиш каби босқичларини белгилади. Ҳизб буларнинг барчасини Росулulloҳ ﷺнинг Маккада давлатни барпо қилиш учун қилган ишларидан олар экан, Росулulloҳ ﷺнинг тариқатларини маҳкам тутгани учун, у киши йўлиққан қийинчиликларга дучор бўлди. Бу нарса Ҳизбга Росулulloҳ ﷺ Маккада саҳобаларни қандай тайёрлаган бўлсалар, ўз аъзоларини шундай тайёрлаш кераклигини кўрсатди. Шунингдек, бу – Росулulloҳ ﷺнинг даъвати йўлиққан нусратнинг кечикиши, бечораҳоллик, сафдаги кишиларнинг камлиги, ёрдамчиларнинг камлиги ва юртдан қувилиш каби ишларга йўлиқиши табиийлигини кўрсатди. Бундай ишлар мусулмонларга оғир ботса-да, лекин уларга сабр қилиш даъватнинг самимийлигини, Росулulloҳ ﷺнинг тариқатига содиқлигини кўрсатади ва бу ғалаба хушxabарларидандир.

– Ҳизб даъватдаги Аллоҳнинг ҳаққини Росулulloҳ ﷺнинг тариқатини асосида амалга оширишга киришар экан, бу ишни ўзи фаолият қилаётган жойга чекламади. Аксинча, бу ишни ўзи фаолият олиб бораётган барча қитъаларда кенг қамровли тарзда, битта даъват билан ва Росулulloҳдан намуна қилиб олган шаръий тариқат ҳукмлари асосида бажаришга киришди. Шунинг учун унинг барча юртлардаги даъвати бир-биридан фарқ қилмайди. Ҳизбнинг даъвати «Уммат биттадир ва уни бугунги аҳволдан битта нарса (Халифаликнинг барпо бўлиши) қутқаради» деган ягона асосдан келиб чиқади. Агар у бир қитъада барпо бўлса, қўшилишга тайёр бўлган бошқа қитъаларга кўчиб ўтади.

– Ҳизб ут-Таҳрир ўз фаолияти учун лозим бўлган кенг сақофатни қабул қилди ва уни Қуръон, суннат, ижмо, қиёс, шаръий усул, фикҳий ва луғавий қоидалар асосига қурди. Унинг аъзолари ушбу шаръий сақофат билан жиҳозланиб, уни Умматга етказадиган

бўлди. Бу сақофатда ҳеч қандай ношаръий ҳукм мавжуд эмас. Ҳизб яна ўз йўлида лозим бўлган қатъий исломий фикрларни қабул қилди. Мана шу амалий сақофат ва усул билан ўз даъватида Уммат манфаатларини табанний қилишга киришди. Шунингдек, Исломга альтернатив тарзда таклиф қилинаётган демократия, миллатчилик, ватанпарварлик, ҳамда фуқаролик, қироллик ва республика давлатлари каби барча кўфр фикрларига қарши фикрий курашга шўнғиди... У яна Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа қонунлар билан ҳукм юритаётган тоғут режимлар ва улар юритаётган кўфр бошқарувига қарши сиёсий кураш орқали уларнинг ғарбга малайлигини очиб ташлади. Ғарб Ислом юртларини 50дан ортиқ давлатчаларга парчалаб, мусулмонларни мазҳаблар аро, ирқий, миллий ва ватанпарварлик келишмовчиликларига ғарқ қилиш йўлида бу ҳукмдорлардан заҳарли ханжар сифатида фойдаланиб келаётганини фош қилди. Ҳизб бу чақириқларга қарши инсонга инсон сифатида ва Умматга чегаралар билан турли давлатларга бўлинмайдиган битта Уммат сифатида мурожаат қиладиган ҳамда ўзининг оламшумуллиги орқали ҳар қандай бўлинишларга чек қўядиган ақлий сиёсий ақидага асосланган сақофати билан курашга киришди... У Исломий юртларда оламшумул Исломий Ҳизб шаклида ўз даъватини бошлар экан, бундан Исломий давлат барпо бўлишидан олдин ва кейин ер куррасининг барчасига даъватни етказишни мақсад қилди... Унинг даъвати гўё охириги замонда ўз даъватини ёйган Пайғамбарнинг даъватидек эди. Лекин Мухаммад ﷺ дан кейин пайғамбар юборилмайди. Аммо Пайғамбарлик минҳожини асосидаги Халифалик бўлади. Ҳизб ут-Таҳрир мусулмонларга ва бутун оламга етказиётган нарса айнан мана шунинг ўзгинасидир.

Дарҳақиқат, Ҳизб ут-Таҳрир ўзи таклиф этаётган сақофати орқали Ислом динини тушуниш йўлида саҳобаларнинг биринчи авлодига хос хусусиятларни ўзида мужассам этгани туфайли ўзгачадир. Шунингдек, у аср муаммоларини саҳобаларнинг ижтиҳоддаги йўлига асосланган ижтиҳодий фикрий ҳукмлар орқали муолажа қилаётгани билан ажралиб туради. Чунки у мабдаий Ҳизб бўлиб, уни шаръий ҳукмлар ҳаракатлантиради. У шаръий ҳукмларга зид равишда воқелик тарафидан ҳаракатлантириладиган бошқа исломий ҳаракатлардан бутунлай фарқ қиладир. Чунки уларнинг даъватлари бутун Умматни эмас, балки ўзларининг юртларига чеклангандир. Улар ўзлари

Ўзгартириш учун эмас, балки ислоҳ қилишни даъво қилишаётган ҳокимият низомининг бир қисмидирлар. Ҳатто улар айрим ҳолларда ўша ҳукуматларнинг куфр билан бошқаришларида шерикдирлар... Аммо Ҳизб йўлнинг бошиданок ўзи табанний қилган нарсага мувофиқ ҳаракатланмоқда ва ундан бир қарич ҳам оғишмасдан сабот билан юрмоқда. Чунки унинг табанний қилган нарсалари шаръий ҳукмлар бўлиб, ундан оғиш мумкин эмас. Уларни на босимлар, на таҳдидлар, на таъқиблар, на қамашлар, на рад этишлар ва на ўлдиришлар ўзгартира олади... Уларни фақат кучли далил билан келган бошқа шаръий ҳукмгина ўзгартириши мумкин. Бу ерда шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, барча Исломий ҳаракатлар орасидан фақат Ҳизб ут-Таҳриргина барча Исломий юртларда ўз ғояси ҳақида исломий раъйи омни шакллантира олди. У тубдан ўзгартиришни хоҳлайди ва ўзгартирувчи Исломни таклиф қилади. Ҳизб у ер ва бу ердаги фуқаролик ёки илмоний давлатни талаб қилмаяпти. Бу Умматнинг талаби эмас, балки турли элчихоналар ва уларга алоқадор фуқаролик жамиятларининг ҳамда эски лагердан қолган бузуқ, илмоний, сақофий, сиёсий элитанинг талабидир... Ҳизб ўзи табанний қилган нарса орқали барпо қилишга ҳаракат қилаётган рошид Халифалик давлати билан дунёни бошқаришга номзод оламшумул партия бўлиш даражасига етди.

– Ҳизб ут-Таҳрирнинг Пайғамбар ﷺ тариқатларига эргашиши унинг фаолияти сиёсий бўлишини ҳамда ҳукмдорларни ва уларнинг ортидаги Ғарб давлатларини кузатиб боришни тақозо қилади. Зеро, мусулмонларни куфр билан бошқараётган бу ҳукмдорларни ҳокимиятга Ғарб давлатлари олиб келган. Бу давлатлар уларнинг қарорларини назорат қилиб туради, ҳукмдорлар уларнинг мақсадларини амалга оширадилар... Бу нарса яна Ҳизбдан ўзи фаолият қилаётган ҳар бир қитъадаги сиёсатни, минтақадаги сиёсатни ҳамда мусулмон юртлардаги сиёсий жабҳаларнинг ҳар бирига ҳукмронлик қилаётган халқаро сиёсатни кузатишни тақозо этди. Шунингдек, ўша давлатларнинг ишлари ва манёврларини кузатиш ҳамда уларнинг ҳокимият борасидаги рақобатларини кузатишни тақозо этди. Шунинг учун ўша ишларнинг илмини ўрганиш зарур бўлиб қолди... Бу эса, уни сиёсатда катта тажрибага эга Ҳизбга айлантирди. У ўзининг онгли ва самимийлиги билан сиёсат ва унинг сир-асрорларини тушунишда йирик давлатлар даражасида шаклланган сиёсий

партия эканлигини намоён қилди. Балки у Аллоҳ хоҳласа, Халифалик барпо бўлганда бу борада йирик давлатлардан ҳам ўтиб кетади ва бу соҳада Халифаликнинг ихтисосланган идорасига айланади.

– Албатта Ҳизб ут-Таҳрир ўзи таклиф қилаётган амал дастури орқали Ғарб манфаатлари ва унинг минтақадаги мустамлакачилигига улкан хатар туғдиради. Бунинг устига Ҳизб ут-Таҳрир ўзи таклиф қилаётган нарса орқали Ғарб ҳазоратининг барчасига хатар туғдиради. Чунки у Исломни мабда тарзида тушунади ва уни рошид Халифалик давлати орқали халқаро саҳнага олиб чиқишни хоҳлайди. Ғарб эса бунинг хатарини жуда яхши тушунади. Ўтмиш, тарих Ғарбнинг кўз ўнгида доим гавдаланиб туради. У бундан қаттиқ қўрққанлиги учун, Совет Иттифоқи қулагач, Америка Исломни ҳаёт майдонига қайтишидан хавотирга тушди. Америка Ислом билан овора бўлиб, Хитой, Россия ва Европа иттифоқидан эътиборсиз қолди... Бугун барчага аёнки, Исломга қарши олиб борилаётган уруш Ҳизб табанний қилган лойиҳани тўхтатиш учун бўлмоқда. Бу айрим Ғарб раҳбарлари «Исломий империя» деб номлаётган Халифалик давлатини барпо қилишдир. Бу эса, Ҳизбнинг ҳақ йўлда эканини кўрсатмоқда ҳамда уни Аллоҳ қўллаб-қувватлаши, ёрдам бериши, мустаҳкамлаши ва уни ҳимоя қилишидан дарак бермоқда.

– Бу даъватда нусрат келиши бошқа даъватдагилардан фарқ қилади, чунки бунда нусрат Аллоҳдан келади. Бундаги нусрат Аллоҳ Таолонинг Росулүллоҳ ﷺ тариқатини маҳкам ушлаш борасидаги буйруғига тўла боғланганлик туфайли келади. Ушбу тариқатни маҳкам тутиш эса даъватда куч ишлатмасдан Аллоҳнинг буйруғига сабр қилишни ҳамда ўз қароридан мустақил бўлиб, аъзоларининг ёрдамидан бошқа молиявий ёрдамни қабул қилмасликни талаб қилади. Шунингдек, заифхоллик, нусратнинг кечикиши, сафдагиларнинг сони кам бўлиши, қувғин қилиниши, ўлдирилиши, азобланиши, қўрқитилиши ва қамалиши каби ишларга сабр қилишни талаб қилади... Бу гуруҳ ўзининг ушбу сабри орқали ўз софлигини сақлаб қолади ва унинг сабри йигитларни аввалгилардек давлат ва даъват арбоблари бўлишига ёрдам беради. Аллоҳ Таоло мана шундай кишилар орқали, одамлар учун энг яхши Умматни чиқаришни хоҳлайди. Шунинг учун нусрат фақат Аллоҳдан сўралади ва ёлғиз тариқат

аҳкомларини маҳкам тутиш орқали келади. Мана шу иккисигина муваффақият гаровидир.

– Албатта мусулмонлар Ислом билан ҳукм юритилишини хоҳлайдилар ва буни шавқу завқ билан кутмоқдалар. Лекин уларнинг Ҳизб қилаётган фаолиятга қўшилиб кетмаётгани улардаги даъват Уммат даражасига кўтарилмаганидандир. Улар ўз давлатларидаги фаолият майдони билан чекланиб, ўз даъватлари, фаолияти ва эътиборларида маҳаллий бўлиб қолишди. Лекин Ҳизб ишонадики, улар ҳар қандай ҳолатда ҳам сиёсий Ислом борасидаги ваъйи ордан келиб чиққан раъйи оми шакллантирадилар. Ҳа, Ҳизб уларни ўз ғалабасининг бир қисми деб ҳисоблайди, бўлиб ўтган қўзғолонлар шуни исботлади.

– Аллоҳ Таоло динни қоим қилиш учун фаолият қилаётган гуруҳ Ҳизб ут-Таҳрир бўлишини хоҳлади. Афсуски, ижтиҳод ва фаолият борасида Ҳизб ут-Таҳрир билан мусобақалашадиган бирор гуруҳни кўрмаймиз, демак у ёлғиз экан. Биз Аллоҳдан яқин кунларда нусрат беришини ва ўз динини барча динлар устидан ғолиб қилишини сўраймиз. Шунингдек, Аллоҳдан гуноҳларимизни кечириши ҳамда ўз афви ва розилиги билан нажот топганлардан қилишини сўраймиз. Албатта Аллоҳ азиз ва ҳаким зотдир... □

ҲИЗБ УТ-ТАҲРИРНИНГ ХАЛИФАЛИК ҚУЛАТИЛГАНИНИНГ АЛАМЛИ 101 ЙИЛЛИК ХОТИРАСИ САБАБЛИ УЮШТИРГАН ТАДБИРЛАРИ

Ҳизб ут-Таҳрир ҳар йили ражаб ойида Халифалик давлати қулатилганини хотирлашни одат тусига киритган. Шунинг учун у бу йил ҳам, яъни ҳижрий 1443, милодий 2022 йилда Халифалик давлати қулатилганининг аламли 101 йиллигини хотирламоқда. Ҳизб бу ишни ўзининг амири буюк олим Ато ибн Халил Абу Рошта «Абу Ёсин»нинг диққат эътибори остида олиб борди. Аллоҳ у кишини Ислом ва мусулмонлар номидан энг яхши мукофотлар билан тақдирласин ҳамда у кишининг қўли билан мусулмонларни ер юзида ғолиб-мустаҳкам қилсин. Ҳизб ут-Таҳрир ўзи фаолият юритаётган барча юртларда кенг жамойи тадбирлар ўтказди.

Ал-Ваъй журнали ўтган йиллар давомида ўзининг ҳурматли ўқувчиларига ҳавола қилиб келганидек, ушбу ҳисоботда Ҳизб ут-Таҳрир дунё бўйлаб амалга оширган баъзи муҳим ишлар ва фаолиятларни нашр қилмоқда. Ҳизб ушбу фожиали воқеани хотирлаб, умуман олганда Исломий Уммат фарзандларининг, хусусан қувват ва ҳимоя аҳлининг азму қарорини ошириш учун бир қанча муҳим ишларни амалга оширди. Токи улар Аллоҳнинг ваъдаси ва Росулининг хушхабари бўлмиш Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо қилиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш ишида Ҳизб билан бирга фаолият қилсинлар. Зеро, Халифалик Умматга ўз кучи ва ҳурматини қайтаради ва Аллоҳ ирода қилганидек одамлар учун чиқарилган энг яхши Умматга айлантиради.

Ҳизб ут-Таҳрир амири улў олим Ато ибн Халил Абу Роштага берилган саволнинг жавоби

Халифаликни барпо қилиш учун ҳаракат қилиш то у барпо бўлгунича фарзи кифоядир, ким бунга ҳаракат қилмаса у барпо бўлгунича гуноҳкор бўлади. Даъватни ёйиш фарзи кифоядир. Бу фарзнинг маъноси шуки, у адо этилмагунича ҳар бир кучи етган кишининг зиммасида вожиб бўлиб қолаверади, у адо этилгач, вожиб соқит бўлади. Аммо у адо этилмаган бўлса, у ҳар бир кучи етган киши учун вожибдир... Халифаликни барпо қилиш учун ҳаракат қилиш ҳам шунга ўхшаб, то у барпо бўлгунига қадар фарзи кифоядир. Уни барпо қилиш учун ҳаракат қилмаган ҳар бир киши то у барпо бўлгунича гуноҳкор бўлади.

- Исломий шахсия китобининг учинчи қисмида шундай келади: (Фарз амали бажариш жиҳатидан икки қисмдир: Фарзи

айн ва фарзи кифоя. Вожибликда иккисининг ўртасида фарқ йўқ, чунки иккисида ҳам талаб бир хил, яъни қатъий талабдир. Лекин иккисининг ўртасидаги фарқ шундан иборатки, фарзи айн ҳар бир шахсдан талаб қилинган, фарзи кифоя эса барча мусулмонлардан талаб қилинган. Фарзи кифояни бажариш учун кифоя қиладиган кишилар топилса, у бажарилади. Уни ҳар бир киши бажардимми, ёки айримлар бажардимми бунинг фарқи йўқ. Агар кифоя қилгудек кишилар топилмаса, у бажарилгунича ҳар бир кишининг зиммасида вожиб бўлиб қолаверади).

• Ислохий фикр китобида шундай келади: (Фарзи кифоя ҳар бир мусулмонга фарздир: Фарз Шореънинг амалга алоқадор хитоби бўлиб, уни бажариш қатъий талаб қилингандир. Бу Аллоҳ Таолонинг

﴿وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ﴾

«**Намозни тўқис адо этинглар**»

[Бақара 43]

﴿انْفِرُوا خِفَافًا وَثِقَالًا وَجَاهِدُوا بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾

«(Эй мўминлар) **хоҳ энгил, хоҳ оғир ҳолингизда** (яъни истасангиз, истамасангиз жиҳодга) **чиқингиз ва молу жонингиз билан Аллоҳ ўўлида жиҳод қилингиз!**»

[Тавба 41]

каби қавлига ёки Росулulloҳ ﷺнинг:

﴿إِنَّمَا جُعِلَ الْإِمَامُ لِيُؤْتَمَّ بِهِ﴾

«**Имом ортидагилар эргашиши учун жорий қилинган**».

﴿وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً﴾

«**Ким бўйнида байъати бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимини топибди**» каби ҳадисларига ўхшайди. Бу нусусларнинг барчаси бажариш қатъий талаб қилинган Шореънинг хитобидир. Талабнинг қатъийлигини англатаётган нарса эса талабга алоқадор қаринадир. Демак уни бажариш вожиб бўлиб, ҳар қандай аҳволда ҳам, фарз қилинган амал бажарилмагунича соқит бўлмайди. Фарзни тарк қилган киши жазога лойиқдир ва уни бажармагунича гуноҳкор бўлади. Бу борада фарзи айн билан фарзи кифоя ўртасида фарқ йўқ. Ҳар иккиси ҳам барча мусулмонларга фарздир. Масалан, Аллоҳ Таолонинг: (﴿وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ﴾ **Намозни тўқис адо этинг**) деган буйруғи фарзи айн бўлса, (**Хоҳ энгил, хоҳ оғир** *انْفِرُوا خِفَافًا وَثِقَالًا وَجَاهِدُوا*)

ҳолингизда жиҳод қилинг) деган бўйруғи эса фарзи кифоядир. Росулulloҳ ﷺнинг:

«إِنَّمَا جُعِلَ الْإِمَامُ لِيُؤْتَمَّ بِهِ»

«Имом ортидагилар эргашиши учун жорий қилинган» ҳадиси фарзи айн бўлса,

«وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким бўйнида байъати бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимини топибди» ҳадиси фарзи кифоядир. Буларнинг барчаси фарз бўлиб, Шореънинг қатъий талабига алоқадор хитоби билан собит бўлган. Фарзи айн билан фарзи кифояни вожиблик жиҳатидан ажратиш Аллоҳ ҳузурида қаттиқ гуноҳ, Аллоҳнинг йўлидан тўсиш ва Аллоҳнинг фарзларини бажаришда эътиборсизликка йўл очишдир.

Аммо бажариш вожиб бўлган кишилардан фарз амалининг соқит бўлишига келсак, бунда ҳам фарзи айн билан фарзи кифоя ўртасида фарқ йўқ. Шореъ талаб қилган амал бажарилмагунича фарз соқит бўлмайди. Бунда фарз намозлар каби ҳар бир мусулмондан талаб қилинадими, ёки халифага байъат қилиш каби барча мусулмонлардан талаб қилинадими фарқи йўқ. Ҳар икки ҳолатда ҳам фарз бажарилмагунича соқит бўлмайди. Бошқача айтганда намоз тўқис адо этилмагунича ёки халифа барпо бўлиб, унга байъат берилмагунича фарз соқит бўлмайди. Шунинг учун фарзи кифояни айрим мусулмонлар бажаришга киришсаю, лекин у тўла бажарилмаса, ҳар бир мусулмондан соқит бўлмайди. Амал тўла бажарилмагунича ҳар бир мусулмон гуноҳкор бўлиб қолаверади.

Шунга кўра, фарзи кифояни баъзилар бажаришга киришса, бошқалардан соқит бўлади дейиш хатодир. Аксинча уни баъзилар тўла бажариб бўлса, бошқалардан соқит бўлади. Бунда унинг соқит бўлиши воқеий бўлиб қолади, чунки талаб қилинган иш бажариб бўлинди ва бошқа нарсага ўрин қолмади. Бу фарзи кифоя ҳақида бўлиб, унинг фарзи айндан фарқи йўқ. Шунга кўра, Исломиё давлатни барпо қилиш барча мусулмонларга, бошқача айтганда, ҳар бир мусулмонга фарздир. Исломиё давлат барпо бўлмагунича ушбу фарз ҳеч бир мусулмондан соқит бўлмайди. Ҳатто баъзилар уни барпо қилишга киришсада Исломиё давлат барпо қилинмаган экан, бу фарз ҳеч бир мусулмондан соқит бўлмайди ҳамда уларнинг ҳар бирига фарз бўлиб қолаверади ва давлат барпо қилинмагунча ҳар бир мусулмон гуноҳкор бўлиб

қолаверади. Шунингдек, ҳар бир мусулмон уни барпо қилиш билан бевосита шуғулланмагунича ва шу ишда давом этмагунича улардан гуноҳ соқит бўлмайди...

Бошқа фарзи кифоялар ҳам худди шу каби ҳар бир мусулмонга фарздир, талаб қилинган иш бажарилмагунича фарз соқит бўлмайди).

• 2009 йил 28 майда келган саволга жавоб нашрасида шундай дейилган:

(... б) Аммо Исломиё ҳаётни қайта бошлашга ҳаракат қилиш фарзи кифоядир. Шунинг учун у ҳали рўёбга чиқмаган экан, уни бажариш барчадан талаб қилинади. Ушбу фарз рўёбга чиққунга қадар у билан шуғулланаётганлардан ташқари барча кишилар гуноҳкор бўладилар)...

Умид қиламанки жавоб тиниқ бўлди. Аллоҳу аълам ва аҳкам.

11 Ражаб 1443ҳ

12 Декабр 2022м

Ҳизб ут-Таҳрир дунё бўйлаб амалга оширган баъзи муҳим ишлар ва фаолиятлар:

Фаластин Муборак замин:

Ғарбий қирғоқ:

– «Динимиз ёлиб бўлиб, Пайғамбаримиз байроғи кўтариладиган вақт келди» сарлавҳали варақа.

– Қилқилия шаҳридаги оммавий дарсда Уммат бошига тушган буюк фалокат ҳақида ва унинг мусулмонлар тарихидаги энг катта мағлубият бўлгани ҳақида баҳс юритилди. Шунингдек, мўминларга нусрат келишининг муқаррарлиги ва яқин кунларда Халифалик қайта барпо қилиниши ҳамда Аллоҳ ва Росулнинг Халифалик, нусрат ва имконият бериш борасидаги ваъдаси рўёбга чиқиши таъкидланди.

– Рамаллоҳ шаҳрининг Умарий ва Бийра масжидларида 2022 йил 16 феврал чоршанба кунини шом намозидан кейин оммавий дарс бўлиб ўтди.

– Халил шаҳридаги Шаъровий масжидада «Аллоҳга ўзларингиздан яхшилик кўрсатинг» номли оммавий дарс бўлиб ўтди. Унда таниқли ва таъсирга эга шахслар, академиклар ҳамда мактаб ва университетларнинг ёш талабалари иштирок этишди.

– Оммавий дарс жараёнида бор кучини сарфлаб ва имкон борича тезроқ Халифаликни барпо қилишга чорловчи видео лавҳа ҳавола қилинди.

– Ятта шаҳрида икки кун тунги йиғилиш бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор мусулмонларнинг ўз давлати ва кучини йўқотгандан кейинги аҳволига ҳамда мустамлакачи Ғарб уларнинг устидан назорат ўрнатганига ва мусулмонлар учун Ислом давлатини барпо қилишдан бошқа ечим йўқлигига қаратилди.

– 2022 йил 18 феврал жума куни Халил шаҳридаги Намра масжидида оммавий дарс бўлиб ўтди. Унда Ҳизб ут-Таҳрир аъзоларининг чақириғига жавобан, таниқли шахслар, таъсирга эга ва эътиборли кишилар ҳамда оддий одамлардан кўпчилиги иштирок этди.

– 2022 йил 19 феврал шанба куни Қилқилия шаҳрининг шарқида жойлашган Эзбет Салмон қишлоғи, Абу Рошид девонида симпозиум бўлиб ўтди. Унда Ислом Умматининг Аллоҳ шариатини татбиқ қиладиган, заифҳол мусулмонларга ёрдам берадиган ва исломий юртларни озод қиладиган халифа ва давлатга муҳтож эканига ишончни кучайтирадиган маҳаллий, минтақавий ва халқаро миқёсдаги энг кўзга кўринган қайноқ масалалар муҳокама қилинди.

– Халил шаҳри, Ҳария водийси Салоҳиддин масжидида оммавий дарс бўлиб ўтди. Унда зўравонлик бошқарувидан кейин худди аввалги рошид Халифаликдек Халифалик давлати барпо қилиниши ҳақидаги Пайғамбаримиз ﷺнинг башорати ҳамда куфр пойтахтлари ўтмишда фатҳ қилинганидек яна фатҳ қилиниши ҳақида сўз борди.

– Наблус шаҳрининг Равза масжидида оммавий дарс бўлиб, унда Уммат Халифалик давлатисиз бошдан кечираётган аламли воқеа ҳақида баҳс юритилди.

– Жанин қочқинлар лагеридеги катта масжидда ҳамда Жанин шаҳридаги янги масжидда оммавий дарс бўлиб ўтди. Икки масжидда ҳам мударрислар йиғилганларга мусулмонларнинг Халифалик давлати байроғи остидаги шаънини эслатиб, уларни Исломий давлатни барпо қилишда ёрдам беришлари ва шу йўлда фаолият қилишларига чақирди.

– Хусондаги Абу Бакр Сиддиқ масжидида бўлиб ўтган оммавий дарсда мусулмонларнинг азму қарорини уйғотиш учун уларга Халифалик қулатилгани эслатилди ва Халифаликдан бошқа чора йўқлиги ҳақида баҳс юритилди.

– Халил шаҳридаги Дорул Ислом масжидида «Нусрат Аллоҳдан экани ақидадир» номли оммавий дарс бўлиб ўтди. Унда

Умнатнинг Халифаликни барпо қилишга қодирлиги ва нусрат Аллоҳдан экани таъкидланиб, муслмонларни азму қарорни мустаҳкамлаб, Халифаликни барпо қилиш учун ҳаракат қилишга чақирилди.

– Қилқилия шаҳридаги Али ибн Абу Толиб масжидида бўлиб ўтган оммавий дарсда муслмонларнинг шавкати тўғрисида уларнинг нурли тарихидаги фактлар билан айтиб берилди ҳамда Халифаликнинг шаъни ва қадр қиммати ҳақида сўзланди. Шунингдек, йиғилганларни муслмонларнинг куч ва шаънини қайта тиклаш учун ўша давлатни яна қайта барпо қилиш ва унинг изидан боришга чақирилди.

– Халил шаҳридаги Қосим масжидида бўлиб ўтган «Умнат башоратлар ва имкониятлар орасида» номли оммавий дарсда Аллоҳнинг Халифалик барпо қилиниши ҳақидаги ваъдаси ва Росулнинг башоратлари ҳақида сўз юритилди.

– Халил шаҳрида бўлиб ўтган тунги суҳбатда муслмонлар ва бутун инсоният Халифалик қулатилиши оқибатида қандай зарарлар кўргани ва Халифалик йўқ қилиниши ортидан инсоният қандай кунларни бошдан кечиргани ҳақида гапирилди. Шунингдек, ваҳший капиталистлар ҳукмронлиги даврида инсоният ҳаёти қандай ўзгаргани, улар одамларни қул қилиб, юрт бойликларини талон-торож қилгани, одамларни қашшоқларга айлантиргани, инсоннинг фитратини бузиши натижасида гомосексуализм каби жирканч ишлар тарқатгани, оилани бузишгани ҳамда бугунги кунда Европада бўлаётгани каби йирик давлатлар манфаати учун инсониятни қонли урушлар билан овора қилгани ҳақида айтиб ўтилди.

– Салфит шаҳридаги Саҳоба масжидида «Халифалик вожиб вазифамиздир» номли оммавий дарсда Халифаликни барпо қилиш ҳар бир муслмоннинг бўйнидаги вожиблиги, уни қайта барпо қилиш учун ҳаракат қилиш шартлиги ва у Ҳизб ут-Таҳрирнинг «монополияси» эмаслиги ҳақида гапирилди.

– Тафух шаҳри Ғурабо масжидида бўлиб ўтган оммавий дарсда Росулulloҳ ﷺнинг қўли билан барпо қилинган давлатда муслмонлар азизу муқаррам бўлиб яшашгани ҳамда бундан 101 йил олдин Халифалик қулатилиши оқибатида муслмонлар хорликни бошдан кечириётгани ҳақида айтилди. Шунингдек, одамларни даъват ёювчилар атрофида бирлашишга ва

Халифаликни қайта барпо қилиш учун улар билан бирга фаолият қилишга чақирилди.

– Халилдаги Изна шаҳрининг Умарий масжидида бўлиб ўтган оммавий дарсда Исломиё Уммат Халифаликни барпо қилишга қодирлиги, бойликларининг улканлиги, бошқа халқлар эга бўлмаган инсоний кучга эга экани ҳамда ўзгармас ва тирик ақида соҳиби экани ҳақида сўз юритилди.

– Халилдаги Сурайф шаҳри Салоҳиддин масжидида бўлиб ўтган оммавий дарсда Халифалик қулатилганидан кейин мусулмонлар бошдан кечирган қийинчиликлар ҳақида айтилиб, уларга чароғон ўтмиши эслатилди. Шунингдек, ўтмишга нола қилиш вақти тугагани, чунки бугунги мусулмонлар Халифалик барпо бўлишига ва Аллоҳнинг нусрат ва имконият бериш борасидаги ваъдаси рўёбга чиқишига яқин тургани таъкидланди.

– Тулкаримнинг Қифин шаҳри, Оли Киттана девонида Халифалик қулатилганини хотирлаш учун тунги суҳбат бўлиб ўтди. Унда Халифалик масаласи нақадар аҳамиятли ва асосий масала экани, Ҳизб ут-Таҳрир барпо қилмоқчи бўлган давлатнинг воқелиги ҳақида гапирилди. Шунингдек, булар Халифаликнинг аҳамияти ва уни барпо қилиш зарурлигини яққол кўрсатувчи кундалик мисоллар ва ҳаётий ҳодисалар орқали ёритиб берилди.

– Халилнинг Ёфиин шаҳрида ўтказилган учрашувда Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари ёш авлод билан суҳбатлашди. Унда ёшларнинг динга ёрдам бериш борасидаги аҳамияти ва роли ҳақида айтилди. Шунингдек, Халифаликни барпо қилиш фарзлиги ҳамда Халифалик Умматнинг барча муаммолари учун туб ечим экани ҳақида тўхтаб ўтилди.

– Халифалик қулатилганининг аламли 101 йиллик хотирасида Ақсодан Уммат ва унинг қўшинларига нидо. Ҳизб ут-Таҳрир Халифалик қулатилганининг аламли 101 йиллигини хотирлаш учун уюштирган фаолияти сўнгида, яъни 2022 йил 4 март жума намозидан кейин Уммат ва унинг қўшинларига Масжидул Ақсодан нидо йўллади. Ҳизб унда Умматни Халифаликни барпо қилиш ва шу йўлда фаолият қилаётганларга ёрдам беришга чақирди.

Ғазо сектори:

– Ҳизб ут-Таҳрирнинг Муборак Фаластин заминидаги матбуот бўлими аъзоси устоз Холид Саид амалга оширилган ишларга шарҳ берар экан, шундай деди: «Бу воқеалар бутун дунё учун жуда нозик бир вақтда содир бўлмоқда. Чунки дунёда сиёсий бўшлиқ,

етақчиликдаги фалажлик, ҳамда ахлоқий ва мафқуравий таназзул ҳукмронлик қилмоқда. Халифалик қулатилганининг иккинчи юз йиллиги бошланар экан, биз мусулмонларни Халифаликни барпо қилиш учун фаолият қилаётганлар билан бирлашишга ва уларнинг сафига қўшилишларига чақирамиз. Шунингдек, Уммат ичидаги куч-қудрат ва ҳимоя аҳлини Уммат сафига ўтишлари, унинг динига ёрдам беришлари ва бизни мустамлакачи давлатлар қарамлигидан озод қилиш учун мавжуд халқаро вазиятдан фойдаланишларига чақирамиз. Дарҳақиқат динимиз ғалаба қилиши, ва Росулulloҳ ﷺ байроғи кўтарилиш вақти келди».

– Осилган баннер ва деворий расмлар Халифалик давлатини барпо қилишга чорлаётган ва нусрат ҳақида хушxabар бераётган шиорлар билан тўлди. «Фаластин Исломий масаладир, уни миллийлаштириш зое кетказишдир», «Қўшинлардан ёрдам сўраш шаръий вожибдир», «Фаластин масаласида савдолашиш йўқ, бу борада музокара қилиш хиёнатдир», «Халифалик ғамхўрлик ва ҳидоят давлатидир, у солиқлар йиғувчи давлат эмас», «Халқаро қонунчилик ортидан итдек югуриш залолат ва саробдир» каби шиорлар шулар жумласидандир.

– 2022 йил 25 феврал жума намозидан кейин «Халифалик Умматни бирлаштириш ҳамда ерлари ва кадриятларини озод қилиш йўлидир. Биз Халифалик орқали кофирлар, босмачилар ва хоинларга қарши курашамиз» сарлавҳали сиёсий нашра тарқатилди. Ҳизб бу нашрада Халифалик Умматни бирлаштириш ҳамда ерлари ва кадриятларини озод қилиш йўли экани, шунингдек у кофирлар, босмачилар ва хоинларга қарши курашишига эътиборни жалб қилди.

– «Динимиз ғалаба қилиб, Росулulloҳ ﷺ байроғи кўтариладиган вақт келди» сарлавҳали нашра тижорат дўконлари, мактаб ва олий ўқув юртлари талабалари, кўчадаги пиёдаларга тарқатилди.

– Росулulloҳ ﷺнинг байроғи шаънини кўтариш, уни халқ орасида тарқатиш ва Сайкс-Пико байроқларини рад этиш мақсадида тижорат дўконлари ва автомобилларга уқоб байроғи ўрнатилди.

– 2022 йил 1 март сешанба куни Ғазо сектори маркази Салоҳиддин кўчасидаги Нусайрот қочқинлар лагери чорраҳасида «Динимиз ғалаба қилиб, Росулulloҳнинг байроғи кўтарилиши вақти келди» шиори остида оммавий чиқиш бўлиб ўтди. Ушбу

чиқишда Халифаликни барпо қилишга ва қўшинларни Фаластинни озод қилишга чақирувчи шиорлар кўтарилди.

- Судан вилояти:

Ҳизб ут-Таҳрир Судан вилояти пойтахт Хартум ва турли шаҳарларда бир неча фаолиятлар ўтказди. Қуйида улардан айримларини келтирамиз:

- Бозорлар, жамоат жойлари ва турли шаҳарларда минглаб варақалар тарқатилди. Уларда жумладан: «Исломий ақида Халифалик давлатининг устуни ҳамда конституция ва бошқа қонунларнинг асосидир. Илмоний давлатда эса, фуқаролик ёки ҳарбий бўлишидан қатъий назар, динни ҳаёдан ажратиш ақидаси асосдир. Яхши нарсани арзимас нарсага алмаштирасизми?!», «Халифалик давлатида бошқарув низоми ягона бўлади. У федератив низом эмас. Шунинг учун федерация, конфедерация, давлат фуқароларини ажратиш ҳамда муаммоларни регион, ирқ ва қабила асосида ўрганиш, буларнинг барчаси мамлакатни парчалайдиган ботил фикрлардир» каби иборалар ўрин олди.

- Калакла маҳалласи Шайх Бакрий Ваҳда масжидида оммавий мурожаат қилиниб, унда мусулмонларга Британия ва Франция бошчилигидаги мустамлакачи кофир ғарб араб ва турклардан иборат хоинлар ёрдамида Халифаликни қулатгани эслатилди. Ҳизб аъзолари намозхонларни дунёда куч-қувват ва охиратда савоб келтирувчи ушбу буюк фарзни барпо қилишга чақирдилар.

- Умму Дўрмоннинг шимолий кварталда бўлиб ўтган оммавий мурожаатда, Халифалик давлати йўқлиги сабабли мамлакат ишларига четдан аралашувлар бўлаётгани, шунинг учун мамлакат турли элчилик ва ташкилотлар ҳамда хорижий разведкалар майдонига айланиб қолганлиги, бу эса мустамлакачи давлатлар ва уларнинг ичкаридаги малайлари томонидан уюштирилган ҳаракат эканлиги ва бу аралашув ўн уч асрдан ортиқ Исломий Умматни ўз бағрига олган Халифаликнинг қулатилишига йўл очган энг муҳим сабаб бўлганлиги батафсил баён қилинди.

- Бозорлар ва турли шаҳарлардаги жамоат жойларда уч варақдан иборат қуйидагиларни ўз ичига олган нашра тарқатилди: «Халифалик давлатидаги бошқарув низоми «Хўжайинлик шариатники», «Салтанат Умматники» қоидаси асосига қурилади. Шунинг учун халқ бошқаруви ва қонунчилик палатасини ўрнатиш тушунчаси, ҳарбийларнинг мамлакат устидан назорат ўрнатиб,

Уммат салтанатини босиб олишлари, буларнинг барчаси Ислом асосида ўзгартирилиши лозим бўлган нотўғри ҳолатлардир».

– Ҳизб-ут-Таҳрирнинг Абяз шаҳридаги матбуот бўлими офисида 2022 йил 11 феврал шанба куни «2022 йил бюджети ва Судан халқининг интилишлари» номли даврий форум ташкил этилди.

– Ҳизб аъзолари 2022 йил 15 феврал куни Умму Дўрмоннинг ғарбий квартали Ливия бозорида «Исломдаги бошқарув низоми федератив низом эмас, балки яхлитлик низомидир» номли сиёсий мурожаат ташкил этилди.

– 2022 йил 17 феврал куни Абяз шаҳридаги Олтин билакузук масжиди олдида «Уммат Халифаликни йўқотиш билан нимани йўқотди??» сарлавҳали сиёсий мурожаат ташкил этилди. Унда Исломий давлатнинг Пайғамбаримиз барпо қилган шаръий тариқати ҳақида сўз юритилди.

– Хартум маҳалласи ёшлари 2022 йил 17 февралда қуруқлик порти ёнида «Халифалик давлати қўлатилгани хотираси ва уни барпо қилиш учун ҳаракат қилиш зарурати» номли сиёсий мурожаат уюштирилди. Унда Пайғамбаримизнинг байроғи, унинг юқори кўтарилиши ва одамлар унинг остида бирлашиши вожиблиги ҳамда мустамлакачи кофир 101 йил олдин Халифалик давлатини қўлатиши ортидан пайдо қилган Сайкс-Пико байроқлари улоқтирилиши ҳақида гапирилди.

– Калакла маҳалласи, Зуннуройн масжидида 2022 йил 18 феврал жума куни уюштирилган сиёсий мурожаатда ушбу ойда муслмонлар бошдан кечираётган аламли хотира ҳақида сўз юритилди.

– Дахинот маҳалласи, Хартум жанубидаги Жабал Авлиё шаҳри эски бозор масжидида 2022 йил 18 феврал жума намозидан кейин оммавий сиёсий мурожаат уюштирилди. Ушбу мурожаат «Халифалик қўлатилганининг аламли 101 йиллик хотираси, Динимиз ғолиб бўлиб, Росулимиз байроғи кўтариладиган вақт келди» номи остида бўлиб ўтди.

– 2022 йил 18 феврал жума куни Умму Дўрмоннинг шимолий маҳалласи, Еттинчи квартал масжидида сиёсий мурожаат уюштирилди. Унда Халифалик қўлатилганининг хотираси ҳамда Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифаликни қайта барпо қилиш Умматга вожиблиги уқтирилди.

– Умму Дўрмоннинг ғарбий маҳалласи йигитлари 2022 йил 18 феврал жума куни Дорус-саломдаги катта масжидда

«Халифаликни барпо қилиш вожибдир» сарлавҳаси остида сиёсий мурожаат уюштирилди. Унда Ислом ҳақ дин экани ҳамда унинг калимаси ва байроғи барча дин ва мабдалардан устун бўлиши зарурлиги ҳақида айтилди.

- Туркия вилояти:

Ҳизб-ут-Таҳрир Туркия вилояти «Иқтисодий инқирозга Исломдан бошқа ечим йўқ» сарлавҳали конференция, симпозиум ва муҳокама ҳалқаларини уюштирди. Ҳизб унда «Сиёсий партиялар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари ва педагоглар» билан учрашди. Қуйида Ҳизб уюштирган фаолиятлар рўйхатини келтирамиз:

- Бурса шаҳри Меринос маданият марказида ҳижрий 1443 йил 13 жумодуссоний, милодий 2022 йил 16 январ якшанба куни «Иқтисодий кризиснинг 10 банддан иборат исломий ечимлари» номли иқтисодий конференция бўлиб ўтди.

- Адана шаҳри «Юрегир» умумий таълим марказида 1443 йил 26 жумодуссоний, 2022 йил 29 январ шанба куни «Иқтисодий кризиснинг исломий ечимлари» мавзусида иқтисодий конференция бўлиб ўтди.

- 1443 йил 27 жумодуссоний, 2022 йил 30 январ якшанба куни Мерсин шаҳрида «Иқтисодий кризиснинг Исломий ечимлари» мавзусидаги иқтисодий конференция ўтказилди.

- 1443 йил 29 жумодуссоний, 2022 йил 29 январ якшанба куни Ҳатай шаҳрида семинар бўлиб ўтди.

- 1443 йил 27 жумодуссоний, 2022 йил 30 январ якшанба куни Қахрамонмараш шаҳрида баҳс-мунозара ҳалқаси ташкил қилинди.

- 1443 йил 4 ражаб, 2022 йил 5 феврал шанба куни Ойдин шаҳрида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

- 1443 йил 4 ражаб, 2022 йил 5 феврал шанба куни Қўния шаҳрида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

- 1443 йил 5 ражаб, 2022 йил 6 феврал якшанба куни Измир шаҳрида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

- 1443 йил 11 ражаб, 2022 йил 12 феврал шанба куни Ван шаҳрида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

- 1443 йил 12 ражаб, 2022 йил 13 феврал якшанба куни Анталия шаҳрида иқтисодий инқирознинг ечими мавзусида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

– 1443 йил 12 ражаб, 2022 йил 13 феврал якшанба куни Татвон шаҳрида иқтисодий инқирознинг ечими мавзусида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

– 1443 йил 12 ражаб, 2022 йил 13 феврал якшанба куни Эсенюрт шаҳрида иқтисодий инқирознинг ечими мавзусида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

– 1443 йил 15 ражаб, 2022 йил 16 феврал чоршанба куни Эсенюрт шаҳрида иқтисодий инқирознинг ечими мавзусида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

– 1443 йил 19 ражаб, 2022 йил 20 феврал якшанба куни Ялова шаҳрида иқтисодий инқирознинг ечими мавзусида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

– 1443 йил 18 ражаб, 2022 йил 19 феврал шанба куни Инегўл шаҳрида иқтисодий инқирознинг ечими мавзусида баҳс-мунозара ҳалқаси ўтказилди.

Уюштирилган барча фаолиятларда капитализм таназзулга юз тутгани ҳамда инсоният курашаётган ахлоқий ва иқтисодий капиталистик инқирозларнинг ёлғиз халоскори Исломий Халифалик низоми ва исломий иқтисод экани таъкидланди. Шунга биноан, ҳар бир соҳада Исломнинг ечим ва қоидаларини кун тартибига қўйиш зарурлигига урғу берилди. Шунингдек, Исломнинг идора, таълим ва ижтимоий соҳалар борасида туб ва муфассал ечимлари борлиги ҳамда ҳар бир платформада улар ҳақида тушунтирилиши вожиблиги эслатиб ўтилди.

- Малайзия:

– 1443 йил 3 ражаб, 2022 йил 4 феврал жума куни Халифалик қўлатилганининг аламли 101 йиллик хотираси сабабли интернет тармоқларида «Исломни тўла татбиқ қилиш вожиб!» номли семинар ўтказилди.

– 1443 йил 10 ражаб, 2022 йил 11 феврал жума куни Халифалик қўлатилганининг аламли 101 йиллик хотираси сабабли интернет тармоқларида «Исломда муносабатларни тушуниш!» номли семинар ўтказилди.

– 1443 йил 14 ражаб, 2022 йил 15 феврал сешанба куни Халифалик қўлатилганининг аламли 101 йиллик хотираси сабабли интернет тармоқларида «Исломдаги иқтисод низоми ва унинг юксаклиги» номли семинар ўтказилди.

– 1443 йил 12 ражаб, 2022 йил 13 феврал якшанба куни Халифалик қўлатилганининг аламли 101 йиллик хотираси сабабли

интернет тармоқларида «Халифалик низомидаги давлат идоралари» номли семинар ўтказилди.

– 1443 йил 9 ражаб, 2022 йил 10 феврал пайшанба куни кўча ва жамоат боғларида одамлар билан жонли мулоқот ўтказилди.

• Ливан вилояти:

– 1443 йил 15 ражаб, 2022 йил 16 феврал чоршанба куни Халқаро Валюта Фондидан қарз олишга қарши кампания ўтказилди.

– Халқаро Валюта Фондидан қарз олишга қарши плакатлар осилди.

• Покистон вилояти:

– Покистон вилояти – Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари мамлакатнинг турли шаҳарларида оммавий мурожаатлар уюштирди. Улар мусулмонларга Британия ва Франция бошчилигидаги мустамлакачи кофир Ғарб араб ва турклардан иборат хоинлар ёрдамида Халифаликни қулатганини эслатдилар. Шунингдек, Уммат Халифалик қулатилиши оқибатида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва сақофий соҳаларда улкан зарарлар кўргани ҳақида айтиб ўтилди. Ушбу мурожаатлар 1443 йил 17 ражаб, 2022 йил 18 феврал жума кунида уюштирилди.

– Карнатака, Уттар Прадеш, Кашмир ва Қуддусда... 1443 йил 8 ражаб, 2022 йил 9 феврал куни Покистон вилоятида «Халифалик мусулмон аёлларнинг ягона халоскоридир», номли кампания ўтказилди.

– Ҳизб ут-Таҳрир – Малайзия вилояти 1443 йил 1 ражаб, 2022 йил 2 феврал куни «Халифалик соясидаги комил Ислому» номли кампания бошлади.

– 1443 йил 19 ражаб, 2022 йил 20 феврал куни Яман вилоятида «Халифаликнинг қулатилиши мусулмонлар бошига тушган фожиаларнинг энг каттасидир» номли кампания ўтказилди.

– 1443 йил 8 ражаб, 2022 йил 9 феврал куни Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилояти Халқаро Валюта Фондидан қарз олишга қарши кампания ўтказди.

– 1443 йил 10 жумодуссоний, 2022 йил 13 январ куни Судан вилоятида «Халифалик қандай қилиб афсона бўлсин, ахир у фарзлар тожи-ку» номли кампания ўтказилди.

– 1443 йил 16 сафар, 2021 йил 23 сентябр куни Судан вилояти «аёллар ўз ҳуқуқларини Пайғамбарлик минҳожини асосидаги Рошид Халифалик соясидагина топади», номли кампания ўтказди.

– 1443 йил 22 ражаб, 2022 йил 23 феврал Покистон вилоятида «Аллоҳнинг изни билан яқинда қурилажак Халифалик давлати Исломи Умматнинг улкан энергия манбаларини бирлаштириб, иқтисодий фаровонликни кафолатлайди» номли кампания ўтказилди.

– 1443 йил 28 ражаб, 2022 йил 1 март куни Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлими «Эй мусулмонлар Халифалик қўлингиз етадиган мевадир, уни териб олишга шошилинг» номли кампания бошлади.

– 1443 йил 27 ражаб, 2022 йил 28 феврал Иордания вилоятида Халифалик қулатилганлиги хотираси муносабати билан «Халифалик соғинчи уни барпо қилиш учун ҳаракат қилишга чорлайди» номли кампания ўтказилди.

– «Халифалик давлати Исломи Умматининг замонавий муаммолари ва бошқарув инқирози учун малҳамдир». 1443 йил 20 ражаб, 2022 йил 21 феврал. Шайх Муҳаммад Самоний.

– «Зарарли ражаб ва Халифалик давлатининг қулатилиши». 1443 йил 19 ражаб, 2022 йил 20 феврал. Муҳаммад Самоний.

– «Халифалик давлатида соғликни сақлаш». 1443 йил 16 ражаб, 2022 йил 17 феврал. Муслима Шомий.

– «Халифаликсиз муслима аёл: Ҳимоянинг йўқолиши ва солиқ тизими остидаги ҳаёт». 1443 йил 14 ражаб, 2022 йил 15 феврал. Бароа Муносира.

– «Ёлғиз Халифаликкина муслима аёллар эҳтиёжларини қондиради». 1443 йил 8 ражаб, 2022 йил 9 феврал. Зухра Молик.

– «Эй ақл эгалари: Бу инқироз шахсий инқироз эмас, балки Халифаликнинг қулаши инқирозидир». 1443 йил 7 ражаб, 2022 йил 8 феврал. Муножий Муҳаммад.

– «Капитализм соясидаги аёл: Озодлик ва имкониятми ёки ахлоқсиз эксплуатация ва хорликми?». 1443 йил 6 ражаб, 2022 йил 7 феврал. Зайна Сомит.

– «Халифалик давлатида Исломи татбиқ этиш билангина ўша «Чиройли замон» қайтиб келади». 1443 йил 26 жумодуссоний, 2022 йил 29 январ. Ғода Муҳаммад Ҳамадий.

– «Халифаликни барпо қилиш билан мусулмонларга ғалабалар изма-из кела бошлайди». 1443 йил 3 сафар, 2021 йил 10 сентябр. Умму Осим Товил.

– Биз қайсидир қитъага чекланадиган Халифаликни эмас, аксинча, барча мусулмонларга раҳбарлик қиладиган Халифаликни

хоҳлаймиз. 1443 йил 18 муҳаррам, 2021 йил 26 август. Абдулҳолиқ Абадун Али.

– «Халифалик вабони пандемияга айланишидан олдин тўхтатиб қолади». 1443 йил 3 шаъбон, 2022 йил 16 март. Абдуллоҳ Рубин.

– «Халифалик барпо қилинмас экан, биздан ғам ва зулм аримайди». 1443 йил 28 ражаб, 2022 йил 12 март. Аҳмад Сабо.

– «Аёл Исломиё Халифаликда адолатли Раббоний қонун соясида яшайди». 1443 йил 23 ражаб, 2022 йил 24 феврал. Раъно Мустафо.

– «Халифаликни барпо қилинг: Аёлга адолат қиладиган давлатни барпо қилинг». 1443 йил 21 ражаб, 2022 йил 22 феврал. Ғода Муҳаммад Ҳамадий.

– «Судан рошид Халифаликни барпо қилиш асосларига эгадир, шундай экан, уни Судан ерида барпо қилинг». 1443 йил 30 ражаб, 2022 йил 3 март. Яқуб Иброҳим.

– «Ёлғиз Халифаликкига ҳақиқий ўзгартиришни рўёбга чиқаради». 1443 йил 28 ражаб, 2022 йил 1 март. Иброҳим Усмон.

- Ал-Воқия телеканали:

1 – «Бу иш ким учун муҳим» номли силсила. Бу Умматни тўғри уйғонишга ва инсониятни Исломи нури ва адолатига етаклайдиган тубдан ўзгартириш сари ҳаракатлантиришга алоқадор фикр ва тушунчаларни ўз ичига олувчи қисқа савол ва жавоблар силсиласидир.

2 – «Имом қалқондир», «Саралаш мусибати» 1443 йил 11 ражаб, 2022 йил 12 феврал.

3 – «Тикланажак Халифалик сигналлари» шиори остида давра суҳбати.

– «Қашшоқлик, қимматчилик ва Исломининг шифобахш муолажаси» номли маъруза. Шайх Носир Ризо, Судан.

– «Халқаро кураш ва унинг Умматга таъсири» номли маъруза. Доктор Муҳаммад Малковий, Иордания.

– «Уммат ёшлари ва салмоқсиз авлодни етиштириб чиқариш», номли маъруза. Абу Низор Шомий, Триполи.

– «Халифалик сари йўл» номли маъруза. Ҳизб ут-Таҳрир марказий матбуот бўлими раиси муҳандис Салоҳиддин Азога, Байрут.

4 – «Халифалик халоскоримиз» номли жума хутбаси. 1443 йил 17 ражаб, 2022 йил 18 феврал.

5 – «Адолатли ҳукмдор» номли жума хутбаси. 1443 йил 17 ражаб, 2022 йил 18 феврал.

6 – Имом қалқондир «Танлашнинг мусибати». 1443 йил 11 ражаб, 2022 йил 12 феврал.

7 – «Уммат битта жасаддир» номли жума хутбаси. 1443 йил 10 ражаб, 2022 йил 11 феврал.

8 – «Рижоллар қаерда, Асвад Заворий қаерда? Муслмонлар қалқони қаерда?!» номли масжиддаги нутқ. 1443 йил 10 ражаб, 2022 йил 11 феврал.

9 – «Исломда ҳукмдорнинг сифатлари ва Уммат масъулияти» номли жума хутбаси. 1443 йил 3 ражаб, 2022 йил 4 феврал.

Роя газетаси:

Халифалик қулатилганининг аламли 101 йиллигини хотирлаш фаолиятига Роя газетаси ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Чунки у турли мақолалари орқали Халифалик, унинг муслмонлар ҳаётидаги аҳамияти, муслмонларнинг бу борадаги вожиб вазифалари ҳақида ёзди. Шунингдек, уларни Пайғамбарлик минҳожидан асосидаги роҳид Халифаликни барпо қилиш учун Ҳизб билан бирга фаолият қилишга чақирди. Бундан ташқари, ушбу аламли хотира борасида Ҳизб уюштирган фаолиятларни ёритди. Қуйида ўша мақолалардан айримларини келтирамиз:

– «Аллоҳнинг буйруғини бажариш Ислом фарзларидандир». 1443 йил 22 ражаб, 2022 йил 23 феврал. Устоз Саид Карамий.

– Ёлғиз Халифаликкина мустамлакачи кофирларнинг юртларимиз ишларига аралашшига чек қўяди. 1443 йил 22 ражаб, 2022 йил 23 феврал. Устоз Иброҳим Усмон.

– Халифалик қулатилганининг аламли 101 йиллик хотираси Халифалик биноти қурилишининг дебодир. 1443 йил 10 ражаб, 2022 йил 11 феврал. Устоз Рўло Иброҳим.

Халифаликнинг қулатилиши Исломий Уммат бошига тушган улкан фожиадир. 1443 йил 8 ражаб, 2022 йил 9 феврал. Устоз Асвад Мансур. □

**ХАЛИФАЛИКНИНГ ФАРЗЛИГИ ҚИЁМАТ КУНИГА ҚАДАР ДАВОМ
ЭТАДИ
ИСЛОМИЙ ФИҚҲНИ ҚАЙТА ТУЗИШ (ИСЛОҲ ҚИЛИШ) ҒОЯСИНИ
ЙЎҚҚА ЧИҚАРИШ**

Муҳаммад Сиддиқ Жовий

Ислом билан бошқа динлар ва ҳазоратлар ўртасидаги кураш Росулulloҳ ﷺ даъватни юзага чиқаришга буюрилган кундан бошланди ва қиёмат кунига қадар давом этади. Аллоҳ Таоло шундай марҳамат қилади:

﴿فَأَصْدَعْ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Ўзингизга буюрилган ишни (ҳақ динга даъват қилишни) юзага чиқаринг ва мушриклардан юз ўгиринг!» [Ҳижр 94]

Ўша кундан бошлаб Ислом тушунчалари билан куфр тушунчалари ўртасида кураш бошланди ва бугунги кунимизга қадар давом этиб келмоқда. Бу курашга иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий кураш каби бошқа турли курашлар қўшилганига қарамай, айна кураш тўхтамади ва тўхташи асло мумкин ҳам эмас. Чунки юқоридаги курашларнинг асоси биргина-фикрий курашдир. Фикрий кураш эса, қиёмат кунигача ер юзида бўлажак барча курашларнинг асоси бўлиб қолаверади. (Абу Ҳасан Али Надавий: «Хатмия сироул ҳазорот» 31 ва 52 саҳифалари ҳамда «Сироъ байна фикрил Исламий ва фикрил ғорбийя фи ақторил Исломиий» 7-8 саҳифалар).

Мустамлакачи кофирлар ва уларга малай мусулмон муфаккирлар томонидан Исломиий юртларда Халифалик бўлишининг фарзлигига қарши олиб борилаётган ҳужумлар ҳам мана шу фикрий кураш туркумига киради. Минг афсуски, мусулмонлар орасида ғарб фикрларидан таъсирланган кимсалар ҳозир ҳам мавжуд. Улар кофирлар ҳужуми олдида Халифаликнинг фарзлигини ҳимоя қилиш ўрнига, ўзлари унга қарши ҳужум қилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Ваҳоланки Халифаликнинг фарзлиги бутун Ислом Уммати ўртасида иттифоқ қилинган. Имом Қуртубий бундай дейди: «Умматда ҳам, имомлар ўртасида ҳам Халифаликнинг фарзлигида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Фақат Асомдан (чунки у шариат масаласида кар бўлгани учун) бу фарз эмас, деган ривоят бор. Унинг гапини қабул қилганлар ҳамда раъйига ва мазҳабига эргашганлар ҳам унинг кабидир. («Тафсири Қуртубий» 264-1 саҳифа). Биз ушбу мақоламизда Ислом давлатини барпо этишга ҳужум қилганлардан бири – Индонезия

диний ишлари вазири Ёқут Халил Қавмоснинг гапини айти йўналишдаги кимсаларга намуна сифатида келтирамиз:

Халил Қавмос тарафидан Халифаликнинг фарзлигига қилинган ҳужум, марказий Ява-Индонезиянинг Суракарта шаҳрида 2021 йил 25 феврал кўни бўлиб ўтган йиллик 20-Халқаро Исломий Тадқиқотлар конференциясида янгради. «Исломий фикҳни қайта тузиш масаласини кўриб чиқиш (Recontextualization of Islamic fiqh) ва умумий сиёсат» мавзусидаги ушбу анжуманда у бундай деди: «Исломий давлатни яъни Халифалик, деб аталаётган оламий буюк имомлик (Имоматул Кубро)ни барпо этишга бўлган ҳар қандай фаолият мусулмонларни ҳалокатдан бошқа нарсага олиб бормади. Чунки дунё бўйлаб мусулмонлар устидан ҳукмронлик ўрнатиш учун курашувчи кўплаб томонлар пайдо бўлади»¹. Бу билан диний ишлар вазири Халифаликнинг фарзлигини инкор этмоқда ва инкор қилишга «исломий фикҳни қайта тузиш масаласини кўриб чиқиш»ни асос қилмоқда. Бундай «кўриб чиқиш»ни эса, Халифалик ва жиҳод каби исломий фикҳнинг айрим омилларини ўзгартириш ва шу орқали «замонавий ҳазорат воқеи»га мослаштириш, деб таърифлаш мумкин.

Диний ишлар вазири наздида «Исломий фикҳни қайта тузиш» икки асосга қурилади:

Биринчидан, Исломий фикҳ камолига етиб, тугаган, сўнг ўрта аср охирларига келиб қотиб қолган қадимги фикрий ҳулосадир.

Иккинчидан, «замонавий ҳазорат воқеи», деган дастак остида мусулмонлар ҳаётининг кўплаб соҳаларида кенг ўзгаришлар юз берди ва уларнинг ҳаёти фарб ҳазоратидан келиб чиққан фикрлар орқали тартибга солинадиган бўлиб қолди. Масалан давлат шакли доирасида миллий давлат мафкураси (nation-state), бошқарув низомида демократия мафкураси ва иқтисод низомида капитализм мафкураси каби. Мана шу икки асосга биноан диний ишлар вазири Исломий фикҳнинг баъзи омиллари замонавий ҳазоратга мос келмай қолди, деган фикрни олға сурмоқда. Унга кўра, исломий фикҳнинг шу омиллари замонавий ҳазоратга мос келиши учун уларни ўзгартириш керак эмиш.

Бироқ, афтидан, «исломий фикҳни қайта тузиш»га даъват очиб олиб борилмайди, балки унга имом Шотибийнинг «шариат

(1) <https://www.kemenag.go.id/read/14-kondisi-pendorong-pentingnya-rekontekstualisasi-fikih-di-era-global>

мақсадлари» тўғрисидаги фикрини ниқоб қилиш керак бўлади. Зеро, дин, нафс, ақл, насл ва молни ҳимоя қилишдаги «шариат мақсадлари» фикри бу – адолат, тенглик ва фаровонлик каби глобал қадриятлар бўлиб, уларни ўзгартириш ва алмаштириш мумкин эмас. Шариат таълимотларига, яъни, шаръий аҳкомларга келсак, диний ишлар вазири наздида улар мана шу қатъий глобал қадриятларни фаоллаштиришдан бошқа нарса эмас. Ушбу шаръий аҳкомларни фаоллаштириш эса, уларни қатъий глобал қадриятларга мос келиши ёки келмаслигига қараб ўзгартириш ёки алмаштиришни ўз ичига олади. Яъни агар шаръий аҳкомлар қатъий глобал қадриятларга мос келса, уларни ўзгартиришга ҳожат йўқ. Бироқ шаръий аҳкомлар уларга мос келмаса, у ҳолда, мос келиши учун уларни ўзгартириш керак бўлади. Диний ишлар вазири Ёқут Халил Қавмос мазкур конференция очилиш нутқида мана шу фикр-хулосаларни баён қилди¹.

Шунга кўра, вазирнинг Халифаликнинг фарзлигига қарши чиқаётганидан ажабланмаса ҳам бўлаверади. Чунки унинг назарида Халифалик агар замонавий ҳазорат воқеига мос келмай қолса, уни ўзгартириш мумкин бўлган шаръий ҳукмдир. Бундай хулоса қуйидаги фикрга олиб келади: «Халифалик Ислом Умматига шарт бўлган ягона бошқарув шакли эмас, балки муслмонлар учун республикачилик ёки қироллик каби Халифалиқдан бошқа бирор бошқарув шаклининг бўлиши жоиз, чунки бу бошқарув шакллари замонавий ҳазорат воқеига мос келади, зотан, замонавий ҳазорат воқеи ҳеч қачон ўзгартириб бўлмайдиган барқарор глобал қадриятларнинг реал кўринишидир». Вазир шундай хулоса қилгач, бошқа бир ҳужжатни, яъни агар муслмонлар ҳозирги замонда Халифаликни барпо этишга уринсалар, ер юзида катта зарар ва кенг фасод юзага келади, деган ҳужжатни қўшимча қилди.

Биз «исломий фикҳни қайта тузиш» масаласини кўриб чиқиш (Recontextualization of Islamic fiqh), деган нарсага раддия сифатида бундай деймиз:

Биринчи:

Вазир Ёқутнинг Халифаликни инкор этишга оид бу гаплари динни ҳаётдан ажратиш (илмонийлик) мафкурасидан келиб чиққанлиги яққол кўриниб турибди. Бу гапининг Исломга мутлақо алоқаси йўқ,

(1) <https://kemenag.go.id/read/aicis-2021-menag-sebut-empat-alasan-pentingnya-rekontekstualisasi-fikih-xknwx>

фақат «шарият мақсадлари» ҳақидаги имом Шотибийнинг фикрини Халифаликни рад этиш учун хаёлий асос сифатида келтиряпти, холос. Унинг Халифаликни рад этиши шубҳасиз у динни ҳаётдан ажратиш шарт, деган фикрни қабул қилганлигини кўрсатиб турибди. Гап шундаки, агар мусулмон киши ўз динини ва исломий тарихини ғарбнинг заҳри қотил фикрларидан таъсирланмаган ҳолда тўғри ўрганса, Исломнинг ўзига хос, бошқа тузумлардан ажралиб турадиган бошқарув тузум шакли мавжудлигини кўради. Исломнинг бошқарув тузуми эса Халифаликдир. Бу тузум Росулulloҳ ﷺ милодий 622 йил Авс ва Хазраждан ҳоқимиятни қабул қилиб олган пайтда Мадинада бошлаб берган тузумдир. Сўнгра асрлар давомида кўплаб халифалар ушбу бошқарув шаклида ул зотга эргашдилар ва бу 1924 йил Истанбулда Халифалик қулатилгунга қадар давом этди. Зеро, Ислом диндир, инсонларнинг ҳаётий ишларини, шу жумладан давлат ёки бошқарув тизимини ундан ажратиб ташлаш асло мумкин эмас. Бунга қўшимча, кимда-ким исломий фикҳ китобларини ўрганса, Халифаликнинг фарзлигини осонликча билиб олади. Мана, шахй Абдурраҳмон Жазирий «Тўрт мазҳаб фикҳи» китобида бундай деган: «Барча имомлар – Аллоҳ уларни раҳмат қилсин – ушбуларга иттифоқ қилдилар: Имомат-Халифалик фарздир ва мусулмонларнинг диний маросимларини барпо этадиган, мазлумлар учун золимларни жазолайдиган бир имом-халифалари бўлиши шарт. Мусулмонлар учун бир вақтда бутун дунёда икки халифа бўлиши жоиз эмас. Хоҳ келишилган ҳолда бўлсин, хоҳ алоҳида бўлсин, бу ножоиздир». (Шахй Абдурраҳмон Жазирий: Тўрт мазҳаб фикҳи, 5-жилд, 366-саҳифа. Дорул кутубил илмия).

Бундан ташқари, Халифаликнинг фарзлигига аҳли суннага қўшимча, бошқа имомлар ҳам иттифоқ қилганлар. Имом Ибн Ҳазм бундай дейди: «Аҳли сунна ҳам, барча муржиийлар, шиалар ва хаворижлар ҳам Халифаликнинг фарзлигига иттифоқ қилганлар». (Имом Ибн Ҳазм: «Ал-Фаслу фил милал вал аҳва ван наҳл» 3-жилд, 3-саҳифа. Дорул кутубил илмия).

Шундай қилиб, демак, Халифаликнинг фарзлиги ҳар қандай онгли, сақофатли мусулмон учун очиқдир, у мавҳум масала эмас. Ушбу буюк фарзни рад этган мусулмон демак, у ё билимсизлиги туфайли ёки била туриб рад этаётган бўлади. Агар била туриб рад этаётган бўлса, демак кофир ғарбнинг динни ҳаётдан ажратиш мафқурасига асосланган сақофати уни бузиб қўйибди. Чунки динни

ҳаётдан ажратиш мафкурасидан таъсирланмаган ҳеч бир мусулмон Халифаликнинг фарзлигини инкор этмайди. Динни ҳаётдан ажратиш мафкураси эса, соғлом Ислом тушунчасига зиддир. Чунки Исломда динни ҳаёт, давлат ва жамият ишларидан ажратиш, деган нарса йўқ. (Доктор Сафар Абдурраҳмон Ҳаволий: «Илмония нашъатуҳа ва асаруҳа фил ҳаятил Исломиётил муосир» 11-саҳифа).

Иккинчи:

Вазир Ёқутнинг гапидан, у «замонавий ҳазорат воқеи», деган нарсани бошқа ҳазоратлар қиёс қилинадиган асосий ўлчов қилиб олганлиги кўриниб турибди. Чунки унингча, бошқа ҳазоратлар замонавий ҳазорат остига кириши керак, замонавий ҳазорат остига кирмаган ҳар қандай ҳазорат тарк этилиши ва шафқат қилинмай ҳаёт майдонидан улоқтирилиши лозим. Аслида эса, «замонавий ҳазорат воқеи», деган нарса бу Ғарбнинг динни давлатдан ажратишга асосланган ҳазорати эканлиги яққол кўриниб турибди. Миллий давлат, демократия, капитализм каби Ғарб ҳазоратидаги бошқа мафкуралар ушбу мафакурадан келиб чиққан. АҚШ бошчилигидаги янги халқаро тизим мафкураси ҳам шулар жумласидан. Бугунги кунда АҚШ етакчилигида мана шу ҳазорат, хусусан ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида Совет Иттифоқи парчаланиши ортидан бутун оламга ҳукмронлик қилмоқда.

Капиталистик Ғарб ҳазоратини бошқа ҳазоратлар учун ўлчов қилиш бир неча жиҳатдан ботилдир:

1 – Мафкура жиҳатидан:

Ғарб ҳазоратини ўлчов қилиб олиш Исломнинг ақида сифатида қабул қилиб бўлмайдиган ҳамда шаръий аҳкомларига амал қилиб бўлмайдиган динга айланиб қолишини билдиради. Чунки Ислом Ғарб ҳазоратига зиддир. Қачонки, Ислом Ғарб ҳазоратига мос келса, у ҳолда, «исломий фикҳни қайта тузиш» тақозосига кўра уни қабул қилиш ва унга амал қилиш мумкин бўлади. Бундай бўлиши асло мумкин эмас ва қиёмат кунигача ҳам ҳаргиз бундай бўлмайди. Чунки ҳақиқат бунинг аксидир. Ҳақиқатда эса, Ислом асосий ўлчов қилиниб, бошқа ҳазоратлар унга қиёс қилиниши лозим. Демак, «исломий фикҳни қайта тузиш» фикри Ислом ақидасига батамом зиддир. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло мусулмонлар учун Қуръони Каримни фурқон, яъни ўлчов қилди, унинг асосида ҳақ билан ботил фарқланади, ажратиб олинади. Аллоҳ Таоло шундай марҳамат қилади:

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ﴾

«Рамазон ойидирки, унда Қуръон нозил қилинди, (Қуръонни) одамлар учун ҳидоят ҳамда ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратувчи)дан иборат очиқ-баёнотлар сифатида (нозил қилинди)» [Бақара 185]

Ибн Касир – роҳимаҳуллоҳ – ўзининг тафсирида бундай дейди: «Оятдаги «**وَالْفُرْقَانِ**»дан мурод ҳақ билан ботил, яхшилик билан ёмонлик, фойда билан зарар ва Аллоҳнинг ҳизби билан Аллоҳга қарши уруш очишнинг ўртасини ажратиш, яъни ҳар бир нарсани фарқлай билишдир». (Тафсири Ибн Касир, 1-жилд, 400-саҳифа. Дорул оламия).

Шунга биноан, инсоннинг ҳар бир фикри учун Исломиёй ақидасини ўлчов қилиш шарт. Айни пайтда инсоннинг ҳар бир амали учун ва емоқ, ичмоқ, кийинмоқ каби эҳтиёжларини қондиришдан иборат қиладиган хатти-ҳаракатлари учун ҳам шаръий аҳкомларни ўлчов қилиш шартдир. Мисол учун бирор жамиятда маст қилувчи ичимлик тарқалган бўлса – Исломиёй уни ҳаром қилганлиги маълум – бу ҳолатда биздан маст қилувчи ичимликнинг шаръий ҳукмини ўзгартириш эмас, балки ушбу ҳаром тарқалган жамиятнинг воқеини ўзгартириш талаб қилинади. «Исломиёй фикҳни қайта тузиш» фикри тақозо қилганидек, Шаръий ҳукми ўзгартириш билан ҳаромни ҳалолга айлантириш талаб қилинмайди. Субҳаналлоҳ! Бу улкан бўҳтондир.

2 – Тобелик жиҳатидан:

Ғарб ҳазоратини бошқа ҳазоратлар учун ўлчов қилиш муслмонларнинг ғарб ҳазоратига тобе бўлишга олиб келади. Ҳолбуки, «Ғарб ҳазорати нопок ва муваффақиятсиз бўлиб, нафақат муслмонларга, балки бутун инсониятга нолойиқдир». (Муҳаммадшокир Шариф: «Илмония ва симоруҳал хобиса» 21, 28-саҳифа).

Ғарбнинг мана шу жаҳаннамий ҳазорати оқибатида ер юзида қанча-қанча инсоний инқирозлар ва бузғунчиликлар келиб чиқди. Бутун дунёдаги инсонлар қаторида ғарб юртларидаги инсонларнинг ўзлари ҳам ундан азият чекмоқда! Ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрларда Осиё ва Африка халқларининг мустамлака қилинишига ким жавобгар, ёвуз ҳазоратини зўрлаб тиқиштирган анави ғарбликлар эмасми? Ўн миллионлаб инсоннинг ёстиғини қуритган биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушларига ким жавобгар,

ваҳший ҳазоратларидан келиб чиқиб уруш очган ғарбликлар эмасми? Хиросима ва Нагасакига атом бомбаларини ташлаб, ўнлаб миллион бегуноҳ инсонларнинг ҳалокатига ким жавобгар, ўзларининг шафқатсиз ҳазоратларининг талабига кўра шу ишни қилган ғарбликлар эмасми?... Бу айтганларимиз ғарб ҳазорати инсониятга келтирган балолар денгизидан бир томчиси, холос. Шундай экан, қандай қилиб биз бу жирканч ҳазоратни ўзимиз учун ва инсонлар учун ўлчов ва ўрнат қилиб олишимиз мумкин, ахир? Росулulloҳ ﷺ уларнинг инсоният учун нолойиқ ифлос, зараркунанда ҳазоратларига эргашишдан бизни огоҳ этиб, бундай деганлар:

«لَتَتَّبِعَنَّ سَنَنَ مَنْ قَبْلَكُمْ شَبْرًا بِشَبْرٍ، وَذِرَاعًا بِذِرَاعٍ، حَتَّىٰ لَوْ سَلَكَوْا جُحْرَ صَبِّ لَسَلَكَتُمْوهُ، قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، الْبُهْدُ وَالنَّصَارَىٰ؟ قَالَ: فَمَنْ؟»

«Ўзингиздан аввалгиларнинг йўлига қаричма-қарич ва қулочма-қулоч эргашасиз, ҳатто улар калтакесакнинг ковагига кирса, сиз ҳам кирасиз. Ё Росулulloҳ, улар яҳудий ва насронийларми? – деб сўрадик. Бошқа ким ҳам бўларди (дедилар)». (Бухорий ривояти).

3 – Сиёсий жиҳатдан:

Ғарб ҳазоратини бошқа ҳазоратлар учун ўлчов қилиш албатта кофир ғарбнинг мусулмонларни мустамлака қилишини кучайтиради. Айниқса, мана шундай «исломий фикрҳни қайта тузиш» каби фикрий мустамлакасини янада мустаҳкамлайди. Дарҳақиқат, Аллоҳ Таоло кофирларнинг мусулмонлар устидан – хоҳ ҳарбий бўлсин, хоҳ сиёсий бўлсин, хоҳ иқтисодий бўлсин, хоҳ фикрий бўлсин – ҳукмронлик қилишига йўл беришдан қайтарган:

﴿وَلَن يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

«Ва Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига ҳаргиз йўл бермагай» [Нисо 141]

Ушбу оятдаги (سَبِيلًا) сўзи қайтариқ оқимидаги накра бўлиб, умумийликни ифодалайди. (Шайх Абдурраҳмон ибн Носир ибн Абдуллоҳ Саъдий: «Қавоидул ҳассон ли тафсири Қуръон» 6-саҳифа ва «Тайсир Каримур Роҳман» 210 ва 211-саҳифа). Шунинг учун ушбу оятдаги қайтариқ умумий тарзда ҳар қандай йўл беришдан, жумладан, фикрий йўл беришдан ҳам қайтариқдир. Демак, оят ҳар қандай ҳаётий ишларида мусулмонлар устидан кофирларга йўл берилиши ҳаромлигига далолат қилмоқда. Ундаги (لَن) ҳаргиз) сўзи

бунинг қатъий ҳаром қилинганига қаринадир. Хуллас калом, агар Ғарб ҳазорати қачон бошқа ҳазоратлар учун ўлчов қилинса, бас, бу Ғарб мустамлакасига олиб келиши муқаррардир ва бу шаръан жоиз эмас.

Учинчи:

«Шариат мақсадлари» фикрини «исломий фикҳни қайта тузиш», деган нарсага асос ёки оқлов қилиш нотўғри ва воқеликка зиддир. Бу воқеи бўлмаган қуруқ иддао ва турган-битгани бўҳтондир. «Шариат мақсадлари» фикрини қўллайдиган одам мисоли сутга сув аралаштириб, харидорга тоза сут деб сотаётган қаллобга ўхшайди. Росулulloҳ ﷺ

«مَنْ عَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا»

«Ким бизни алдаса, биздан эмас», деганлар. (Имом Муслим ривояти).

Гап шундаки, имом Шотибий наздидаги «шариат мақсадлар»ини шаръий тариқатсиз асло идрок қилиб бўлмайдди, бунинг устига ҳалолга ҳаром йўл билан эришиш жоиз эмас. Имом Шотибий «Муваффақот»да бундай деган: «Шариат мақсадлари»ни белгилаш Шореъ-Аллоҳ тузиб берган шаръий тариқатсиз бўлиши асло жоиз эмас. Шунингдек, агар шариатнинг ўзи муайян бир мақсадни рўёбга чиқариш учун муайян тариқатни белгилаб берган бўлса, уни бошқа тариқат билан рўёбга чиқаришга ҳаракат қилиш дуруст эмас»¹.

Тўғриси мана шу. Яъни Исломда ғоя ҳеч қандай воситани оқламайдди. Бу «исломий фикҳни қайта тузиш», деган нарсага мутлақо зиддир. Чунки бунда энг муҳими мақсадга етишдир. Мақсадга етиш учун юриладиган йўл-тариқатга қаралмайди. Тариқат гоҳида шаръий бўлса, гоҳида ношаръий бўлиши мумкин, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бунга далил шуки, улар Халифаликнинг фарзлигини рад этишди, чунки уларнинг назарида энг муҳим масала мақсадга етишдир, тариқат эмас. Уларга кўра адолат, тенглик ва фаровонлик каби мақсадларга олиб боришга қодир бўлган ҳар қандай бошқарув шаклини олишга ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Бундан аён бўладики, «фикҳни қайта тузиш» фикридан фойдаланаётган кимса «шариат мақсадлари» фикрини хунук суратда суиистеъмол қилмоқда. Чунки у аслида, «шариат

(1) <https://hizb-ut-tahrir.info/ar/index.php/sporadic-sections/articles/political/59445.html>

мақсадлари»ни худди имом Шотибий истаганидек тўғри йўлда ишлатмаяпти. Бундан ҳам ёмони, у муслмонларга кўзбўямачилик қилиб, алдаяпти, ўзини исломий фикрни татбиқ қилаётган қилиб кўрсатяпти. Аслида бўлса, Ғарбнинг фикрини татбиқ қиляпти, Исломдан ҳеч нарсани татбиқ қилмаяпти.

Тўртинчи:

Шаръий ҳукм, агар тўғри шаръий далиллар билан исботланса, у – замон ва маконнинг ўзгаришидан қатъий назар – то қиёмат кунига қадар асло ўзгармайди. Масалан, судхўрлик Росулulloҳ ﷺнинг замоналаридан бери ҳаром, бизнинг замонимизда ҳам ҳаром ва қиёмат соатига қадар ҳаромлигича қолади. Тўғриси мана шу. «Исломий фиқҳни қайта тузиш»да «Шариат мақсадлари» фикридан фойдаланаётган кимсаларнинг гапи эса, нотўғридир. Чунки уларнинг наздида, шаръий ҳукм замонавий воқеликка мос келмаса, ўзгаради ва алмашади. Масалан, Аллоҳ Таоло судхўрликни қатъий нусус билан ҳаром қилган. Бироқ уларнинг даъвосига кўра, бугунги кунда татбиқ қилинаётган капиталистик иқтисод низоми бўйича, судхўрликнинг ҳукми жузъий ёки тўлиқ шаклда ўзгариши ва ҳалолга айланиши мумкин.

Шаръий ҳукми замон ва маконга қараб ўзгартириш фикри ботилдир. Чунки у шаръий ҳукмдаги собитлик сифатига зид. Бу ерда собитликдан мурод шаръий ҳукми қандай бўлса шундайлигича қолиши ва давом этиши, замон ва маконнинг ўзгаришига ва бундан бошқа сабабларга кўра ўзгармаслигидир. Бунга далиллар жуда кўп, жумладан:

1 – Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи:

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Бугун сизга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сиз учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида 3]

Кўриб турибмизки, Ислом дини комил қилинган ва бу неъмат бенуқсон тамомига етган. Демак, шаръий ҳукми ўзгартириш жоиз, деган гап Аллоҳ Таолонинг динни комил қилганлигини тасдиқламасликни билдиради. Бир вақтнинг ўзида, бу Аллоҳнинг бенуқсон қилиб берган неъматини рад этмоқ ҳамдир.

2 – Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи:

﴿وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ صِدْقًا وَعَدْلًا﴾

«Роббингизнинг сўзлари ростлик ва адолатда комил бўлди»

[Анъом 115]

Имом Ибн Касир (Аллоҳ раҳмат қилсин) бундай дейди: «صَدَقًا **ростлик**» хабарларга, «عَدْلًا **адолат**» эса буйруқ ва қайтариқларга оиддир». (Тафсири Ибн Касир, 2-жилд, 19-саҳифа). «Шаръий ҳукм буйруқ ва қайтариқлар бобидандир, яъни адолатни ўзгартириш зулм бўлади». (Муҳаммадшокир Шариф: «Саботул аҳкоми шаръийя» ва «Завобити тағойюрил фатво»)¹.


Шунга биноан, демак, исломий шариатни қайта тузиш фикри рад этилади, чунки у китобу суннатдан бирор далилсиз равишда шаръий ҳукмни ўзгартиришдир. Бу ерда гап шаръий ҳукмни замон ва маконга қараб ўзгартириш ҳақида кетмоқда, ваҳоланки, замон ва макон шаръий ҳукмни ўзгартириш учун яроқли шаръий далил эмас.

Имом Ибн Ҳазм айтади: «Агар Қуръон ёки собит суннатдан бирор иш ҳақида нусус келган бўлса... бас, у замонга, маконга ва ҳолатларга қараб, асло ўзгармайди. Собит нарса токи унинг ҳукмини бошқа замонда ёки бошқа маконда ёхуд бошқа ҳолатда ўзгартирадиган бошқа бир нусус келгунига қадар, ҳар замонда, ҳар маконда ва ҳар ҳолатда тоабад собитлигича қолади». (Имом ибн Ҳазм: «Аҳком фи усулил аҳком», 5-жилд, 2-3 саҳифалар).

Шаръий далиллар билан собит бўлган шаръий ҳукмни ўзгартиришнинг ҳеч қандай қиймати ҳам, асоси ҳам йўқ. Имом Ибн Ҳазм мазкур манбада шаръий ҳукмни ўзгартириш фақат шаръий далил билангина бўлишини, бошқа нарса билан бўлмаслигини таъкидлаган. Демак, модомики шаръий ҳукмни ўзгартириш жоизлиги ҳақида Китобу суннатдан далил келмас экан, замон ва маконга қараб уни ўзгартиришнинг ҳеч қандай кадр-қиймати йўқ. Чунки ўзгартирувчи омил фақат ва фақат далил (нусус)дир, замон ҳам, макон ҳам, ёки бошқаси ҳам эмас. Имом Ибн Ҳазм ўша манбада «Аммо биз бир ҳукмдан боша бир ҳукмга ҳужжат-далилсиз асло кўчмаймиз», дейди.

Бу билан Ғарб ҳазоратидан таъсирланган ҳолда замон ва макон ўзгаришини ҳужжат қилиб, Халифаликни рад этиш фикри ҳамда Халифаликни қайта барпо этишга ҳаракат қилмасликни талаб қилишлари ботилга чиқди. Ҳа, бу фикр ботилдир, чунки

(1) <http://www.saaaid.net/Doat/alsharef/3.htm>

Халифаликнинг фарзлиги Китобу суннат ва саҳоба лар ижмоидан иборат шаръий далиллар билан исботланган шаръий аҳкомлардан ҳамда соғлом ижтиҳод билан истинбот қилинган шаръий қоидалардан ҳисобланади. Шундай экан, Халифаликнинг фарзлиги қиёмат кунига қадар фарзлигича қолади, уни «исломий фикҳни қайта тузиш», деган ботил фикр каби ҳеч қандай фикр бекор қилолмайди.

Бешинчи:

Шаръий фарзни барпо этиш йўлида дуч келинадиган зарар ҳам ҳеч бир ҳолатда ушбу фазни бекор қилолмайди. «Халифаликни барпо этишга бўлган ҳар қандай фаолият мусулмонларни ҳалокатдан бошқа нарсага олиб бормади», деган гап ҳам икки жиҳатдан ботилдир:

1 – Бу гапдан Халифаликни барпо этиш учун қилинаётган фаолиятдан келиб чиқувчи зарар уни барпо этиш учун ҳаракат қилишга моне бўлади, деган тушунча келиб чиқмоқда. Шунингдек, бу гапдан, ушбу фаолиятдан келиб чиққан зарар Халифаликнинг шаръан фарзлигини ботилга чиқаради, деган тушунча ҳам пайдо бўлмоқда. Бу эса мутлақо бўлмағур гап. Чунки зарарнинг юзага келиши собит шаръий ҳукми ҳеч бир шаклда бекор қила олмайди. Масалан, Халифалик барпо этилиши йўлида молнинг зое кетиши ёки уй-жойнинг куйиб кул бўлиши ёхуд жонга зарар етиши ва ҳоказо шунга ўхшаш талофатлар ушбу шаръий ҳукми асло бекор қила олмайди. Бунга далил шуки, юқорида айтганимиздек, агар шаръий ҳукм соғлом шаръий далиллар билан ўз исботини топган бўлса, бас, у замон ва макон ўзгариши билан ўзгармайди. Шунинг учун фарзни адо этишда зарар келиб чиқса, бу фарз ҳукмини – бекор қилиш у ёқда турсин – мутлақо ўзгартирмайди ҳам. Бу фарз ўзгармас боқийдир. Бу ерда қилинадиган иш имкон борича ўша зарарнинг ўзини даф қилишдир, фарзни эмас. Мана қаранг, ҳаж фарзини адо этиш асносида қаттиқ тиқилинч сабабли гоҳида ўлим ҳолатлари юзага келади, бу ҳолат жуда кўп бўлган. Аммо ҳеч ким ушбу ҳодиса ҳаж фарзини бекор қилишга сабаб бўлди, деган эмас. Нега, чунки ҳажнинг шаръий ҳукми собит фарз бўлиб, замон ва макон ўзгариши билан ўзгармайди. Халифаликнинг фарзлиги ҳам худди шундай. Уни қайта барпо қилиш учун фаолият қилиш сабабли Ғарбга малай ҳукмдорлар томонидан мол-мулкка зарар етиши, қувғинга учраш, қамалиш, жисмонан қийноқларга солиниш, ҳатто ўлдирилиш каби зарар

келиб чиқиши табиий. Бироқ, буларнинг барчаси ушбу буюк фарзни – бекор қилиш у ёқда турсин – мутлақо ўзгартира олмайди ҳам. Бу фарз қиёмат соатигача ўзгармас боқийдир. Чунки Халифалик фарзи собит ҳукм бўлиб, замон ё маконга қараб ўзгармайди. Яъни ушбу Халифалик фарзини кўтариб чиқаётган инсонларга етган ҳеч бир зарар уни бекор қилмайди.

2 – Гоҳида баъзилар нотўғри тушунганлиги сабабли Халифалик жанг қилиш йўли билан барпо қилинади дейиши мумкин. Натижада Халифаликни барпо қилишга ҳаракат қилиш жуда кўп бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига сабаб бўлади деган тасаввур пайдо бўлади. Бунга жавоб шуки, Халифаликни барпо этишнинг тўғри йўли Росулulloҳ ﷺ тутган йўлнинг айнан ўзидир. Қисқача айтганда, Халифалик жанг йўли билан эмас Ислом даъватини етказиш билан бўлади. Яъни дастлаб уюшма аъзоларини сақофатлантириш, сўнг Уммат билан биргаликда фаолият олиб бориш ва куч-қудрат аҳлидан нусрат талаб қилиш, ундан сўнгра ички сиёсатда ҳаётнинг барча жабҳаларида шариат ҳукмларини татбиқ қилиш ҳамда ташқи сиёсатда жиҳод орқали даъватни бутун дунёга олиб чиқиш учун ҳоқимиятни қўлга олиш билан бўлади.

Юқорида айтилган фикрларимизга биноан, демак, «исломий фикҳни қайта тузиш» масаласини кўриб чиқиш (Recontextualization of Islamic fiqh), деган нарса Исломни йўқ қилиш учун, хусусан Халифаликнинг фарзлигига барҳам бериш учун ғарб малайларининг фикрий ҳужумидир. Бундан кўзланган мақсад ғарб мустамлакачилигининг, айниқса, АҚШнинг Индонезиядаги мустамлакасининг умрини узайтириш ва бир вақтнинг ўзида, Халифаликни қайта барпо қилиш ҳаракатига тўсиқ қўйишдир.

﴿يُرِيدُونَ أَن يُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّأ أَن يُتِمَّ نُورَهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾


«Улар Аллоҳнинг нурини (яъни, Исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофирлар) хоҳламаслар-да, фақат Ўз нурини тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди»


[Тавба 32] □

КЕЧАГИ АНСОРЛАРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ ВА АЛЛОҲНИНГ УЛАРГА КЎРСАТГАН ЭҲТИРОМИ ҲАМДА БУГУНГИ КУНДА АЛЛОҲНИНГ ДИНИГА НУСРАТ БЕРИШНИНГ ВОЖИБЛИГИ

Абу Айман Асурий – Яман

Росулulloҳ ﷺнинг қўл остида илк Ислom давлатини барпо этган кечаги кун ансорлари билан, ул Зот ﷺ охири замонда барпо бўлишини башорат қилган рошид Халифалик давлатини барпо қилишга нусрат беришни Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло тақдирига ёзган бугунги кун ансорлари ҳақида сўз кетганда Ислomий Уммат ушбу барпо бўлажак Халифалик давлатидан ўзини бундай танг-бахтсиз ҳаётдан қутқариб, халқаро саҳнадаги етакчилик мақомига қайта олиб чиқишини кутади. Бинобарин, бугунги кунда бутун олам, йўқ қилиниши инсоний заруратга айланган йиртқич капитализм ваҳшийлигидан қутқарилишини интизор бўлиб кутади. Бас, ушбу нусратнинг ўз рижоллари бор. Улар оддий эркаклар каби эмас, балки динга нусрат беришни бу дунёдан, яъни ўз тинчлиги, аҳли-оиласи, мол-мулки ва обрўларидан афзал билувчи рижоллардир. Улар Мусъаб ибн Умайр, Асъад ибн Зурора, Усайд ибн Ҳузайр сингари Аллоҳни севувчи рижоллардир. Келинг, бугунги кун нусрат рижоллари ибрат олишлари учун ўша илк нусрат рижоллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

– **Мусъаб ибн Умайр** : У Мусъаб ибн Умайр ибн Ҳошим ибн Абдуманнаф ибн Абдуддор ибн Қусай ибн Килобдир. Заҳабий «Сияри аълом ан-нубало» китобида шундай сифатлайди: «У олийжаноб шаҳид, мардликда тенгсиз, қурайший, абдарий» бўлиб, туғилган ери Маккадир. У шаҳарнинг энг бойларидан саналган ота-онасининг бағрида улғайди. Шу боис Мусъаб ўзининг Ислomга кирганини ота-онасидан сир тутди. Отаси билиб қолгач, Мусъаб кўп нарсадан маҳрум қилинди ва қийноқларга тутилди, ҳатто у оч-наҳорликдан камон каби эгилиб қоларди. Росулulloҳ ﷺ Мадина аҳлини Ислomга даъват қилиш ва таълим бериш учун Мусъабни юбордилар. Ҳижратнинг учинчи йили Уҳудда шаҳид бўлди.

– **Асъад ибн Зурора** : У Асъад ибн Зурора ибн Молик ибн Адас ибн Убайд ибн Саълаба ибн Ҷанам ибн Молик ибн Нажжордир. Нажжор Бану Нажжор қабиласининг бошлиғи эди. Абу Умома Ансорий Хазражий (яъни Асъад ибн Зурора) Ислomни биринчилардан бўлиб қабул қилган улўф саҳобалардан бўлиб,

биринчи ва иккинчи Ақаба байъатларида иштирок этди. Биринчи Ақаба байъатидан бир йил аввал Росулulloҳ ﷺ билан учрашган гуруҳ сафида ўз қабиласининг раҳбари сифатида иштирок этган эди. Катта Ақаба байъатида Росулulloҳ ﷺ га байъат қилган ўн икки вакил устидан раҳбарлик қилди. Айтишларича, ушбу байъатда у биринчи бўлиб байъат берган. Асъд ибн Зурора رضي الله عنه Бадр жангидан олдин томоқ касаллигидан вафот этди. Касаллик пайтида Росулulloҳ ﷺ уни кўйдириш билан даволадилар ва шундай дедилар:

«لَأُبَلِّغَنَّ أَوْ لِأُبَلِّغَنَّ فِي أَبِي أَمَامَةَ عُدْرًا»

«Мен Абу Умомани даволаш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан».

– **Саъд ибн Муоз** رضي الله عنه: У Авс қабиласининг саййиди, Саъд ибн Муоз ибн Нўмон, ибн Имриъ Қайс, ибн Зайд ибн Абдул Ашҳал, Абу Умар Ансорий Авсий Ашҳалий, Бадрийдир. Хандақ жангида душман найзасидан жароҳатланиб, шундан сўнг бир ой яшаган. Бухорий «Саҳиҳ»ида Абу Саид Худрий رضي الله عنه дан шундай ривоят қилади: «Бану Қурайза яҳудийлари Саъд ибн Муоз رضي الله عنه нинг ҳакам бўлишига рози бўлишди, Росулulloҳ ﷺ Саъдни чақиртирдилар. У эшак миниб келди. Саъд масжидга яқинлашганда ул зот Ансорларига «Саййидингизни (ёки яхшингизни) туриб қаршиланг», дедилар». Сўнг Росулulloҳ ﷺ Саъдга «Улар, яъни Бану Қурайза сизнинг ҳукмингизга рози бўлишди», дедилар. Саъд «жангчилари қатл қилинади, гўдаклари асирга олинади», деб ҳукм чиқарди. Росулulloҳ ﷺ «Аллоҳнинг (ёки Маликнинг) ҳукми билан ҳукм қилдингиз», дедилар. Саъд رضي الله عنه вафот қилганида Росулulloҳ ﷺ

«إِهْتَرَّ عَرْشُ الرَّحْمَنِ لِمَوْتِ سَعْدٍ»

«Саъднинг вафотидан Раҳмоннинг арши ларзага келди», дедилар:

– **Усайд ибн Ҳузайр** رضي الله عنه: У Усайд ибн Ҳузайр ибн Саммок ибн Атик ибн Нофе ибн Имриъ Қайс, ибн Зайд ибн Абдул Ашҳал Ансорий, Авсий, Ашҳалийдир. Усайд ибн Ҳузайр رضي الله عنه иккинчи Ақаба байъатида Росулulloҳ ﷺ га байъат қилган ўн икки вакилнинг биридир. Исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган. Унинг отаси, амрига итоат қилинадиган улуғ инсон бўлиб, ҳижратдан олти йил муқаддам бўлиб ўтган Буос жангида Авсга раҳбарлик қилган ва ўша жангда ҳалок бўлган. Усайд ақлирасо,

теран фикрли инсон эди. Саҳиҳи Бухорийда шундай ривоят қилинади: «Усайд билан Уббод ибн Бишр Набий ﷺнинг ҳузурларида эди, сўнг тун қоронғисида чиқишди. Чиққанларида олдиларини бир нур ёритиб турарди, улар ажралишгач нур ҳам сўнди». Шунингдек, Усайд ибн Ҳузайр қироат қилганда малоикалар тушиши Саҳиҳи Бухорийда зикр қилинган. Усайд ибн Ҳузайр رضي الله عنه ҳижратнинг 20-йили вафот этди.

Кўрииб турибдики, булар инсонларнинг ҳурматлиси, саййиди ва қадрлиси бўлиб, улардаги борки хислатларнинг барчаси Аллоҳга сидқидилдан иймон келтирганликлари ва бу дунё ҳаётидан охиратни афзал кўрганликлари сабабли юзага келган.

Нусрат қиссаси ва унинг тафсилотларига келсак, бу сийрат китобларида етарлича зикр қилинган, бирида йўқлари бошқасида баён қилиниб, батафсил ёритилган. Росулulloҳ ﷺ сийратларидан ўрнак олишни ва ул зотнинг Мадинаи Мунавварада давлат барпо этиш орқали динни қоим қилганликларини ўрганишни истаган ҳар бир киши ушбу сийрат китобларига мурожаат қилиши мумкин. Сийратда айтилишича, Макка жамияти Росулulloҳ ﷺнинг даъватлари олдида қотиб қолган бир пайтда, ҳамда, ул зотнинг амакиси Абу Толиб ва завжалари Хадижа رضي الله عنها вафот этганларидан сўнг ул зотга озорлар кучайгандан кучайди. Шунда Росулulloҳ ﷺ қабилаларга чиқиб, уларни Исломга даъват қилдилар.

Росулulloҳ ﷺнинг қабилаларга даъватни етказишлари:

Росулulloҳ ﷺ ҳаж мавсумларида араб қабилаларини Аллоҳга даъват этар ва ўзларининг Аллоҳ томонидан пайғамбар қилиб юборилганини маълум қилардилар. Аллоҳ нозил қилган нарсани уларга очиқ баён қилиб бериш учун улардан пайғамбарликларига ишониб, ҳимоя қилишларини сўрар эдилар. Росулulloҳ ﷺ нусрат бериш ва Ислом давлатини барпо этиш умидида кучли қабилаларни даъват қилардилар. Бу ишни тўла-тўқис адо этдилар, бироқ бу иш осон кечмади. Жуда кўп қабилалар Ул зотнинг ушбу даъватларини рад этишди, баъзилари жуда хунук суратда рад қилиб, ул зотни қувиб юборди. Ва ниҳоят, Аллоҳ Таоло ушбу буюк фарзга Мадина аҳлини, яъни кейинчалик ҳақиқий мўминлар эканликлари намоён бўлган кишиларни танлади. Таъкидлаш лозимки, булунги кунда мусулмонларнинг ушбу фарзни тўғри бажаришларида уларга машъала бўлиши учун сийрат китобларида етарлича тафсилотлар келтирилган.

Ансорлар Исломининг бошланиши:

Аллоҳ Азза ва Жалла Ўз динини ғолиб қилишни ва Росули Муҳаммад ﷺ ни эъзозлаб, ўз ваъдаси рўёбга чиқишини истагач, Росулulloҳ ﷺ ҳаж мавсумига чиқдилар. Ул зот ҳар сафарги мавсумда араб қабилаларига ўзларини таклиф қилардилар. Бир гуруҳ ансорларни учратган ўша мавсумда ҳам, Росулulloҳ ﷺ худди шундай қилдилар. Ақабада турган пайтларида Аллоҳ яхшилиқни ирода қилган Хазраж қабиласининг карвонига дуч келди. Росулulloҳ ﷺ улар билан учрашгач, «Кимсизлар?», деб сўрадилар. Хазражданмиз, деб жавоб қилишди. У зот «Яҳудийлар иттифоқчилариданмисиз?», деб сўрагандилар «ҳа», деб жавоб беришди. Шунда Росулulloҳ ﷺ «Ўтирмайсизларми гаплашардик?», дедилар. Улар рози бўлишди. Росулulloҳ бирга ўтириб, уларни Аллоҳга даъват қилдилар, Иломга киришни таклиф этиб, Қуръон тиловат қилдилар. Аллоҳ уларнинг Иломга киришлари учун ҳозирлаб қўйган йўллардан бири шу бўлдики, улар ўз юртларида яҳудийлар билан бирга яшардилар. Яҳудийлар аҳли китоб ва аҳли илм эдилар. Булар эса, ширк аҳли ва бутпарастрлар бўлиб, уларнинг ерларига ҳужум қилишар эди. Қачон ораларида бирор келишмовчилик чиқса, яҳудийлар уларга «бир пайғамбар чиқадиган вақт яқинлашди, биз унга эргашиб, у билан биргаликда сизларни худди Од ва Иромни ўлдиргандек ўлдирамиз», дейишар эди!

Росулulloҳ ﷺ карвон аҳли билан гаплашиб, уларни Аллоҳга даъват қилар экан, улар бир-бирларига «Эътибор беряпсизларми, валлоҳи, бу ўша яҳудийлар бизга таҳдид қилган пайғарбардир, бунга шубҳа йўқ, улар асло биздан ўзиб кетмасин», дейишди. Шундай қилиб, улар Росулulloҳ ﷺ нинг пайғамбарликларини тасдиқлашиб, таклиф қилган Иломни қабул қилдилар ва бундай дедилар: «Биз ортимизда қавмимизни қолдириб келганмиз, улар ўртасида бошқа қавмларда топилмайдиган душманлик мавжуд. Шоядки, Аллоҳ уларни сиз сабабли бирлаштира. Биз бориб, уларни ҳам бу динга даъват қиламиз ва биз қабул қилган бу ишни уларга ҳам таклиф қиламиз. Агар Аллоҳ уларни сизнинг атрофингизга жамласа, сиздан кучли инсон бўлмайди». Улар шундай деб Росулulloҳ ﷺ нинг олдиларидан иймон келтирган ва тасдиқлаган ҳолларида ўз юртларига қайтиб кетишди. Айтишларича улар Хазраждан олти нафар эди. Мадинага, ўз

қавмлари олдига келишгач, уларга Росулulloҳ ﷺ ҳақида айтиб беришди ва уларни Исломга даъват қилишди, ҳатто Ислом улар орасида кенг ёйилди ва ансорийлар орасида Росулulloҳ ﷺ зикр қилинмаган бирорта хонадон қолмади.

Биринчи Ақаба байъати:

Келаси йили мавсумда ўн икки нафар ансорий Росулulloҳ ﷺ билан Ақабада учрашди. Бу биринчи Ақаба байъати эди. У ерда Росулulloҳ ﷺга нисо байъатини қилишди. (Бу байъатда жанг қилишга байъат қилинмаганлиги ва унда аввал аёллар байъат бергани учун, бу байъат нисо (аёллар) байъати деб номланади). Бу – уруш фарз қилинишидан олдин эди. Улар орасида Асъад ибн Зурора, Рофе ибн Молик, Уббода ибн Сомит, Абу Ҳайсам ибн Тайҳон бор эди. Уббода ибн Сомит шундай ривоят қилади: «Биринчи Ақабада мен ҳам бор эдим. Биз ўн икки киши эдик. Росулulloҳ ﷺ биз билан нисо байъатини қилдилар. Бу – уруш фарз қилинишидан олдин эди. Биз Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмаслик, ўғирлик қилмаслик, зино қилмаслик, фарзандларимизни ўлдирмаслик, ўзгаларга бўҳтон қилмаслик ва маъруф ишда осийлик қилмаслик хусусида байъат бердик. Ул зот агар шуларга вафо қилсангиз, жаннат сизларники бўлади, агар булардан бирортасида алдасангиз, ишингиз Аллоҳ Азза ва Жаллага ҳавола қилинади, истаса азоблайди, истаса кечиради, дедилар. Ибн Исҳоқ айтади: Бу қавм (Мадинага) қайтганда Росулulloҳ ﷺ Мусъаб ибн Умайрни уларга қўшиб жўнатдилар ва уларга Қуръон ўқиб, диндан таълим беришни буюрдилар. Мусъаб Мадина қориси деган номни олди ва улар билан намоз ўқир эди...

Саъд ибн Муоз ва Усайд ибн Ҳузайрнинг Исломга кириш қиссаси:

Ибн Исҳоқ ривоят қилади:

«Менга Убайдуллоҳ ибн Муғийра ибн Муайқиб ва Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм ушбу ҳадисни айтиб берди: Асъад ибн Зурора ва Мусъаб ибн Умайр биргаликда Бану Абдул Ашҳал ва Бану Зафар ҳовлисига боришни қасд қилиб йўлга чиқишди. Саъд ибн Муоз ибн Нўмон ибн Имриъ Қайс ибн Зайд ибн Абдул Ашҳал Асъад ибн Зуроранинг холаваччаси эди. Хуллас, Асъад ва Мусъаб икковлон Бану Зафар қўрғонига кирди. Ибн Ҳишом айтади: Зафарнинг тўлиқ исми Каъб ибн Ҳорис ибн Ҳазраж ибн Амр ибн Молик ибн Авсдир. Асъад ва Мусъаб «Марақ», деган қудуқ олдида дам олиш учун тўхташиб, қўрғон ичида ўтиришди.

Исломга кирган кишилар уларнинг атрофига тўпланишди. Ўша пайтда Саъд ибн Муоз билан Усайд ибн Ҳузайр ўзларининг Абдул Ашҳал қавмларининг саййиди бўлиб, иккаласи ҳам қавми динида, мушрик эдилар. Улар Мусъаб ҳақида эшитишгач, Саъд ибн Муоз Усайд ибн Ҳузайрга шундай деди: «Отанг ўлгур, бизнинг ёшларимизни аҳмоқ қилиш учун ҳовлимизга келишган бу иккисининг олдига бор, икковини ҳам адабини бериб, ҳовлимизга қайтиб келишларига йўл қўйма. Ўзингга маълум, Асъад ибн Зурора холаваччам, шундай бўлмаганда ўзим уни тийиб қўйган бўлардим, аввалда бундай қилиғини кўрмагандим». Ибн Ҳишом айтади: Усайд ибн Ҳузайр найзасини қўлга олиб, иккаласининг олдига борди. Асъад ибн Зурора уни кўргач, Мусъаб ибн Умайрга «бу ўз қавмининг саййиди, сенинг олдинга келибди, уни Аллоҳга даъват қил», деди. Мусъаб «ўтирса, гаплашардим», деди. Усайд эса, иккаласининг қаршисида туриб ҳақоратлай бошлади. «Ёшларимизни аҳмоқ қилиш учун ҳовлимизга келдингизми? Агар жонларингиздан умидларингиз бўлса, ҳозироқ бу ердан даф бўлинглар! деди. Мусъаб «Балки ўтириб гапларимни эшитарсан, агар бу ишга рози бўлсанг қабул қиласан, агар сенга ёқмаса, сени ортиқ безовта қилинмайди», деди. Усайд «Ҳақ гапни айтдинг», деди, сўнг найзасини ерга санчиб, олдиларига ўтирди. Мусъаб у билан Ислом ҳақида суҳбатлашди ва Қуръон ўқиб берди. Асъад ва Мусъаб бу ҳақда гап кетганда шундай дейишади: «Аллоҳга қасамки, У Ислом ёғдуси ва енгиллиги ҳақида ҳали гапирмай туриб унинг юзларида Исломни кўрдик». Кейин Усайд «қандай ҳам яхши ва гўзал сўзлар, бу динга кириш учун нима қилмоқ керак?!», деб сўради. Улар «ғусл қилиб, покланасан, кийимларингни поклайсан, кейин шаҳодат калимасини айтасан ва намоз ўқийсан», дейишди. Усайд туриб ғусл қилди, кийимларини поклади ва шаҳодат калимасини айтди. Сўнг ўрнидан туриб, икки ракат намоз ўқиди. Кейин уларга «у ёқда шундай бир киши борки, агар у сизларга эргашса, ортидаги қавмидан унга эргашмаган киши қолмайди. У Саъд ибн Муоз, мен ҳозир уни сизларга юбораман», деди ва найзасини олиб Саъд ва у бирга суҳбатлашиб ўтирган қавми олдига қайтиб кетди. Саъд Усайднинг қайтиб келганини кўриб, «қасам ичиб айтаманки, Усайд кетаётганда юзи бошқача эди, ҳозир бошқача», деди. Усайд ўтирганлар олдида тўхтади, Саъд ундан «Нима қилдинг?», деб сўради. Усайд Саъдга: «Ҳалиги икки киши билан гаплашдим, валлоҳи, уларнинг ишида ҳеч қандай

ёмонликни кўрмадим, мен уларни бундан қайтардим, улар, сизнинг истаганингизни қиламиз, дейишди. Бу орада менга айтишларича, Бану Ҳориса холангни ўғли Асъад ибн Зурорани ўлдириш учун чиқишибди, улар Асъад сенинг холаваччанглигини билишади, бу ваъдани бузиш учундир», деди.

Буни эшитган Саъд ғазаб билан ўрнидан турди, Бану Ҳориса ҳақидаги гапдан хавотирланиб, унинг қўлидан найзани олдида «Валлоҳи, сен ҳеч нарса қилмай қайтибсан», деди. Сўнг Саъд икковининг олдига етиб келди, қараса, иккови ҳам сокин ҳолатда. Шунда Усайд бу иккаласининг гапларини эшитиши учун атайлаб шундай қилганни тушуниб етди. Саъд иккаласининг қаршисида туриб ҳақоратлади. Кейин Асъад ибн Зурорага бундай деди: «Эй Абу Умома, валлоҳи, ўртамизда қариндошлик бўлмаганда эди, мендан кўрадиганингни кўрардинг. Биз ёқтирмаган нарсаларни ҳовлимизга олиб келдингми?!». Асъад ибн Зурора ёнидаги Мусъаб ибн Умайрга: «Эй Мусъаб, валлоҳи, олдинга шундай киши келдики, у ортидаги қавмининг саййиди, агар у сенга эргашса, биров сенга қарши чиқа олмайди», деди. Мусъаб Саъдга «балки ўтириб гапларимни эшитарсан, агар айтганларим маъқул келса, қабул қилардинг, маъқул келмаса, биз ҳам сизларни ортиқ безовта қилмас эдик», деди. Саъд «Ҳақ гапни айтдинг», деди, сўнг найзасини ерга санчиб, ўтирди. Мусъаб унга Исломни таклиф қилди ва Қуръон ўқиб берди. Асъад ва Мусъаб шундай хотирлайди: «Аллоҳга қасамки, Ислом нури ва енгиллиги ҳақида ҳали гапирилмай туриб, биз унинг юзларида Исломни кўрдик. Кейин Саъд «Қандай ҳам яхши ва гўзал сўзлар, бу динга кириш учун нима қилмоқ керак?», деди. Улар «ғусл қилиб, покланасан, кийимларингни поклайсан, кейин шаҳодат калимасини айтасан ва намоз ўқийсан, дейишди. Саъд туриб ғусл қилди, кийимларини поклади ва шаҳодат калимасини айтди. Сўнг икки ракат намоз ўқиди. Кейин ўз қавми ва Усайд ибн Ҳузайр ўтирган мажлисга қайтиб келди.

Қавми уни қайтиб келганини кўргач, «Аллоҳга қасамки Саъд кетаётганидан бутунлай бошқача юз билан қайтиб келди», дейишди. Саъд ўтирганлар олдида тўхтаб, шундай деди: «Эй Бану Абдул Ашҳал, орангизда мени ким деб биласиз?». Қавми «сиз саййидимиз, улуғимиз, фикри ўткир раҳбаримизсиз», дейишди. Шунда Саъд «То Аллоҳ ва Росулига иймон келтирмагунингизча, эркагу аёлларингиз билан гаплашиш мен учун ҳаромдир», деди.

Саъд ва Мусъаб айтади: «Валлоҳи, Бану Абдул Ашҳал ҳовлисида ҳар бир эркагу-аёл бирин-кетин Исломни қабул қила бошлади, ҳатто кечгача муслмон бўлмаган оила қолмади». Сўнг икки даъватчи Асъад ибн Зуроранинг ҳовлисига қайтишди. Ўша ерда одамларни Исломга даъват қилишни бошлашди, ҳаттоки ансорийлар юртида эркак ва аёллари Исломга кирмаган бирорта хонадон қолмади.

Иккинчи Ақаба байъати:

Мусъаб ибн Умайр Маккага қайтди. Ҳаж мавсумида ансорийлардан баъзи муслмонлар ўз қавмлари орасидаги ҳажга чиққан мушриклар билан бирга чиқиб, Маккага етиб келишди. Ташриқ кунлари ўртасида Росулulloҳ ﷺ билан Ақабада учрашишга ваъдалашиб олишди. Шундай қилиб, Аллоҳ уларга икром кўрсатишни, Пайғамбарига нусрат беришни, Ислом ва аҳлини азиз қилишни, ширк ва мушрикларни хор айлашни ирода қилган пайт келди.

Мадина вакилларининг Росулulloҳ ﷺ билан учрашишлари:

Каъб ибн Молик айтади: Кейин биз ҳажга чиқдик ва ташриқ кунлари ўртасида Росулulloҳ ﷺ билан Ақабада учрашишга ваъдалашдик. Ҳаж амалларидан бўшаганимиздан сўнг, Росулulloҳ ﷺ билан ваъдалашган тун бўлгач, ўзимиз билан саййидларимиздан ва улуғларимиздан бири Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром Абу Жобирни бирга олиб чиқдик. Биз қавмимиздаги мушриклардан Исломимизни яширгандик. Аммо унга буни айтдик: «Эй Абу Жобир, сен қавмимиз саййидларидан ва улуғларидан бирисан, биз сенинг эртанги кунда жаҳаннам оловига ўтин бўлиб қолишингни истамаймиз», дея уни Исломга даъват қилдик ва Росулulloҳ ﷺ билан Ақабага ваъдалашганимизни унга айтдик. У Исломни қабул қилди ва раҳбаримиз сифатида биз билан Ақабада ҳозир бўлди. Ўша кечаси қавмимиз билан бирга тунадик. Туннинг учдан бир қисмида карвонимиздан айрилиб, Росулulloҳ ﷺ билан ваъдалашган жойга қараб, худди мушуклар каби ҳеч кимга сездирмай секин-секин юриб бордик ва Ақабадаги дарага тўпландик (ўшанда биз етмиш уч эркак ва икки аёлдан иборат эдик. Аёлларнинг бири Насиба бинт Каъб, иккинчиси Асмо бинт Амр ибн Адий эди).

Росулulloҳ ﷺ билан ансорийлар вакиллари учрашувида бўлган воқеа:

Каъб ибн Молик сўзини шундай давом эттиради: Биз дарада йиғилиб, Росулulloҳ ﷺ ни кутдик. Ул зот амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб билан бирга келдилар. Ўшанда Аббос ўз қавмининг динида эди, аммо у жиянининг ишини кузатиб, унга ишонч ҳосил қилишни хоҳлаган эди. Росулulloҳ ﷺ ўтиргач, биринчи бўлиб Аббос ибн Абдулмутталиб сўз бошлади:

«Эй Хазраж аҳли (араблар ансорийларнинг бу маҳалласини Авс ва Хазраж, деб ажратмай, фақат Хазраж дейишарди) Муҳаммад бизнинг орамизда юксак мавқеъга эгалиги ўзингизга маълум. Биз уни қавмимиздан ва биз каби фикрловчи кишилардан ҳимоямизга олганмиз. Муҳаммад қавми орасида азиз бўлса-да, ўз юртида ҳимоя остида яшашга мажбур бўлмоқда. Шу боис, у сиз томонга ўтиш ва сизнинг юртингизга кетишга қарор қилди. Агар сиз қилган таклифларингизга вафо қилсаларингиз ва унга қарши чиққанлардан уни ҳимоя қиладиган бўлсангиз, у ҳолда, сиз таклиф қилгандек бўлақолсин. Аммо агар у сизларга қўшилгандан кейин уни оғир аҳволга солиб қўядиган ва ёрдамсиз ташлаб қўядиган бўлсангиз, у ҳолда, ҳозироқ уни ўз ҳолига қўйинглар, чунки у ўз юртида ва қавмида азиз ва ҳимоя остидадир».

Биз бундай дедик: «Гапларингни эшитдик. Энди сиз гапиринг, ё Росулulloҳ, ўзингизга ва Роббингизга нима истасангиз олинг». Шунда Росулulloҳ ﷺ сўзладилар ва Қуръон тиловат қилдилар. Аллоҳга даъват этиб, Исломга тарғиб қилдилар. Сўнг бундай дедилар:

«أَبَايِعُكُمْ عَلَىٰ أَنْ تَمُنُّوا بِمِمَّا تَمُنُّونَ مِنْهُ نِسَاءَكُمْ وَأَبْنَاؤَكُمْ»

«Ўз аёлларингиз ва фарзандларингизни ҳимоя қилгандек, мени ҳам ҳимоя қилишингиз учун сизлардан байъат оламан!».

Барро ибн Озиб ул Зотнинг қўлларини тутиб бундай деди: «Сизни Пайғамбар қилиб юборган Зотга қасамки, сизни албатта ўз аҳли-аёлларимизни ҳимоя қилгандек ҳимоя қиламиз, биз сизга байъат қилдик ё Росулulloҳ. Биз жанг қилишни ва бирдамликни севувчи халқмиз, бу бизга ота-боболаримиздан мерос қолган!». Барро Росулulloҳга гапираётганда Ҳайсам ибн Тихон унинг сўзини бўлиб, бундай деди: «Ё Росулulloҳ, биз билан яҳудийлар ўртасида шартнома бор, уни бекор қиламиз, аммо биз шундай қилсаг-у, Аллоҳ сизни ғолиб қилгандан кейин бизни ташлаб қавмингизга кетиб қолмайсизми?». Росулulloҳ табассум қилдилар ва

«بَلِ الدِّمِ الدَّمُ، وَالهْدْمُ اهْلُدْمُ، أَنَا مِنْكُمْ وَأَنْتُمْ مِنِّي، أُحَارِبُ مَنْ حَارَبْتُمْ وَأَسَاسِي مَنْ سَأَلْتُمْ»

«Асло, қонга-қон, жонга-жон. Мен сизларданман, сизлар эса, мандансиз. Сизлар кимга қарши жанг қилсангиз мен ҳам унга қарши жанг қиламан. Сизлар ким билан сулҳ тузсангиз мен ҳам у билан сулҳ тузаман!», дея марҳамат қилдилар. Сўнг Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«أَخْرَجُوا إِلَيَّ مِنْكُمْ اثْنِي عَشَرَ نَقِيًّا لِيَكُونُوا عَلَيَّ قَوْمَهُمْ بِمَا فِيهِمْ»

«Орангиздан ўн икки кишини ўз қавмидан кафил бўлиши учун (вакил-бошлик) қилиб танлаб, менга кўрсатинглар». Улардан ўн икки бошлиқни танлаб, кўрсатишди: тўққизтаси Хазраждан, учтаси Авсдан.

Биринчи бўлиб Росулulloҳ ﷺнинг қўлларига қўлини берган киши Барро ибн Маърур бўлди. Ундан кейин бутун қавм байъат қилди. Росулulloҳ ﷺга байъат қилиб бўлганимизда, Ақаба тепасидан шайтон қаттиқ товушда «Эй Жабжиб аҳли, орангизда музаммам (Росулulloҳга қаттиқ адоват қилганлар «Муҳаммад» ўрнига «музаммам» дейишган) ва у билан бўлган ёшларни кўришни истаган борми, сизларга қарши урушга йиғилишди?», деб қичқирди, мен ҳеч бундай товушни эшитмагандим. Шунда Росулulloҳ ﷺ «Бу Ақаба Азби, Ибн Узайб» (шайтоннинг номи), дедилар. Сўнг Карвонга қайтишга амр этдилар. Шунда Аббос ибн Уббода ибн Назла «Сизни ҳақ ила юборган Зотга қасам, истасангиз, эртага Мино аҳлига қиличларимизни яланғочлаб борамиз!», деган эди. Ул Зот «Бунга буюрилмадик, сиз карвонингизга қайтинг», дедилар. Биз жойимизга қайтиб, тонгача ухладик. Тонгда Қурайш зодагонлари келиб «Эй Хазраж аҳли, бизга келган хабарга кўра, сиз бизнинг анави одамимизга келибсиз ва уни орамиздан олиб чиқиб кетмоқчи экансиз. Устига устак, бизга қарши жанг қилиш учун унга байъат берибсиз, Аллоҳга қасамки, биз учун энг ёмони араблар орасида сизлар билан жанг қилишдир», дейишди. Қавмимиз мушриклари орасидан баъзилар чиқиб, «Бундай иш бўлгани йўқ, бизнинг хабаримиз йўқ», дея Аллоҳнинг номи билан қасам ичишди! Қурайшликлар бунга ишонишди, ҳақиқатни билишмади! Биз бир-биримизга қараб қўйдик. Шундай қилиб Росулulloҳ ﷺ учун Ислom йўлида ёрдам берувчи ансорлар етишиб чиқди. Росулulloҳ ﷺ Мадинага ҳижрат қилгач, у ерда Ислom давлатини барпо этдилар.

Шариат бўйича нусрат талаб қилиш:

Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм юритиш учун куч-қудрат аҳлидан нусрат талаб қилиш шаръий ҳукм бўлиб, Росулulloҳ ﷺ барпо қилган Ислom давлатини барпо қилиш тариқатига тааллуқли аҳкомлар сирасига киради. Ислom давлатини барпо этиш учун фаолият қилаётган уюшма бугунги кунда Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этиш учун айнан шу тариқатга амал қилмоғи шарт. Нусрат воқелигига биноан куч-қудрат аҳлидан талаб қилинади ҳамда нусрат даъват қилаётган уюшмага берилади. Зеро, бу уюшма даъват қилиш ва давлат барпо қилиш юкини кўтарувчи йигитларни етиштириб, ўзини – ҳеч бўлмаганда, илк барпо бўлган пайтда – халифа, муовинлар, вазир ва волийлар бўлиши учун тайёрлаб қўйган уюшма бўлади. Ушбу уюшма, шунингдек, Ислom давлати, унинг арконлари, бошқарув базаси учун тиниқ тасаввурга эга бўлган, шаръий далиллардан истинбот қилинган ва Аллоҳ нозил қилган нарсалар асосида ҳақиқий бошқарувга мўлжалланган дастурни тайёрлаб қўйган уюшма бўлади. У даъватда зийрак ва сиёсатда моҳир, ушбу маҳорати ёрдамида мафкуралар, манёврлар ва сирларни яхши фаҳмлай олган уюшма бўлади. У даъватга қаттиқ шўнғиб, оёғидан бўйнигача кўмилган, унинг йўлидаги энг оғир қийинчиликларга сабр қилган ва аъзоларини пухта тайёрлаган, ҳатто бир қисмини давлат арбоблари қилиб етиштирган, Уммат орасида фаолият олиб бориб, Халифалик талабини ўзидаги афкори оммага айлантирган, олдида фақат куч-қувват ва иймон аҳлининг Аллоҳнинг ансорларига айланиш учун даъватини қабул қилишигина қолган уюшма бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا أَنصَارَ اللَّهِ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳнинг ансорлари бўлингиз»

[Саф 14]

Аллоҳ Таоло худди олдинги ансорлардан талаб қилгани каби, ҳозирги муслмонлар орасидаги куч-қудрат аҳлидан ҳам Ислom давлатини барпо этишда, ўз вазифаларини бажаришларини талаб қилган. Агар улар ушбу вазифаларини бажармасалар, буюк гуноҳ остида қоладилар. Чунки барпо қилиш исталаётган Ислom давлати ўзидан олдинги собиқ иқтидордан ҳокимиятни тортиб олиш учун ҳамда бўлажак Ислom давлатига бир қувват аҳли бўлиши учун куч-қудратга муҳтождир. Нусрат аҳли Аллоҳга ёрдам бериш билан

фақатгина У зотга итоат қилиб, Унинг динига ёрдам берган бўлади. Шунингдек, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритувчи Халифаликни барпо этиш учун Аллоҳга итоат этишга ўзини тайёрлаган ҳамда Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло муслмонлар орасидаги куч-қудрат аҳлидан нусрат талаб қилишни буюрган сиёсий уюшма билан алоқа ўрнатган бўлади. Зеро, Аллоҳ Таоло куч-қудрат аҳлига уюшманинг талабини қабул қилишни буюрган. Демак, ушбу буйруқларнинг барчаси Аллоҳнинг амридир. Нусрат талаб қилишни ҳам, ушбу талабни қабул қилишни ҳам Аллоҳ буюрди. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло давлат барпо этиш учун фаолият қилаётган даъват аҳлига нусрат беришни талаб қилар экан, бу талаб фақат куч-қудрат аҳлига қаратилди, бошқаларга эмас. Бас, куч-қудрат аҳли буни рад этсалар, демак, кўфр ҳокимиятининг давом этиши ва унга чек қўйилмаслик жавобгарлиги энг биринчи шуларнинг зиммасига тушади, чунки улар динга нусрат беришдан бўйин товладилар.

Биз Уммат орасида ушбу буюк вазифа учун ўзини тайёрлаган сиёсий уюшма мавжудлигини айтиб турибмиз ва бутун Уммат Ислом бошқаруви остида яшашга қатъий қарор қилганини кўриб турибмиз, демакки, бугунги кунда нусрат аҳли учун қулай фурсат мавжуд. Улар эса, бу фурсатдан унумли фойдаланишлари, ва Аллоҳнинг амрини адо этишга жиддий эътибор беришлари лозим. Нусрат аҳли даъватга нусрат берган пайтда, Аллоҳнинг амри остида бўлмоғи даркор, чунки шариат шунга буюради. Қолаверса, бутун давлатларнинг юксалиши фикрлар, ишончлар ва тузумлар воситасида ҳукм юритишга асосланади, куч-қудрат билан эмас. Куч-қудрат эса, фақат давлатни мудофаа қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун хосдир.

Ҳа, Маккадаги даъват ўз ғоясига учта асосий ишни бажариш орқали эришган. Росулulloҳ ﷺ Мадинада барпо этган илк Ислом давлатини қуришда мазкур учала ишнинг ҳар бири зарур бўлган. Уларнинг бири иккинчисини тўлдириб, ниҳоят, давлат барпо этиш базасини яратган. Бу уч иш қуйидагилардан иборат:

1 – Муҳожирлар:

Муҳожирлар – Росулulloҳ ﷺ ва ул зот билан бир уюшмада бўлган саҳобалардир. Росулulloҳ ﷺ уларга Қуръон оятларини тиловат қилиб берар, уларни нотўғри тушунчалардан поклар, уларга Қуръон ва ҳикматдан таълим бериб, иймон туйғуларини қўзғар эдилар. Муҳожирлар Росулulloҳ ﷺ билан бирга

даъватнинг энг оғир дамларини бошдан кечиришди, барча машаққатларга сабр қилишди. Аллоҳ уларни ўз Пайғамбари олдида вазирлар, волийлар ва қозилар бўлиб туришлари ҳамда Пайғамбаридан сўнг ҳукм юритувчи раҳбарлар бўлиши учун танлаб олди.

2 – Халқ базаси ёки Росулulloҳ ﷺ учун ва даъвати учун халқнинг қўллаб-қувватлови:

Бу нарса Мадинаи Мунаввара аҳлида гавдаланди. У ерда Ислом кенг ёйилиб, шу даражада Олий Калимага айландики, Мадина илк Ислом давлатини барпо этиш учун яроқли замин бўлди.

3 – Ансорийлар:

Ансорийлар Мадинада Росулulloҳ ﷺ ни ва даъватини ҳимоя қилишга қодир куч-қудратга эга бўлган саҳобалардир. Улар ўзларининг барча куч-қудратларини ул зотнинг буйруқлари остига қўйишди. Чунки нусратдаги асосий талаб Аллоҳ ва Росулига иймон ҳамда динга ёрдам ҳисобланади, шу боис унинг мукофоти фақат жаннатдир, бошқа ҳеч қандай дунёвий мато эмас.

Шундай экан, Росулulloҳ ﷺ билан бирга Маккада бўлган саҳобалар тариқатига ва Ислом мабдасига асосланган сиёсий уюшма мавжуд экан, давлат барпо бўлди, деб айта оламиз. Шунингдек, ушбу уюшма ҳам нусрат қучишга ҳақли бўлди дейиш мумкин, чунки у даъват машаққатларига сабр қилди, бор кучи билан йўлдаги азоб-уқубатларни енгиб ўтди ва Аллоҳнинг фазлу марҳамати билан Ислом билан бошқаришга нисбатан афкори оммани пайдо қилишга – худди Мадинада бўлгани каби – қодир бўлди. Фақат иймонли куч-қудрат аҳлининг нусрат талабига жавоб бериши қолди, холос. Бас, шундай экан, бугунги кунда муслмонлар орасидаги куч-қудрат аҳли олдида мана шундай йўл очилиб турган бир пайтда, динга нусрат бериш ва Халифалик давлатини барпо қилишга бел боғлашлари ҳамда мазкур давлатни барпо этиш учун фаолият қилаётган уюшмани қидириб топмоқлари даркор. Чунки бундай уюшма ҳам муслмонлар орасидан куч-қудрат аҳлини қидирмоқда. Айтиш мумкинки, Халифаликни барпо этиш лойиҳаси эшик қоқиб турибди, ҳатто ҳозирда муслмонларнинг қутулиши мана шу лойиҳага боғлиқ бўлиб қолди. Агар биз мозийга Росулulloҳ ﷺ нинг сийрати нури билан боқадиган бўлсак, бизнинг ҳозирги ҳолатимизга жуда ўхшаш ҳолатга гувоҳ бўламиз. Ўшанда Росулulloҳ ﷺ нусрат талаб қилдилар, аммо тўсиқ қўйиш, талабни қабул қилмаслик ёки хунук

суратда рад қилиш такрорланаверди. Бироқ, Росулulloҳ ﷺ бу тўсиқларни Аллоҳ учун сабр қилиш ва қатъий туриш билан енгиб ўтдилар. Ниҳоят Аллоҳ Таоло ул Зот учун Ясриб раҳбарларидан тўрт кишининг қалбини очиб қўйди. Демак, ушбу улуғ Пайғамбарлик сийратидан кўриниб турибдики, хавф-хатар ва машаққатларга тўлдир бўлганлиги сабабли нусрат талаб қилиш ғоят оғир талабдир. Шу боис, бу ишга моли, жони, обрўси, ва бор-будини бутун оламлар Роббиси Аллоҳга фидо қилишга тайёр, иймони кучли ва содиқ инсондан бошқаси қўл уролмайдди. Ибн Ҳишом сийратида айтилишича, бунда арабларнинг бир-биридан ажралиб қолиши, душманга душманлик қилиш, зодагонларни қатл қилиш ва фарзандларга таҳдид... каби нарсалар мавжуд эди. Аллоҳнинг динига нусрат берганлар унинг эвазига нима олади?! Фақат жаннат. Бунинг маъноси шуки, нусрат талаб қилинаётган кишилардан ёлғиз Аллоҳга холис бўлмоқлари талаб қилинади. Чунки уларга нусратлари эвазига дунё, мол-давлат, мансаб, обрў-этибор ваъда қилинган эмас. Балки уларга булардан анча катта нарса ваъда қилинган. Шунинг учун бугунги кунда нусрат берувчи киши Саъд ибн Муоз эришган мартабага эришади, Саъд ибн Муознинг вафотига Раҳмоннинг арши ларзага келди.

Ахир, бу дунёда нусрат ва охиратда улуғ мақом берилиши ҳақидаги Росулulloҳ ﷺнинг ушбу хушхабаридан каттароқ хушхабар борми:

﴿يَأَيُّهَا النَّاسُ، قُولُوا: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ تَفْلِحُوا، وَمَلِكُوا بِهَا الْعَرَبَ، وَتُدِينُ لَكُمْ بِهَا الْعَجَمُ، فَإِذَا مِتُّمُ كُنْتُمْ مَلُوكًا فِي الْجَنَّةِ﴾

«Эй инсонлар, ла илаҳа иллаллоҳ, деб айтинглар, нажот топасизлар: бу калима билан арабларга эга чиқасиз, аямлар сизнинг динингизга киради. Бас, вафот этсангиз, жаннатнинг подшоҳлари бўласиз».

Ҳа, Аллоҳ Субҳанаҳу ансорларни муҳожирларга шерик қилди ва иззат-икромда баробар қилди, даражотда бевосита улардан кейинги мақомга қўйди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالسَّلَاقُونَ الْأَوْلُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ﴾

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози

Бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир»[Тавба 100]

Аллоҳ Азза ва Жалла яна айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَاوَأُوا وَنَصَرُوا أَوْلِيَّكَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ﴾

«Албатта, иймон келтирган, ҳижрат қилган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлар ва (Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар — ана ўшалар, бир-бирларига дўстдирлар» [Анфол 72]

Аллоҳ Субҳанаҳу яна айтади:

﴿وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَاوَأُوا وَنَصَرُوا أَوْلِيَّكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ﴾

«Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлар ва (муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар — ана ўшалар ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун мағфират ва улўғ ризқ бор» [Анфол 74]

Яққол кўриниб турибдики, ушбу даъватга нусрат беришни истаган кишилар иймонлари кучли ва Ислом олдидаги жавобгарликларини аъло даражада ҳис этган ҳамда даъват ташвишини зиммаларига олиб, даъватни қамал, тазйиқ ва унга қарши урушдан халос қилишни истаган мусулмонлар бўладилар. Шу боис, Росулulloҳ ﷺнинг даъватларини қабул қилиб, нусрат берган ва ҳимоя қилган Ясрибдаги биринчи мусулмонлар бир-бирларига «Биз қачонгача Росулulloҳ ﷺнинг Макка тоғларида қувилиб, қўрқиб юришларига ташлаб қўямиз», деган саволни берганлар. Бугун биз ҳам шундай савол берамиз: «Эй куч-қудрат аҳли, қачонгача бу даъватни ёрдамсиз ташлаб қўямиз? Ахир бу Росулulloҳ ﷺнинг даъватларини ўзгинаси-ку. Қачонгача бу Умматни зулм, жиноят, залолат ва қашшоқлик остида қийналишига ташлаб қўямиз? Қачонгача ғарблик кофир ва уларга малай ҳукмдорлардан иборат Аллоҳ душманларининг зулму қирғинидан ва танг-бахтсиз ҳаётдан уларни қутқармай юраверамиз?».

Хўш, эй мусулмонлар! Қайси бирингиз худди кечаги ансорлар каби Аллоҳнинг ансорлари бўласизлар?! Аллоҳ Азза ва Жалланинг

шариатини ҳакам қилиш билан Унинг динига нусрат берувчи бугуннинг ансорлари қаёқда қолди?! Ислом Умматининг куч-қудратга эга холис фарзандлари қаёқда қолди?! Анави хоин ҳукмдорларнинг музокара столини афдариб ташлай оладиган нуфузли кишилар қаёқда қолди?! Наҳотки орангизда оғир аҳволда қолган Уммат учун қўзғаладиган ақл-фаросатли киши йўқ бўлса?! Наҳотки орангизда Умматни хорлик, зулм, қочқинлик ва тарқоқликдан қутқариб, фаровон тинч ҳаётга олиб чиқадиган ғаюр кишилар қолмаган бўлса?!

Эй ансорлар авлодлари, эй Ислом Умматининг холис фарзандлари, етар шунча хорлик ва заифлигимиз, етар ўтган юз йил ичида тарқоқ бўлганимиз. Мустамлакачи кофирлар эса ер юзида бемалол бузғунчилик тарқатмоқда.

Эй ўтган мард мусулмонларнинг авлодлари, Холид, Салоҳиддин, Қутз, Зоҳир Байбарс каби зотларнинг набиралари, Умматингиз орасидаги холис инсонларга байъат қилинг, рошид Исломий Халифалик давлати учун Исломий дастур лойиҳасини тайёрлаб қўйган Ҳизб ут-Таҳрирга байъат қилинг. Зеро, у ер юзида Аллоҳнинг бошқарувини ўрнатиш ҳамда Аллоҳ ва Росулини рози қилувчи рошид Халифаликни барпо этиш учун холис фаолият қилмоқда. Бошқарув низоми, иқтисод низоми, ижтимо низоми, муомалалар ва жазолар низоми, таълим дастури ва ташқи сиёсат каби соҳаларда Мусулмонларнинг ҳаётини тўғрилай оладиган Халифаликдан бошқа қандай тузум бор?!... Халифалик Аллоҳнинг сизга буюрган фарзи бўлиб, у билан динингиз ҳам, ўзингиз ҳам азиз бўласиз, куфр ва унинг аҳли хор бўлади. Акс ҳолда эса, унинг йўқлиги сабабли худди бугунги кундаги каби хор бўласиз, Исломингиз ҳужумга учраб, энг хунук суратда ёмонотлиқ қилинади, куфр иймондан ғолиб келади.... Эй мусулмонлар, бу нусратдир, эй мусулмон куч-қудрат аҳли, бу Аллоҳнинг зиммангиздаги ҳаққидир, бу узоғу яқиндаги Ислом Умматини Ислом давлати соясида фаровон ҳаётга олиб чиқишнинг ягона йўлидир. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг Росули сизни абадий ҳаёт берадиган нарсага даъват қилар экан, уни қабул қилинглар»

[Анфол 24] □

МУСУЛМОНЛАР РАМАЗОННИ ҲАНУЗ ХАЛИФАЛИКСИЗ ЎТКАЗМОҚДА

Жамол Тойяр – Яман

Ҳар йилги каби бу йил ҳам рамазон ойи мусулмонлар ҳануз Халифаликсиз ҳаёт кечираётган ва ҳаётларининг барча соҳалари Исломсиз ўтаётган бир пайтда кириб келмоқда... Улар одатларига кўра намоз, рўза, қиём, садақа, закот, дуо, истиғфор, тавба, яхши ишлар, силаи раҳм каби турли ибодатлар билан машғулдирлар. Мусулмонлар ўртасида иймоний муҳит баланд, улар тарових, қиём ва бошқа намозлар учун масжидга қатнамоқдалар... Қалби Аллоҳ Таолога иймон, Росулulloҳ ﷺ га ва ҳақ динга муҳаббат билан обод бўлган... Аллоҳ Таолога итоат этишга, Уни рози қиладиган барча амалларни қилиб, ғаблантирадиган ишлардан узоқлашишга рағбат қиладиган..., ифғати ва тилини сақлайдиган..., кўзини гуноҳ ишлардан тиядиган..., закот ва садақотларни берадиган..., яхши амалларни қиладиган мусулмонлар яшаётган дўстона ва меҳр-муҳаббат муҳитига гувоҳ бўлган киши буларнинг барчаси Исломий давлат соясида бўлишини умид қилади. Чунки Исломий давлатда бу ишларга азизлик туйғулари, ҳақиқат кучи, маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш майдонининг кенгайиши ҳамроҳлик қилади. Бу билан, ушбу муборак ойнинг баракотидан нафақат мусулмонлар, балки бутун дунё баҳраманд бўлади.

Аммо рамазон ойи тугаши билан бундай кўринишлар йўқолиб, бу ҳис-туйғулар сусаяди. Масжидларда намозхонлар сони камайиб, мусулмонлар дунё билан машғул бўлиш ва моддий манфаатлар кетидан қувиш каби эски ҳаётига қайтадилар. Шунингдек, рамазон ойи тугаши билан итоат ҳис туйғулари ниҳоясига етади ва гўё бу йиллик диний муносабатга ўхшаб қолади... Агар Исломий давлат мавжуд бўлганида, итоат ҳис-туйғулари йил бўйи узлуксиз давом этган бўлар эди.

Мусулмонларга таскин берувчи ушбу тоза муҳит ғарб ва унинг сиёсатчилар, ҳукмдорлар, илмонийлар ва артистлардан иборат малайларини безовта қилади... Шунинг учун унинг манфур ахборот воситалари тубан каналлари орқали бемаъни сериаллар ҳамда бузғунчи, кераксиз, аҳмоқона ва бачкана дастурларни эфирга узатиш билан мусулмонларни бу муҳитдан чалғитишга ҳаракат қилмоқда... Ғарб бу орқали мусулмонлардаги иймон ҳароратини сўндиришни хоҳлайди. Мусулмонлар бунга қарши

ўлароқ, ушбу сериал ва дастурлар билан машғул бўлиб, ибодатларини барбод қилмасликка, балки иймон ҳароратини сақлаб қолишга ҳаракат қилишлари лозим. Шунингдек, барча жойлардаги мусулмонларнинг аҳволи ҳақида фикрлаб, Умматни бу зулматдан халос қилиш ҳақида ўйлаши ва Аллоҳдан мусулмонларни ҳар тарафлама неъматлантиришни илтижо қилиб сўрашлари керак. Бу эса, фақат Исломиё Халифалик давлати орқалигина бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَوْ أَنَّهُمْ أَقَامُوا التَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْهِمْ مِنْ رَبِّهِمْ لَأَكْلُوا مِنْ فَوْقِهِمْ وَمِنْ تَحْتِ أَرْجُلِهِمْ مِنْهُمْ أُمَّةٌ مُّقْتَصِدَةٌ وَكَثِيرٌ مِنْهُمْ سَاءَ مَا يَعْمَلُونَ﴾

«Агар улар Тавротга, Инжилга ва Парвардигорлари томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилганларида эди, устларидан (осмондан) ҳам, остларидан (ердан) ҳам ризқланган бўлур эдилар. Уларнинг ораларида адолат эгалари бўлган кишилар ҳам бор. Аммо уларнинг кўплари нақадар ёмон амалларни қиладилар» [Моида 66]

Бу иш мусулмонлар устида ҳар йили такрорланиб келмоқда. Халифалик қулаши ортидан, Ғарб исломий юртларни босиб олиб, уларга ўзларининг «динни дунёдан ажратиш»га асосланган турмуш тарзини тиқиштиргандан буён мусулмонлар мана шундай аҳволда яшаб келмоқда. Чунки Ғарб динни рамазон ойи каби муносабатларга айлантириб қўйди. Бошқа ойлар эса, фақат дунё ва моддий манфаатлардан иборат бўлиб, дин соҳасида одоб-ахлоқ, еб-ичиш, кийиниш, мерос, никоҳ ва талоқ каби айрим ибодатларга чекланиб қолди. Ўзаро муомалалар, жазо-чоралари ва давлатга алоқадор шаръий ҳукмлар мусулмонлар ҳаёти воқеидан бутунлай узоқлаштирилди.

Шунинг учун рамазон бошланар экан, мусулмонлар ҳамон картон давлатчалар соясида яшашмоқда. Улар устидан жиноятчи режимлар ҳукмронлик қилмоқда. Яхши нарсани арзимас нарсага алмаштирган ва динини дунё эвазига сотган ёмон уламолар уларнинг бошқарувига ёрдам бермоқда.

Рамазон бошланар экан, ҳали-ҳануз мусулмонларнинг юртларини Сайкс-Пико чегаралари ажратиб турибди. Мустамлакачи ясаб берган байроқлар эса ушбу юртлар қароргоҳларида ҳилпирамоқда.

Рамазон бошланар экан, ҳали-ҳануз мусулмонларга исломий биродарлик туйғулари ўрнига миллийлик ва ватанпарварлик туйғулари ҳукмронлик қилмоқда. Бу нарса Ғарбнинг ушбу юртлардаги малайлари орқали юргизилмоқда.

Рамазон бошланар экан, мусулмонлар ҳали-ҳануз қашшоқлик, касаллик ва ёмон хизмат шароитида яшашмоқда. Ваҳоланки Аллоҳ Таоло уларнинг юртларига ҳисобсиз бойликлар ато этган.

Рамазон бошланар экан, мусулмонлар ҳали-ҳануз заифҳол ва хор аҳволда яшамоқда. Барча кофир Ғарб давлатлари уларга қарши уруш очиш ва тил бириктириш учун жамланмоқда.

Рамазон бошланар экан, ҳали-ҳануз мусулмонлар ҳаётида шахсга оид ҳукмлардан бошқа шаръий ҳукмларнинг аксари бекор қилинган.

Рамазон бошланар экан, ҳали-ҳануз Ғарбнинг капиталистик мабдаси оламга ҳукмронлиги ва мусулмонларнинг юртлари ва қисматлари устидан хўжайинлиги давом этмоқда.

Рамазон бошланар экан, Аллоҳ ваъда қилиб, Росулulloҳ ﷺ башорат қилган ҳамда фарзларнинг тожи ва шаръий ҳукмларнинг таянчи бўлган Исломий Халифалик ҳали-ҳануз мусулмонларнинг ҳаёти ва воқеидан узоқлаштирилган.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида Аллоҳнинг изни билан мусулмон юртлар ўртасидаги Сайкс-Пико чегараларига барҳам берилиши ҳамда мусулмонлар аввал бўлганидек шарқдан Индонезия ва Ғарбдан Атлантика океанигача ягона Умматга айланишини хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида ушбу ранг-баранг миллий байроқлар туширилиши ва уларнинг ўрнига мусулмон юртларнинг барча жойларида қора ўқоб байроғи ҳилпираб турганини кўришни хоҳлаймиз. Шунингдек, тавҳид байроғи давлат идоралари ва турли ҳукумат доираларида ҳилпирашини кўришни хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида Исломий юртлардаги қироллик ва республикалар Исломий давлатнинг вилоятига айланиши ҳамда мусулмонлар бир вилоятдан иккинчисига ҳеч қандай виза ва рухсатномасиз, тўла эркинлик билан сафар қилишини кўришни хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида Исломий давлат нефть, газ ва турли конлардан тушадиган умумий мулкни мусулмонларга бўлиб беришини кўришни хоҳлаймиз. Шунингдек, мусулмонларнинг молларидан йиғилган закот ва садақаларни Исломий давлатнинг

турли вилоятларидаги саккиз хил ҳақдорларга бўлиб беришини ҳамда уни олишда камбағал Африкадаги мусулмонлар билан бой Кўрфаздаги мусулмонлар бир хил бўлишини кўришни хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида мусулмон савдогарлари ўзларининг турли товарлари билан бир вилоятдан бошқасига божхона солиқларисиз эркин ҳаракатлишини кўришни хоҳлаймиз. Шунингдек, Ҳижоз, Нажд, Шом, Ироқ, Покистон, Марокаш, Яман, Миср, Афғонистон, Туркистон, Судан, Индонезия, Туркия ва Халифалик давлатининг бошқа вилоятларидан келган савдогарларнинг моллари Исломиё Халифалик давлатининг турли юртларидаги бозорлар ва тижорат дўконларини ҳамда уларининг исмлари шаҳарларидаги реклама тахтасини безатиб туришини хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида Халифалик давлати давлатнинг турли вилоятларини темир йўли билан бирлаштириш, мусулмонларнинг ўтишини осонлаштириш учун Мандаб бўғози, Ҳурмуз бўғози, Ақаба бўғози ва Сувайш бўғози узра кўприк қуриш каби мусулмонларга умумий манфаат келтирадиган улкан лойиҳаларни амалга ошира бошлашини кўришни хоҳлаймиз. Шунингдек, Исломиё Халифаликнинг барча ерларидаги юз миллионлаб мусулмонларни озиқ-овқат хавфсизлиги билан таъминлаш учун кенг экин майдонлари, хусусан Судан ерларини экинзорга айлантиришини кўришни хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида картон давлатларнинг валюталари ягона валюта яъни тилла динор ва кумуш дирҳамга айланишини ҳамда ушбу валюта оддий қоғоз пул эмас, балки банкда олтин қопламаси бўлган валюта бўлишини кўришни хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида хоҳ шахс, хоҳ жамоат, хоҳ давлатга оид бўлсин ёки ибодатлар, одоб-ахлоқ, еб-ичиш, кийиниш, муомала, жазо-чораларига оид бўлсин шаръий ҳукмлар татбиқ қилинишини кўришни хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара ва Қуддус шарифда муқаддас маросимлар, ҳаж ва рамазон мавсуми ўн миллионлаб зиёратчилар билан тўлиб тошиши ва йил давомида умра ва зиёрат учун келганларнинг кети узилмаслигини кўришни хоҳлаймиз. Бу эса Ҳижоз, Шом ва уларга яқин вилоятларни дунёнинг турли бурчакларидан келган мусулмонлар билан гавжум минтақага айлантиради ҳамда ушбу

вилоятлардаги шаҳарларни аэропорт, порт, йўллар, меҳмонхона, шифохона ва бозорлар каби қўлайликларга эга улкан тижорат марказига айлантиради. Бундан ташқари, у мусулмонларни бир-бирлари билан қоришиб кетадиган ҳамда биродарлик ва никоҳ узра қариндошликнинг энг мустаҳкам ришталари орқали ўзаро бир-бирларини танийдиган қилиб қўяди.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида ахборот воситалари ва сунъий йўлдош каналлари Халифалик давлатига тобе бўлишини ҳамда давлат Исломи ҳукмлари ва фазилатларини ёйиш ва ғайримусулмонларни турли тиллар орқали даъват қилишда улардан фойдаланишини кўришни хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида ҳар бир мусулмон ўзининг хусусий автомобилида бир вилоятдан бошқасига, бир шаҳардан бошқасига ўзи ва молига хотиржам ҳолатда сафар қилишга қодир бўлишини кўришни хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида мусулмонларнинг Сайкс-Пико чегараларини қўриқлаётган кўпсонли қўшинлари яхлит битта армияга айланиб, ўзининг сиёсий вазифаси яъни жиҳод, Исломни дунёга ёйиш ва одамларни Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб киришига хизмат қилиш каби ишларни қайта амалга ошираётганини кўришни хоҳлаймиз.

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида мусулмонлар ягона халифа бошқаруви остидаги яхлит Уммат бўлишини, Пайғамбарлик минҳожид асосидаги рошид Халифалик давлати қайта барпо қилиниши ва ушбу кучли ва биринчи давлат мусулмонларнинг ҳайбат ва қувватини қайта тиклаганини кўришни хоҳлаймиз. Шунингдек, бу давлат кофирлардан ташаббус тизгинини олиши, капиталистик мабда ўрнига Исломий мабда билан оламни яхшилик, адолат ва рушд-ҳидоят сари етаклаши ҳамда зулм ва зўравонлик билан тўлган ер юзини адолат билан тўлдиришини ва еру-осмон аҳллари ундан рози бўлишини кўришни хоҳлаймиз.

Юқорида айтиб ўтганларимиз хаёл ёки туш ёки рўёбга чиқмайдиган орзулар эмас. Аксинча улар ҳақиқат ва воқе бўлиб, Аллоҳнинг изни билан бир кун уларни ўз кўзимиз билан кўрамиз. Зеро Аллоҳ Таоло фаолият қилаётган мўмин бандаларига уларни ерда халифа қилиш ва ўзи рози бўлган динларига имконият беришга ваъда берган. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир» [Нур 55]

Бу нарса Аллоҳнинг ўзгармас қонуни бўлиб, у Аллоҳнинг аввалгию кейинги халқларига жорий бўлади. Аллоҳ таоло маълум вақт ўтгач, охири тақводор бандаларига нусрат беради.

﴿إِنَّ الْأَرْضَ لِلَّهِ يُورِثُهَا مَن يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ ۗ وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ﴾

«Бу ер шак-шубҳасиз Аллоҳникидир. Уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларники (Аллоҳдан қўрққанларники) бўлур» [Аъроф 128]

Биз ушбу йилнинг рамазон ойида, ваъда қилинган Пайғамбарлик минҳожиди асосидаги рошид Халифаликнинг қайта барпо қилиниши орқали Исломий ҳаётни қайта бошлаш билан зўравон бошқарув замони ўртасидаги ўтиш даврида яшар эканмиз, Аллоҳдан ўша кунларни яқин қилишини ва бу воқени ўзгартириш бизнинг қўлимиз билан бўлишини сўраймиз. Шунингдек ушбу рамазон аввал бўлганидек нур, яхшилик, ҳидоят, жиҳод ва тақво рамазони бўлишини сўраб қоламиз... Аллоҳ ҳар бир ишга қодир Зотдир. □

Уммон муфтиси Ғарбнинг Украина урушидаги «ирқчи»лигини танқид қилди

Уммон султонлиги бош муфтиси шайх Аҳмад ибн Халилий Россия-Украина урушини ёритиш пайтида расмийлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан берилган ирқчилик баёноتلарини кескин танқид қилди. Бўлиб ўтган воқеа мусулмонлар англаб етиши керак бўлган сабоқдир, деди у. Шайх ўзининг твиттердаги саҳифасида ёзган твитада: «Баъзи ғарбликларнинг шарқий мусулмон жамиятлар билан улар хавфсизлигини ва машаққатли кунларида ёрдам беришни истаётган Европа-Украина жамияти ўртасидаги тафовутни ифодалаган баёноتلари ақл эгаларини эътибор беришга ундайди», деди. Шайх: «Мусулмонлар ушбу ҳақиқатларни англаб етдими ва бу сирлар ошкор бўлдимиз?! – дея савол ташлади. Унинг таъкидлашича, баъзи Ғарб сиёсатчилари ва оммавий ахборот воситаларининг бундай солиштириши шуни кўрсатдики, улар ўз ўлчовларига кўра шарқий жамиятларни қолақ, ҳазорий қадриятлар жиҳатидан абгор деб тасаввур қилишади. Улар учун шарқий жамиятлар ҳеч нарсага арзимади. Уммон султонлиги бош муфтиси яна шундай таъкидлади: «Улар одамлар ўртасида ўзлари кўтариб чиқаётган демократия, эркинлик ва тенглик каби сохта шиорлар билан қанчалик ақлларни чалғитмоқчи бўлишмасин, бунинг ортига мусулмонларни таҳқирлашни, уларнинг ҳуқуқлари ва тақдирига бефарқликни яширишади».

Ал-Ваъй: Ғарб ҳазорати банкротга учради. У оқ танли бўлмаган халқлар ҳуқуқини ва ҳатто оқ танлилар ҳуқуқини ҳам ҳимоя қила олмай қолди. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ва бугунги Украина-Россия уруши бунинг очиқ исботидир... Шундай экан, уларнинг исломий халқларга қараши ҳақида нима дейиш мумкин?!

The Guardian: Европанинг қочқинлар орасидаги ирқий камситишига доир фактлар

The Guardian газетаси журналист Даниел Хоуденнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ёзган мақоласини нашр қилди. Арабий 21 таржима қилиб чиқарган ушбу мақолада қочқинларга терининг рангига қараб муомала қилишдаги Европа қўш стандартлилиги ҳақида сўз боради. Муаллиф шундай дейди: Украинада уруш

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Бошланганидан бери оқ танли бўлмаган қочқинлар ирқчиликка дучор бўлмоқдалар. Мисол учун, украиналик қочқинлар Полшага, яъни суриялик, афғонистонлик ва ироқлик қочқинларнинг киришига йўл қўймаслик учун Беларус чегараси бўйлаб девор қурган айни ўша давлатга ўтишмоқда. Сўнгги пайтларда Россиянинг Украинага ҳужумидан қочган европалик бўлмаган қочқинларга нисбатан ташвишли даражадаги камситишлар кузатилмоқда. Баъзи хабарларда келишича, оқ танли бўлмаган ирқдаги одамларнинг эвакуация поездларига чиқишига йўл қўйилмаган ва улар изоляцияга олиниб, чегарадаги ўтиш жойларида бир неча кун кутишга мажбур қилинган. Муаллифнинг таъкидлашича, украиналик қочқинлар қандай кутиб олинган бўлса, оқ танли бўлмаган қочқинларнинг ҳам худди шундай кутиб олинишини тасаввур қилиш қийин. У шунингдек, жуда кўп шарҳловчиларнинг қочқинлик мақомини олишга ҳақли бўлган шахсларга нисбатан камситиш позициясини эгаллаганини ҳам таъкидлади. Муаллиф «Россия-Украина уруши Европа анчадан бери ўзини оқлаб келган барча баҳоналарни йўқ қилди ва Европа тизимида ирқчилик чуқур илдиз отганини кўрсатди. Инсоний қадриятлар масаласидаги иккиюзламачиликни фош этганини айтмаса ҳам бўлади», дейди.</p> <p>Ал-Ваъй: Ушбу урушда ирқий камситишнинг қочқинларгача етиб бориши Ғарб ҳазоратида инсонийлик фақат қоғозда эканини очиқ кўрсатмоқда... Бу ерда айтилганлар фақат бир мисол бўлиб, унинг ортидан яна мисолларни келтириш мумкин... «Инсон ҳуқуқи» даъволари ва халқаро ҳуқуқ ташкилотлари Ғарб мустамлакачилигининг услуб ва воситаларидан бошқа нарса эмас.</p>		
<p>Украина уруши евангелистларнинг охир замон башоратлари ҳақидаги эътиқодларини алангалатди</p>		
<p>Украинага қарши уруш баъзи консерватив евангелистларда «Россия охир замон ҳақида библияда келган башоратларни рўёбга чиқаришга ёрдам бериши мумкин, деган ишончни кучайтирди», деб ёзади Вашингтон Пост газетаси. Газетанинг Арабий 21 таржима қилиб чиқарган мақоласида келишича, евангелистлар, хусусан, харизматик насронийлар охир замон назариясига, бунда Россиянинг алоҳида роли борлигига ва бу «Худо режаси»нинг бир қисми эканлигига эътиборни қаратишган. Калифорниядаги катта</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>черков раҳнамози, Доналд Трампнинг ишончли вакили Грег Лоури ўз издошларига Украинадаги воқеаларнинг «муҳим башорати»ни кўраётганини айтди. Христиан радиоэшиттириш тармоғи асосчиси Пат Робертсон: «Худо Путинни Украинага ҳужум қилишга мажбур қилди», деди.</p>		
<p>Газетанинг таъкидлашича, консерватив насронийлар ҳар доим дунё воқеаларига библиядаги башоратни амалга ошириши мумкин бўлган белгилар сифатида қарашади. «Оҳ, бу охирги кураш», дейди насроний радио бошловчиси Майкл Браун. Илгари баъзи евангелистлар Совет Иттифоқининг собиқ раҳбари Михаил Горбачевни, унинг пешонасида қизил доғ борлиги учун «дажжол» деб аташган. Баъзилар унинг пешонасидаги бу доғни тавротда эслатиб ўтилган охир замондаги «ваҳший ҳайвон белгиси» билан боғлашади. Газета башоратнинг янги аҳддаги (Инжилдаги) талқинига эътиборни тортади. Унда шундай келади: «Исо Масиҳ ерга қайтиб, иймонлиларни осмонга тортиб олади ва иймонсизларни қолдиради».</p>		
<p>(Исроил)ни ўз ичига олган Кўрфаз «НАТО» альянсини ташкил этиш таклифи</p>		
<p>(Исроил) томонидан бир қатор Кўрфаз давлатларига амалга оширилган тўхтовсиз сафарлардан кўриниб турибдики, икки томонлама ҳарбий ва хавфсизлик алоқалари кенгая бошлади. Қурол-яроғ битими ва разведка маълумотларини мувофиқлаштиришдан бошланган бундай алоқалар у ердаги ҳарбий базаларда (Исроил)нинг мавжуд бўлишигача етиб борди. Ушбу икки томонлама ҳарбий келишувларнинг охиргиси босқинчи армия қўмондони Кохафийнинг Баҳраинга сафар қилиши бўлди. Кутилмаган ташриф давомида унга юқори мартабали (Исроил) ҳарбий ва разведка ходимлари ҳамроҳлик қилди. Кейинроқ Кохавий АҚШнинг бешинчи флоти қароргоҳида қатарлик ҳамкасби ва Қатар бош вазири билан учрашди. Улар минтақадаги сўнги муаммолар, Россия-Украина уруши манзарасида Эрон таҳдидларига қарши туриш учун Қатарнинг минтақадаги иттифоққа қўшилиши масаласини, шунингдек, Қатарда Эрон дронлари ва ракеталаридан олдиндан огоҳлантирувчи илғор (Исроил) радарларини ўрнатиш имкониятини муҳокама қилишди. Маълум</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва қамситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>бўлишича, «Бош вазир Нафтали Беннет Кўрфаз давлатларига ташрифи чоғида минтақада фақат Кўрфаз давлатлари учун хос бўлган НАТОга ўхшаш ҳарбий иттифоқ тузишни таклиф қилган.</p> <p>Кўриниб турибдики, минтақа мисли кўрилмаган ҳарбий иттифоқ тузиш орқали (Исроил)нинг унга қўшилишини мақсад қилган диққатга сазовор ҳарбий ривожланиш олдида турибди. Бу бир томондан Кўрфаз давлатларида кескинликни кучайтиради ва (Исроил)нинг кенг ҳарбий эшиклар орқали минтақага киришига имкон беради.</p> <p>Ал-Ваъй: Бу таклиф курашни Араб-Эрон курашига айлантириш нуқтаи назаридан АҚШнинг минтақадаги сиёсатига мос келади. Бу ерда эътиборли нарса шуки, Эрон Америка ўйинининг тошларидан биридир. Эрон бу курашда ўзига аҳамият берилганидан ва унда найзанинг учига айлантирилганидан мамнун. Зеро, у ўзининг жирканч мазҳабпарастлигини шу орқали қондиради.</p>		
<p>Украина муфтиси: Бу бизнинг Россия мусулмонларига нисбатан позициямиз</p>		
<p>Шайх Саид Исмаилов (Украина мусулмонларининг «Уммат» идораси муфтиси ва мудофаа вазирлиги қошидаги «маънавият бошқармаси» бўлими асосчиси) пойтахт Киев шимолий ғарбидаги мамлакатга қарши Россия уруши бошланганидан бери кескин бомбалаш амалиётларига ва тўқнашувларга дуч келаётган Буча шаҳридан чиқиб кетишни рад этди. У Киевни ва ватанни ҳимоя қилиш бурчига содиқ қолишини айтди. Унинг позицияси расмий доираларда, оммавий ахборот воситаларида ва халқ орасида юқори баҳоланди. У урушдан олдин қурол қўллаш машғулотида ўтиш учун «регионал мудофаа» кучларига ҳам қўшилган эди.</p> <p>Муфти озиқ-овқат, дори-дармон, ҳарбий кийим, зирҳ ва каскаларни тўплаб, уларни жангчиларга тарқатиш учун «ғалаба қаноти» ташаббусини бошлаган эди. У ўз ишини имомлик қилиш ҳамда Киевда қолган мусулмонларга (уларнинг сони урушдан ва одамлар кўчирилишидан олдин 100 атрофида дея баҳоланган) хизмат кўрсатиш билан жанг фронтлари ўртасида тақсимлади. У Россиядаги исломий диний арбобларни Путиннинг Украинага қарши «ноҳақ уруш» бошлаш қарорини қўллаб-қувватланганликлари учун танқид қилди. У шундай деди: «Россиядаги мусулмон етакчиларга қўл чўзишимиз мумкин эмас.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Украиналик мусулмон сифатида менинг диним, қадр-қимматим ва виждоним бунга йўл бермайди». У яна бундай деди: «Улар Кремлнинг Украина халқи ва мусулмонларига қарши ноҳақ урушини олқишлаб, Путиннинг мунофиқлик ботқоғига шўнғидилар. Россия мусулмонлари улардан покдир. Чунки улар юз бераётган воқеаларни англаб етиб, мусулмон ва мусулмон бўлмаган бегуноҳлар қони тўкилишини рад этадилар». У «Украинадаги неонацистларга қарши урушни» қўллаб-қувватлаган Россия бош муфтиси Талъат Тожиддинни ҳамда Украинадаги урушни «Аллоҳ йўлидаги жиҳод» деб ҳисоблаган Чеченистон муфтиси Салоҳ Мажидовни, шунингдек, «Россиянинг барча фуқаролари ўз етакчилари атрофида бирлашишлари лозим» деб фикр билдирган Ингушетия муфтиси Аҳмад Сағўвни тилга олиб ўтди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Аллоҳга қасам, расмий мансаб эгаси бўлган мусулмон уламолар ўз фатволарида шундай журъат қилишмоқдаки, ҳатто улар учун Аллоҳнинг буйруғи эътиборга эга эмасдек фатво бериб, ўзлари ҳам адашишмоқда, бошқаларни ҳам адаштиришмоқда. Наҳотки, улар чақираётган нарса асосида ўлган кишининг ўлими Аллоҳнинг йўлидан бошқа йўлда ўлим топиш эканлигини ва бунинг гуноҳи уларнинг зиммасида бўлишини билишмаса... Ҳар ҳолда, бундай уламолар Умматнинг муаммолари бўлиб, уларга эмас Аллоҳга итоат қилиш вожиб.</p>		
<p>Жозибатор шартномалар билан Россия манфаати учун суриялик ёлланма аскарлар Украинага олиб келинмоқда</p>		
<p>Россия-Украина уруши чет элликлар учун курашувчи томонларнинг ҳар икки тарафида жанг қилишга кенг йўл очди. Франциянинг Figaro газетасига кўра, Владимир Путин украиналикларнинг қаттиқ қаршиликлари туфайли олдинга силжиши секинлашиб қолган Россия кучларини қўллаб-қувватлаш учун 16 минг сурияликни юборишга рози бўлган. Газета берган маълумотларда келишича, Украина ичкарасидаги жангларда тахминан 150 минг рус аскарлари, яъни босқиндан олдин Украина чеккаларида жойлашган кучларнинг деярли 100 фоизи қатнашган. Париждаги Франция Бош Штаби маълумотларига кўра, русларнинг энди бу майдон учун захира кучлари йўқ. Шунинг учун Россия</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва қамситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>етишмовчиликни тўлдириш учун ёлланма аскарларни ёллашга қарор қилди.</p> <p>Сурия пойтахти Дамашқ ва бошқа ҳудудлардаги воситачилар суриялик ёшлар билан Украинада Россия армияси сафида жанг қилиш учун шартнома туза бошлашди. Улар Сурия режими кучлари тарафида кўнгилли жангарилар сафида жанг қилган ёшлардир. Шунингдек, ёшларга шартнома лойиҳаларини тарқатишда «уруш амирлари» ҳам фаоллик кўрсатишди. Шартномада ҳар бир жангчига етти ой муддатга Украинадаги объектларни ҳимоя қилишда ишлаш учун етти минг доллар кафолатланган. Кузатувчиларга кўра, бу кўрсаткич, айниқса, Суриядаги иқтисодий шароитни ва лиранинг долларга нисбатан қадрсизланишини эътиборга олганда катта ҳисобланади. Бу эса ёшларни у ерга бориб, жанг қилишга қизиқтириши ҳам мумкин. Шартномада Сурияга дастлабки етти ойда қайтмаслик каби шартлар ҳам қўйилган. Шунингдек, жангчи ҳалок бўлган тақдирда у билан Суриядаги «Шаҳидлар жамғармаси» шуғулланмайди, аксинча, у ҳеч қандай имтиёزلардан фойдаланмайдиган ўликдир. Бироқ, бу билан кўнгилли ёшлар мажбурий ҳарбий хизматни кечиктириш сабабларига эришишлари мумкин. Чунки кўплаб суриялик ёшларнинг иммиграциясига сабаб айна шу мажбурий хизматдир.</p> <p>Ал-Ваъй: Шубҳасизки, Украинадаги уруш Суриядаги қўзғолон жараёнига таъсир қилади. Аллоҳдан умид қиламизки, бу талончи ёлланма аскарлардан қасос олинади ҳамда Суриядаги вазият Ислом ва мусулмонлар фойдасига ўзгаради. □</p>		

ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

НУСРАТ, ХАЛИФА ВА ҒОЛИБ-МУСТАҲҚАМ ҚИЛИШ ҲАҚИДАГИ ОЯТЛАР

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهُدُ﴾

«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз» [Ғофир 51]

Ибн Касир ушбу оят тафсирида бундай дейди: «Шундай қилиб, Аллоҳ Таоло ўз Росули ва саҳобаларига, уларга қарши чиққан, тўсқинлик қилган, ёлғончига чиқарган ва душманчилик қилган кишиларга қарши нусрат берди. Шунингдек, ўз калимасини олий қилди ҳамда динини бошқа динлар устидан ғолиб қилди. Росулulloҳ ﷺ ни Мадинага ҳижрат қилишига буюриб, у ерда ансор ва ёрдамчиларни чиқарди. Кейин Бадр куни мушриклар устидан ғолиб қилди ва мушрикларни ҳолдан тойдирди. Росулulloҳ ﷺ уларнинг кучли қаҳрамонларини ўлдирди, қолганларини асирга олиб, занжирлар билан кишанлаб олиб кетди. Кейин улардан фидя олиб, уларга олийжаноблик қилди. Сўнг ҳеч қанча ўтмай Макка фатҳ бўлди ва Пайғамбаримиз ﷺ бу ишдан хурсанд бўлдилар. Чунки Макка улў ва мукаррам ҳамда ҳаром амаллар ман қилинган шаҳар эди. Аллоҳ Таоло уни бу билан ширк ва кўфрдан тозалади. Сўнг Яман ва бутун Араб ярим ороли фатҳ бўлди, натижада одамлар тўп-тўп бўлиб динга кирдилар. Росулulloҳ ﷺ Аллоҳ Таолонинг ҳузурига риҳлат қилгач, саҳобалар у кишининг халифалари бўлишди ва одамларга Аллоҳнинг динини етказиб, уларни Аллоҳга ибодат қилишга чақиришди. Сўнг юртлар, иқлимлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва ҳатто қалбларни ҳам фатҳ қилишди. Пайғамбаримизнинг даъвати ернинг шарқию ғарбигача етиб борди. Шу йўсинда бу дин қиёматгача ғолиб бўлиб туради. Аллоҳ Таоло бундай марҳамат қилади:

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهُدُ﴾

«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз» [Ғофир 51]

Яъни қиёмат кунисидаги нусрат буюкроқ, каттароқ ва улуғроқ бўлади».

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَقَدْ كُذِّبَتْ رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ فَصَبَرُوا عَلَىٰ مَا كُذِّبُوا وَأُوذُوا حَتَّىٰ أَتَاهُمْ نَصْرُنَا وَلَا مُبَدِّل لِكَلِمَاتِ اللَّهِ﴾

«Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар. Бас то уларга Бизнинг нусратимиз келгунча ёлғончи қилиниб, озорланишларига сабр қилганлар. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартира олгучи бирон кимса йўқдир» [Анъом 34]

Тантовийнинг Васит китобида шундай келади: «Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَقَدْ كُذِّبَتْ رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ﴾

(Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилинганлар), деган ояти қд ва лам билан таъкидлаб келмоқда. Бу тасалли ва юпатишни тасдиқлаш ҳамда сабрнинг фазилатини маҳкам тутиш зарурлигини таъкидлаш учундир. Чунки бунинг ортидан Аллоҳ сабр қилувчиларга ваъда қилган ғалаба келади...

﴿وَلَا مُبَدِّل لِكَلِمَاتِ اللَّهِ﴾

(Аллоҳнинг сўзларини ўзгартира олгучи бирон кимса йўқдир) ояти «Аллоҳ солиҳ бандаларини душманларининг устидан ғолиб қилишини ваъда қилган оят ва сўзларни ўзгартира оладиган бирон кимса йўқдир» деган маънони англатади.

Аллоҳ Таолонинг

﴿كَتَبَ اللَّهُ لَأَغْلِبَنَّ أَنَا وَرُسُلِي إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

(Аллоҳ (Лавҳу-Маҳфузга): «Шак-шубҳасиз Мен Ўз пайғамбарларим билан бирга ғолиб бўлурман), деб ёзиб қўйгандир. Албатта Аллоҳ кучли, қудратлидир.

﴿وَلَقَدْ سَبَقَتْ كَلِمَتُنَا لِعِبَادِنَا الْمُرْسَلِينَ ﴿٧١﴾ إِنَّهُمْ لَهُمُ الْمَنْصُورُونَ ﴿٧٢﴾ وَإِنَّ جُنَدَنَا لَهُمُ

الغَلِيْبُونَ﴾

«Аниқки, Бизнинг пайғамбар бўлган бандаларимиз ҳақида: «Шак-шубҳасиз улар қўллаб-қувватлангучилардир ва шак-шубҳасиз Бизнинг қўшинимиз (яъни пайғамбарлар ва уларга иймон келтирган кишилар) ғолиб бўлгучидирлар», деган сўзимиз ўтган-собиқ бўлгандир» [Софат 171-173]

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ ٱلْأَشْهَادُ﴾

(Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз), каби Аллоҳ ўз мўмин бандаларига ғалаба ва чиройли оқибатни башорат қилган бир қанча оятлар ҳам бор...». Тантовий яна шундай қўшимча қилади: «Мўминлар ибодатда, сўзда, ва амалда Аллоҳга холис бўлсалар ҳамда бевосита сабабларга интилиб, фойдали воситаларни ушласалар, Аллоҳ уларни яхши оқибат билан сийлайди».

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзига ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир» [Ҳаж 40]

Ибн Касир ўз тафсирида бундай дейди: Қуръони каримнинг

﴿وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ﴾

(Албатта Аллоҳ Ўзига ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур) ояти, шунингдек

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ﴾

«Эй мўминлар агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар, У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит барқарор қилур» [Муҳаммад 7]

ояти ҳамда

﴿إِنَّ اللَّهَ لَقَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

(Шубҳасиз Аллоҳ кучли, қудратлидир) оятларида Аллоҳ Таоло ўзини кучли ва қудратли деб сифатламоқда. Чунки Аллоҳ ҳар бир нарсани ўз қудрати билан яратиб, (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйди. У Зотнинг кучини ҳеч нарса енга олмайди ва унинг устидан ҳеч нарса ғолиб бўла олмайди. Аксинча У Зотнинг олдида барча нарса унга муте ва муҳтождир. У зот кимга ёрдам берса ғолиб бўлади, у зотнинг душмани эса мағлубдир. Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿وَلَقَدْ سَبَقَتْ كَلِمَتُنَا لِعِبَادِنَا الْمُرْسَلِينَ ﴿٧١﴾ إِنَّهُمْ لَهُمُ الْمَنْصُورُونَ ﴿٧٢﴾ وَإِنَّ جُنَدَنَا لَهُمُ الْعَلِيلُونَ﴾

«Аниқки, Бизнинг пайғамбар бўлган бандаларимиз ҳақида: «Шак-шубҳасиз улар қўллаб-қувватлангувчилардир ва шак-шубҳасиз Бизнинг қўшимимиз (яъни пайғамбарлар ва уларга

иймон келтирган кишилар) ғолиб бўлгувчидирлар», деган Сўзимиз ўтган-соби́т бўлгандир» [Соффат 171-173]

Яна айтади:

﴿كَتَبَ اللَّهُ لَأَغْلِبَنَّ أَنَا وَرُسُلِي إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ﴾

«Аллоҳ (Лавҳул Маҳфузга) «Шак-шубҳасиз мен ва пайғамбарларим билан бирга ғолиб бўлурман» деб ёзиб қўйгандир» [Мужодала 21]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ رُسُلًا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ فَجَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ فَأَنْتَقَمْنَا مِنَ الَّذِينَ أَجْرُمُوا^ط وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Аниқки, Биз сиздан илгари ҳам пайғамбарларни ўз қавмларига юборганмиз. Бас улар (қавмларига) аниқ-равшан ҳужжатлар келтирганлар. Сўнг Биз жиноят қилган кимсалардан интиқом олганмиз ва иймон келтирган зотларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган» [Рум 47]

Имом Саъдий ушбу

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ رُسُلًا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ﴾

(Аниқки, Биз сиздан илгари ҳам пайғамбарларни ўз қавмларига юборганмиз), оятининг тафсирида шундай дейди: «Аниқки, Биз сиздан илгари ўтган умматларга ҳам, улар тавҳидни инкор қилиб, ҳақни ёлғонга чиқаришганида элчиларни юборганмиз. Элчилар келиб уларни тавҳид, ихлос, ҳақиқатни тасдиқлаш, куфр ва залолатни инкор қилишга чақиришди. Элчилар уларга ҳужжат ва далиллар келтиришди, лекин улар на иймон келтиришди ва на залолатдан қайтишди.

﴿فَأَنتَقَمْنَا مِنَ الَّذِينَ أَجْرُمُوا^ط﴾

(Сўнг Биз жиноят қилган кимсалардан интиқом олганмиз).

﴿وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

(Иймон келтирган зотларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлди). Яъни бунни ўзимизга вожиб қилдик ва тайин қилинган ҳуқуқлардан қилиб белгиладик ҳамда уларга бу ишнинг бўлиши муқаррарлигига ваъда бердик. Сизлар эса, эй Мухаммад ﷺ ни ёлғончига чиқараётган кимсалар, агар ёлғонга чиқаришда давом этсангиз, жазога лойиқ бўласиз, биз уни ғолиб қиламиз. □

**НУСРАТ ҲАМДА ҚИЁМАТ КУНИГА ҚАДАР ИШНИНГ ҚАРОР
ТОПИБ, ҒОЛИБ БЎЛИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛГАН ҲАДИС
ШАРИФЛАР...**

Савбондан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ шундай дедилар:

«إِنَّ اللَّهَ زَوْى - أَي قَرَبَ وَصَعَرَ - لِي الْأَرْضِ، فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا، وَإِنَّ أُمَّتِي سَيَنْلُغُ مُلْكُهَا مَا زُوِيَ لِي مِنْهَا، وَأُعْطِيَتْ الْكَنْزَيْنِ الْأَحْمَرَ وَالْأَبْيَضَ»

«Аллоҳ Таоло менга ер юзини йиғиб кўрсатди – яъни яқинлаштириб, кичрайтирди – шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради. Яна менга қизил ва оқ хазиналар берилди». (Муслим ривояти). Ушбу ҳадисда Ислом ғолиб бўлиб, ер юзини адолатга тўлдириши, унинг уфқи кенгайиб, шарқу ғарбга ёйилиши ҳақида ва муслмонлар улкан хазина ва бойликларни қўлга киритиши ҳақида башорат қилинмоқда.

Савбондан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ шундай дейди:

«لَا تَزَالُ طَائِفَةٌ مِنْ أُمَّتِي ظَاهِرِينَ عَلَى الْحَقِّ، لَا يَصُرُّهُمْ مَنْ خَذَلَهُمْ حَتَّى يَأْتِيَ أَمْرُ اللَّهِ وَهُمْ كَذَلِكَ»

«Умматимдан бўлган бир гуруҳ кишилар ғолиб ҳолда, ҳақ устида маҳкам турадилар. Уларни ёрдамсиз ташлаб қўйганлар уларга зарар етказа олмайди. Аллоҳнинг ёрдами келгунича шундай давом этадилар». Муслим ривояти. Ушбу ҳадисда ҳақ устида маҳкам турадиган, сабр қиладиган ва ботил аҳлига қарши курашиб, улар устидан ғолиб бўладиган гуруҳ ҳар бир замонда мавжуд бўлиши борасида муслмонни хотиржам қилиш башорати бор... Яна унда муслмонни ўша гуруҳ билан бирга бўлиш зарурлигига тарғиб ҳам бор. Гўё

Росулulloҳ ﷺ ўша даврда муслмонлар билан бирга яшаб, уларни ўша гуруҳга ёрдам беришга ундаётгандек.

Хаббоб Росулulloҳ ﷺ га шикоят қилган ҳадисда У Зот шундай дедилар:

«وَاللّٰهُ لَيَتَمَنَّ اللهُ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّىٰ يَسِيرَ الرَّكَّابُ مَا بَيْنَ صَنْعَاءَ وَإِلَىٰ حَضْرَمَوْتَ، مَا يَخَافُ إِلَّا اللهُ تَعَالَىٰ وَالذَّنْبَ عَلَىٰ غَنَمِهِ، وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجَلُونَ»

«Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни охирига етказди, ҳатто Санъодан Хазрамавтгача кетаётган отлиқ Аллоҳдан ва қўйлари борасида бўридангина қўрқади. Лекин сизлар шошилмоқдасиз». Бухорий ривояти. Бу ҳадисдан Аллоҳнинг ҳақ дини албатта ғолиб бўлиши, Аллоҳ ўз ишини нусрат билан якунлаши ва у яқин кунларда ер юзига ёйилиб, унинг соясида хавфсизлик барқарорлашиши ва одамлар қўрқмасдан бемалол ҳаракатланиши тушунилади. Шунингдек, бундан муслмонларни сабр ва чидамликка чақирувни ҳамда нусрат борасида шошилмаслик зарурлигини ва нусрат, оқибат тақводорларники эканини тушуниш мумкин.

Тамим Дорий айтади: Росулulloҳ ﷺ ни шундай деганини эшитганман:

«لَيَبْلُغَنَّ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ، وَلَا يَتْرُكُ اللهُ بَيْتَ مَدْرٍ وَلَا وَبَرَ إِلَّا أَدْخَلَهُ اللهُ هَذَا الدِّينَ بَعْرَ عَرَبٍ، أَوْ بَدَلٍ ذَلِيلٍ، عَزًّا يُعَزُّ اللهُ بِهِ الْإِسْلَامَ، وَذَلًّا يُذِلُّ اللهُ بِهِ الْكُفْرَ»

«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизлики, у билан Аллоҳ Исломи динини азиз қилади. Хорлики, у билан Аллоҳ кўфрни хор қилади». Имом Аҳмад ривояти. Тамим Дорий айтади: «Мен бу нарсани ўз қавмимда кўрдим. Чунки улардан ким Исломи қабул қилган бўлса, яхшилик, шараф ва азизликка эришди. Ким кофир бўлган бўлса, хор бўлди, пастга урилди ва жия тўлашга мажбур бўлди». Бу ҳадисда Исломи кенгайиб, шундай юртларга етиб борадики, уларнинг баъзисида кундуз бўлса, баъзисида тун бўлиши айтилади.

Яъни бу ер юзининг барчаси деганидир. Тамим Дорийга башорат қилинган ушбу ҳадис ғайбга иймон келтирган ҳар бир мусулмонга қилинган башоратдир.

Убай ибн Каъб ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ шундай дейди:

«بَشِّرْ هَذِهِ الْأُمَّةَ بِالسَّيِّئَةِ وَالرَّفْعَةِ، وَالِدِّينِ، وَالنَّصْرِ، وَالتَّمْكِينِ فِي الْأَرْضِ»

«Бу Умматга буюклик, юксаклик, дин ва ер юзида ҳукмронлик берилиши ҳақида башорат беринг». Имом Аҳмад ривояти. Бу ҳадисда Умматга Аллоҳ нусрат ва имконият бериши ҳамда душманлар устидан ғолиб қилиши, шунингдек Уммат улуғлик, қадр-қиммат, мартаба ва гўзал оқибатда юксак мақомда бўлиши ҳақида очиқ башорат бор. Бу эса, унинг давлатлар ўртасидаги халқаро ўрни юксак бўлишига ишорадир.

Ҳузайфадан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ шундай марҳамат қиладилар:

«تَكُونُ النَّبُوَّةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةٌ عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِيًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةٌ عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبُوَّةِ. ثُمَّ سَكَتَ.»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар».

Аҳмад ривояти. Бу ҳадисда ушбу дин охир замонда яна бир марта юксалиши ҳамда бугунги кундаги диндан узоқлашиш, мусибатлар ва қайғуларнинг барчасига барҳам берилиши ҳақида башорат бор. Шунингдек, унда Уммат оёққа туриб, Росулulloҳ ﷺ қолдирган нарсани татбиқ қилиши, унга даъват қилиши, жиҳод қилиши ва динни ёйиши ҳақида башорат бор... Яна унда Аллоҳнинг душманлари синиб, мағлубиятга учраши ва чекиниши ҳақида башорат бор. Бу ҳадис муслмонларга бугун йўқотилган рошид Халифалик давлати қайта барпо қилиниши ҳақида энг кучли башорат берган ҳадисдир. Бу башоратдаги сигналларни муслмонлар очиқ кўраётганидек, дин душманлари ҳам кўришмоқда. Шунинг учун улар турли ҳийлалар қилишмоқда, муслмонлар эса ўша башоратдан хурсанд бўлмоқдалар.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ шундай дейди:

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ هَذِهِ الْأُمَّةَ عَلَى رَأْسِ كُلِّ مِائَةِ سَنَةٍ مِّنْ يُجِدُّهَا دِينَهَا»

«Аллоҳ Таоло ушбу Умматга ҳар юз йил бошида унинг динини янгилайдиган кишини чиқаради». Абу Довуд ривояти. Бу ҳадисда Аллоҳ Таоло:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

«Албатта биз зикр (Қуръонни) нозил қилдик, биз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр

деб дин нусусларини сақлашга ваъда берганидек, бу Умматни ҳар юз йилда унинг тушунчаларини тўғрилайдиган киши билан сийлашига ваъда бермоқда. Ушбу янгилаш бу диннинг мутлақ ҳукмрон қилиниши ва охирги замонгача унинг шаъни юксалишини ҳамда Аллоҳнинг ўз халқи устидаги ҳужжатининг давом этишини англатади. Бугун биз ўша ишнинг Аллоҳ хоҳлаганидек қоим бўлишига яқин қолганини ҳис қияпмиз.

Абу Инаба Халвоний айтади: Қиблатайн масжидида намоз ўқир эканман Росулulloҳ ﷺ ни шундай деганини эшитдим:

«لَا يَزَالُ اللَّهُ يَغْرَسُ فِي هَذَا الدِّينِ عَرْسًا يَسْتَعْمِلُهُمْ بِطَاعَتِهِ، إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ»

«Аллоҳ Таоло ушбу динда қиёмат кунигача Ўзининг тоатида ишлатадиган кўчат ўтқазिशни тўхтатмайди». Бу ҳадисда мусулмонлар тўғри йўл кўрсатувчи ва ҳақ устида барқарор бўлган кишидан холи бўлмаслиги ҳақида башорат бор. Шундай экан, мусулмон киши уламолар, даъватчилар ва мужоҳидлар борлигидан кўнгли хотиржам бўлсин, улардан бирига айлансин ёки уларга яқин бўлсин ва уларни муҳосаба қилсин... Шунда бу Умматдан қиёмат кунигача яхшилик аримайди. □

УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ...

ҚАЛБЛАР УНИНГ КАБИЛАРГА МУШТОҚ БЎЛГАН ХАЛИФА

Ибн Касирнинг (Бидоя ва ниҳоя) китоби, Умар ибн Абдулазиз Халифалиги бўлимида шундай келади:

Умар ибн Абдулазиз Халифа бўлгач, ундан аввалги халифаларнинг одатига кўра, унинг ёнига қўриқчи миршаб найза билан келди. Шунда Умар унга: Сен менга керак эмассан, менга яқинлашма, мен ҳам бошқалар каби оддий бир мусулмонман деди. Сўнг бориб, масжидга киришди. Умар минбарга чиққан эди одамлар унинг атрофига йиғилишди, шунда у: Эй одамлар мен ўзимнинг хоҳиш-истагимсиз ва мусулмонларнинг маслаҳатисиз шу ишга йўлиқдим (халифа бўлдим). Менга берган бўйнингиздаги байъатингиз ўзингизга ҳавола, ўзингизга маъқул бўлган бошқа бирор кишини сайлаб олинг, деди. Шунда одамлар бир овоздан «биз сени ўзимизга танлаганмиз ва сендан розимиз» дея шовқин кўтаришди.

Овозлар тинчигач, Умар Аллоҳга ҳамду сано айтиб, шундай деди: «Мен сизларни Аллоҳга тақво қилишга чақираман. Чунки Аллоҳга бўлган тақво ҳар бир нарсанинг ўрнини босади. Аммо ҳеч қандай нарса Аллоҳга бўлган тақвонинг ўрнини боса олмайди. Ўлимни кўп эсланглар. Чунки у лаззатларни кесади. Ўлим келмасдан олдин унга тайёрланинг. Албатта бу Уммат ўз роббиси, китоби ва пайғамбари борасида ихтилоф қилмади. Аксинча у динор ва дирҳамда ихтилофга борди. Аллоҳга қасамки, мен ҳеч кимга ботилни таклиф қилмайман ва ҳеч кимни ҳақдан қайтармайман». Сўнг баланд овозда: «Эй инсонлар Аллоҳга итоат қилган кишига итоат қилиш вожиб, Аллоҳга осий бўлган кишига эса итоат қилинмайди. Модомики мен Аллоҳга итоат қилар эканман, менга итоат қилинг, агар мен Аллоҳга осий бўлсам, сизлар учун менга итоат қилиш йўқдир», деди.

Сўнг минбардан тушиб, ичкарига кирди ва пардаларни олиб ташлашга буюрди, улар йиртиб ташланди. Халифалар учун ажратиб қўйилган кийимларни эса сотиб юборишга буюрди, улар сотилиб, пули байтулмолга қўйилди. Сўнгра у дам оладиган жойга бориб ўтирган эди, олдига ўғли Абдулмалик келиб: Эй мўминлар амири, нима қилмоқчисиз деб сўради, у: Эй ўғлим бироз дам оламан, деди. Ўғли унга: Шикоятларни кўриб чиқмай, дам оласизми, дея такрор савол берди. У: Мен кеча Сулаймон иши бўйича ухламадим, пешин намозини ўқигач, шикоятларни кўриб

чиқаман деди. Шунда ўғли: Пешингача тирик қолишга ким кафолат беради деган эди, Умар ўғлига яқинроқ кел деди. Ўғли яқин келгач, унинг пешонасидан ўпиб: Менинг пуштимдан дин борасида менга ёрдам берадиган кишини чиқарган Аллоҳга ҳамд бўлсин, деди. Сўнг дам олиш жойини тарк этиб чиқиб кетди ва жарчисига кимнинг шикоятини бўлса мурожаат қилиши мумкин дея эълон қилишга буюрди. Ҳимслик бир зиммий туриб: Эй мўминлар амири Аллоҳнинг китоби билан ҳукм чиқаришингизни сўрайман деди. Шунда Умар нима бўлди деган эди, у: Аббос ибн Валид ибн Абдулмалик менинг еримни тортиб олди деди. Аббос ҳам ўша ерда ўтирган эди. Умар Аббосга қараб: Эй Аббос сен нима дейсан, деди. Аббос: Тўғри, уни менга мўминлар амири Валид ажратиб берган ва бу ҳақда ҳужжат қилиб берган, деди. Умар зиммийга қараб: шу гап тўғрими, деб сўради. Зиммий такрор: Эй мўминлар амири Аллоҳнинг китоби билан ҳукм чиқаришингизни сўрайман деди. Шунда Умар: Тўғри айтдинг, Аллоҳнинг китоби Валиднинг ҳужжатидан кўра эргашишга ҳақлироқ, эй Аббос тур унинг мулкани қайтариб бер деди, Аббос қайтариб берди. Сўнг одамлар бирма-бир шикоят қила бошлашди. Кўтарилган ҳар бир шикоят кўриб чиқилиб, ҳақ эгаларига қайтарилди. Ҳатто Умар Бану Марвон ва бошқаларнинг қўлидаги ноҳақ қўлга киритилган молларнинг барчасини қайтариб олди. Бану Марвон таниқли кишиларнинг ҳар биридан ёрдам сўраб чиқди, аммо бу фойда бермади. Шунда улар аммалари Фотима бинт Марвоннинг – У Умарнинг ҳам аммаси эди – олдига бориб, Умар қилган ишдан шикоят қилишди ва Умар уларнинг молларини тортиб олгани, улар унга ялинсалар ҳам, у эътибор бермаётгани ҳақида айтишди. Бу аёл халифалар билан ҳижобсиз гаплашар ва ҳижобга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Халифалар эса уни ҳурмат қилишарди, Умар ҳам халифа бўлишдан олдин шундай муносабатда эди. Фотима бинти Марвон Умарнинг олдига киргач, Умар уни ҳурмат билан кутиб олди, чунки у отасининг синглиси эди. Умар унга ёстиқ қўйиб, у билан гаплаша бошлади, лекин уни ғайриоддий, ғазабланган ҳолатини сезиб турарди. Умар унга: Эй амма сизга нима бўлди, деб сўради. Фотима шундай жавоб қилди: Акам Абдулмаликнинг авлодлари ва ўғиллари сенинг Халифалигинг даврида шунчалар хорланишадими?. Сен уларнинг молларини тортиб олиб, бошқасига бериб юборибсан. Сенинг ҳузурингда уларни ҳақорат қилсалар, сен индамадингми?. Умар эса кулди ва билдики, у

муаммони ҳал қилишни зиммасига олган. Ўзи ақлли аёл эди. У Умар билан гаплашар экан, ғазабидан тушмади, шунда Умар жиддийроқ гаплашишга ўтди.

«Эй амма, шуни унутмангки, Пайғамбаримиз ﷺ вафот этар экан, одамларни оқар дарё узра ташлаб кетди. Пайғамбаримиз ﷺ дан кейин келган киши ўлгунича ундан ҳеч нарса олмади. Сўнг яна бир киши келди ва у ҳам ўлгунича ундан ҳеч нарса олмади. Ундан кейин яна бир киши келди ва дарёдан ўзига ариқ қазиб олди. Сўнг одамлар ҳам ундан тинмай ариқ қазиши оқибатида унда бир қатра ҳам сув қолмади. Аллоҳга қасамки, модомики тирик эканман, мен уни ўз ҳолига қайтараман. Мен учун одамларнинг рози бўлиши ёки ғазабланишининг ҳеч аҳамияти йўқ. Агар зулм ҳукмдорнинг қариндошлари тарафидан содир этилса-ю, ҳукмдор унга барҳам бермаса, ўзидан узоқ бўлган бошқалардаги зулмни қандай йўқотади? деди. Шунда Фотима: Ундай бўлса, сенинг ҳузурингда уларни сўкишмасин деди. Умар: Уларни ҳеч ким сўкмади, балки улар шикоят қилди ва мен уларнинг ҳаққини олиб бердим, деди. Ушбу ҳикояни Ибн Абу Дунё, Абу Нуайм ва бошқалар ривоят қилишган.

Ражо Ибн Хайва айтади: Амирул мўминин Умар ибн Абдулазиз вафот этгач, ўрнига Язид ибн Абдулмалик Халифа бўлди. Унинг ёнига Умар ибн Валид ибн Абдулмалик келиб: Эй мўминлар амири! Бу риёкор – яъни Умар ибн Абдулазиз – мусулмонларга хиёнат қилди, ҳовлисидаги иккита хонани қимматбаҳо тақинчоқ ва марваридга тўлдириб қўйган. Дурру-гавҳарга тўла ўша икки хона қулфланган ҳолда туради, деди. Шунда Язид синглиси Фотима бинти Абдулмалик, яъни Умарнинг хотинига «Менга айтишларича, Умар икки хона тўла тақинчоқ ва марварид қолдирган экан», дея элчи юборди. Шунда Умарнинг аёли: Умар мана бу тугундан бошқа ҳеч нарса қолдирмаган, дея уни акасига бериб юборди. Очиб қарашса, унда ямоқ солинган, дағал бир кўйлак, чанг босган тўн, ичи йиртилиб кетган, дағал ҳошияли чопон бор экан. Язид: Мен буни сўрамадим, балки икки хонадаги нарсани сўрадим, дея элчини қайта юборди. Умарнинг аёли Фотима: Амирул муъмининнинг вафоти билан мени мусибатлаган Зотга қасамки, мен бу икки хонага у киши халифа бўлгандан бери кирмаганман. Чунки у ерга киришимни ёқтирмас эди. Мана бу ўша икки хонанинг калитлари, у ердаги нарсаларни олиб халифанинг уйига олиб кетинг, деб калитларни элчидан бериб юборди. Язид ва Умар

ибн Валид дарҳол йўлга тушди. Умар ибн Абдулазизнинг ҳовлисига кириб хоналарнинг бирини очишди, қарасалар у ерда чарм қопланган курси, унинг устида эса тўрт дона ғишт ва бир шиша бор экан. Умар ибн Валид астағфируллоҳ деб, иккинчи хонани очди. Қарасалар у ерда майда тошлар билан тўшалган саждагоҳ ва хонанинг шифтига осилган занжир бор эди. Занжирда эса, бўйинбоғ шаклидаги нарса бўлиб, одам унга бошини киргизса, бўйнига етар эди. Умар қачон ибодатдан чалғиса ёки гуноҳларини эсласа, уни бўйнига қўйиб олар эди. Кўпинча мудраб қолганда ухлаб қолмаслик учун бошини унга киргизиб оларди. У ерда яна бир қулфланган сандиқ бор эди. Уни ҳам очиб қарашди, ичида бир сават бор экан, саватни очишса, ичида бир қалқон ва сомон бўлиб, улар дағал бир матога ўралган экан. Буни кўриб, Язид ва унинг атрофидагилар йиғлаб юборишди. Язид: Эй биродарим Аллоҳ сенга раҳм қилсин, ботининг пок бўлганидек зоҳиринг ҳам пок бўлган экан, деди. Умар ибн Валид эса эсанкираган ҳолда: Астағфируллоҳ, менга шундай етказишган эди, деганича чиқиб кетди.

Ражо айтади: Умарнинг ўлими яқинлашгач у: Эй Аллоҳим, мени Ўз қазоингга рози қил ва Ўзинг тақдир қилган нарсада менга барака бер, токи Сен шошилтирган нарсанинг кечикишини ва Сен кечиктирган нарсанинг тезлашишини ёмон кўрай, деган сўзларни охирги нафасигача такрорлади. Яна у: Мен Аллоҳ тақдиримга ёзиб қўйган ўринлардан бошқасига интилмаган ҳолда тонг оттирдим, дер эди.

Ибн Абу Дунё Ихлос номли китобида шундай дейди: Осим ибн Омир отасидан, у эса Абдуроббиҳ ибн Абу Ҳалокдан, у Маймун ибн Меҳрондан ривоят қилишича бир куни Умар ибн Абдулазиз бир гуруҳ ака-укалари билан суҳбатлашиб ўтирар экан, унинг нутқи очилиб, чиройли мавъиза қилди. Шунда Умар ўтирганларнинг бирининг кўзидан ёш оқаётганини кўриб, сўзлашдан тўхтади. Мен: Эй мўминлар амири мавъизангизни давом эттиринг, умид қиламанки, Аллоҳ эшитганларга ёки уни бошқаларга етказганларга яхшилик ато этади, дедим. У эса, эй Абу Айюб нари туринг. Одамларга сўзлашда ҳам фитна бордир, унинг ёмонлигидан сўзловчи одам халос бўла олмайди. Мўмин учун сўзлашдан кўра амал қилиши яхшироқдир, деди.

Ибн Абу Дунё Умар ибн Абдулазиздан шундай деганини ривоят қилган: «Биз ўзимиз соф ва пок деб ўйлайдиган кишиларни

ишлатган эдик, улар фожирларнинг ишини қилишди. Аллоҳ уларни ҳалок қилсин, Қабрга шундай кетишадими».

Абдураззоқ ривоят қилиб айтадики: Мен Муаммарнинг шундай деганини эшитганман: Умар ибн Абдулазиз Адий ибн Артоҳга шундай мактуб ёзди: (Умарга Адийнинг айрим ёқимсиз ишлари ҳақида хабар етиб келган эди). Аммо баъд, сенинг қорилар билан бирга ўтиришинг, қора салланг ва уни орқангдан осилтириб юришинг мени мафтун қилган эди. Сенинг зоҳиринг яхши бўлгани учун сен ҳақингда яхши гумонда бўлдик. Дарҳақиқат Аллоҳ сизлар қилаётган кўп ишларнинг хабарини бизга етказди.

Табароний, Дориқутний ва кўплаган аҳли илмлар ишончли санадлари билан Умар ибн Абдулазиздан келтиришича, Умар ўзининг омилига шундай деб ёзган эди: «Аммо баъд, албатта мен сени Аллоҳга тақво қилиш, Росулининг суннатига эргашиш, унинг ишида режали бўлиш ҳамда у кишининг суннатига қарши чиқиб, ёрдам беришдан тўхтаган кишилар пайдо қилган бидъатларни тарк этишга чақираман. Шунини яхши билгинки, қандай бидъат бўлмасин, унинг ботил эканига далил бор. Шундай экан, суннатни маҳкам тут, чунки суннатни жорий қилган кишилар унинг зиддида тойилиш, бурилиш, аҳмоқлик, хато ва чуқур кетиш мавжудлигини билар эди. Улар ишларни тадқиқ қилишда кучлироқ ва амалда қаттиқроқ эдилар. Уларнинг амали тўғрилиқ устида қурилган эди. Агар сизлар кўтарган нарсада фазилат бўлганда эди, улар бунга лойиқроқ ва аллақачон буни амалга оширган бўлар эди. Чунки улар ҳар бир яхшиликда пешқадам эдилар. Агар улардан кейин ҳам бирор яхшилик бўлдику, десанг, билиб қўй: ундай яхшиликни мўминларнинг йўлига юрмаган ва уларнинг йўлидан бурилиб-адашган, ўзини улардан баланд тутган кимсалар пайдо қилишган бўлади. суннатни жорий қилган кишилар яхшилик ҳақида етарлича гапирганлар ва кўнгилларни қондирадиган даражада уни сифатлаб берганлар. Шунинг учун улардан пастдагилар қосир, улардан юқорилар эса ноқобилдирлар. Қавмлар ўз динларида нуқсонга йўл қўйган эдилар, хатарга йўлиқишди. Бошқалар олдинга интилишган эдилар, адашиб кетдилар, деди». Аллоҳ Умар ибн Абдулазизни ўз раҳматига олсин. Саҳобаларга эргашган ва уларни яхши кўрган қалбдангина чиқадиган бундай сўзлар нақадар гўзал. Фуқаҳолар ва улардан бошқалар шундай сўзларни айта оладими? Шундай экан, уни Аллоҳ раҳмат қилиб, гуноҳларини кечирсин.

Хатиб Бағдодий Яқуб ибн Суфён Ҳофиздан, у Саид ибн Абу Марямдан, у эса Рошид ибн Саиддан, у Уқайлдан, у Шиҳобдан ривоят қилишича, Умар ибн Абдулазиз шундай деган эди: Росулulloҳ ﷺ ва у кишининг халифалари бир неча суннатларни қолдиришди. Уларни маҳкам тутиш Аллоҳнинг китобини тасдиқлаш ва Аллоҳга итоат қилишдир. Ҳеч кимнинг уларни ўзгартиришга ҳаққи йўқ, уларга қарши чиққанларнинг фикри эътиборга олинмайди. Ким аввалгиларга эргашса ҳидоят топади, ким у орқали тушунишга ҳаракат қилса тушунади. Ким унга қарши чиқиб, мўминлардан бошқасининг йўлига юрса, Аллоҳ боши оққан томонига буриб қўяди ҳамда жаҳаннамга ҳайдайди. Нақадар ёмон оқибат.

Кунларнинг бирида Умар ибн Абдулазиз жарчисига одамларни намозга жамлашга буюрди. Одамлар тўпланган эди, Умар шундай деб хутба қилди: «Менинг сизларни жамлашдан мақсадим, сизлардан ким Аллоҳга йўлиқишига ва охират кунига ишонсаю, лекин шунга тайёргарлик кўрмаса, аҳмоқдир. Ким ёлғон деса кофирдир». Сўнг қуйидаги оятларни ўқиди:

﴿أَلَا إِنَّهُمْ فِي مَرِيَّةٍ مِّن لِّقَاءِ رَبِّهِمْ﴾

«(Эй инсонлар), огоҳ бўлингизким, албатта улар Парвардигорларига рўбарў бўлишдан шак-шубҳададирлар»

[Фуссиллат 54]

﴿وَمَا يُؤْمِنُ أَكْثَرُهُمْ بِاللَّهِ إِلَّا وَهُمْ مُّشْرِكُونَ﴾

«Уларнинг кўплари Аллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар» [Юсуф 106]

Ибн Абу Дунё Умар ибн Абдулазиз ҳақида шундай ривоят қилади: Умар ўз болаларини таълим олиш учун бир муаллим билан Тоифга юборди. Сўнг унга шундай мактуб ёзди: Менинг эшитган нарса нақадар ёмон. Чунки сен ниятни билмайдиган, яъни балоғатга етмаган гўдакларни мусулмонларга имом қилиб қўйибсан. Ибн Абу Дунё буни ўзининг ният китобида ёзган.

Ибн Абу Дунё мулоимлик ва йиғи китобида Умар ибн Абдулазизнинг қулидан шундай ривоят қилади: Умар қулига эй ўғлим, яхшилик сени тинглаб, итоат қилишларида эмас, балки яхшилик Роббингдан ғафлатда қолишинг ортидан Унга итоат қилишингдадир. Эй ўғлим, бугун тонг отиб, кундуз бўлмагунча олдимга ҳеч кимни қўйма, чунки мен одамларни, улар эса мени

тушунмай қолишидан қўрқаман деди. Шунда қул: Кеча шундай йиғладингизки, олдин бундай йиғлаганингизни кўрмаган эдим, деди. Умар ибн Абдулазизнинг қули шундай давом эттиради: Умар йиғлаб, «Аллоҳга қасамки, ўшанда Аллоҳ Азза ва Жалла ҳузурда туриш ҳақида ўйлаган эдим», дедида ҳушидан кетди. Шу ҳолда эрталабгача ўзига келмади. Мен шундан кейин у кишини ўлгунича кулганини кўрмадим.

Бир куни Умар ибн Абдулазиз Юнус сурасидаги қуйидаги оятни ўқиди:

﴿وَمَا تَكُونُ فِي شَأْنٍ وَمَا تَتْلُوا مِنْهُ مِنْ قُرْءَانٍ وَلَا تَعْمَلُونَ مِنْ عَمَلٍ إِلَّا كُنَّا عَلَيْكُمْ شُهُودًا﴾

«(Эй Муҳаммад), сиз қандай иш (билан) машғул бўлманг ва у (иш) ҳақида Қуръондан бирон оят ўқиманг, (эй инсонлар), сизлар қандай амални қилманглар, ўша ишларга киришган пайтингизда, албатта Биз сизларнинг устингизда гувоҳ бўлурмиз» [Юнус 61]

Сўнг қаттиқ йиғлаб юборди. Унинг йиғисини ҳатто ҳовлидагилар ҳам эшитишди. Фотима унинг ёнига келиб ўтирдида у ҳам йиғлай бошлади. Шунда ҳовлидагилар ҳам қўшилиб йиғлашди. Улар шундай ҳолатда турган пайт Умарнинг ўғли Абдулмалик келди ва Умарга: Эй ота нега йиғлаяпсиз, деди. Шунда Умар: эй ўғлим отанг яхши кўрган нарса шуки, у дунёни танимади ва дунё ҳам уни танимади. Эй ўғлим Аллоҳга қасамки, мен ўлиб, дўзах аҳлидан бўлишдан қўрқдим, деди.

Ибн Абу Дунё Абдулаъло ибн Абу Абдуллоҳ Анбарийдан шундай деганини ривоят қилади: Бир куни Умар ибн Абдулазиз кенг кийимда чиққанини кўрдим, ортидан бир ҳабаш келаётган эди. Умар инсонларнинг олдига етиб келгач, ҳабаш ортига қайтди. Умар агар икки кишининг олдидан ўтса: Аллоҳ иккингишга шундай раҳм айласин дер эди. Сўнг у минбарга чиқиб хутба қилар экан, Таквир сурасининг

﴿إِذَا الشَّمْسُ كُوِّرَتْ﴾

«Қуёш ўралиб (нурсизланиб) қолса» [Таквир 1] оятини ўқиди ва «Қуёшнинг бу ҳолига нима дейиш мумкин», деди. Сўнгра суранинг

﴿وَإِذَا الْجَحِيمُ سُعِرَتْ ﴿١٧﴾ وَإِذَا الْجَنَّةُ أُزْلِقَتْ﴾

«Дўзах (кофирлар учун) ловуллагиб ёқилганида. Жаннат (тақводор зотларга) яқин қилинганида» [Таквир 12-13]

Ўқиб йиғлаб юборди. Шунда масжид аҳли ҳам йиғлади, уларнинг йиғисидан масжид титрарди. Гўё масжид деворлари ҳам йиғлаётгандай эди. Шунда бир аъробий келиб: Эй мўминлар амири мен сенинг олдинга бир эҳтиёж билан келдим ва ниҳоят сени топдим. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сендан мен ҳақимда сўрайди, деди. Шунда Умар йиғлаб юборди ва сизлар неча кишисизлар, деб сўради. У: Мен ва уч қизим бор деди. Умар унга уч юз ва қизларига юз дирҳамдан беришларига буюрди. Сўнг ўзининг молидан юз дирҳам бериб: Энди бор, мусулмонларга нафақа тарқатилиб, сен ҳам улар қаторида нафақа олгунингча буларни оиланга сарф қил, деди.

Озарбайжонлик бир киши Умарнинг ҳузурига кириб: Эй мўминлар амири бугун мен сенинг ҳузурингда турганим каби сен ҳам эртага Аллоҳ ҳузурида туришингни унутма. Ўшанда кўплаган халойиқ сенга қарши бўлади, Аллоҳ эса сендан ғафлатда бўлмайди. У кунда банда Аллоҳга бир лойиқ амал билан йўлиқади ва гуноҳдан пок бўлмайди, деди. Шунда Умар қаттиқ йиғлаб: Нима ҳожатинг бор, деди. Озарбайжонлик киши: Сенинг Озарбайжондаги омилини менга тажовуз қилди ва ўн минг дирҳамимни олиб, байтулмолга қўшиб юборди деди. Шунда Умар: Ҳозироқ Озарбайжон омилига ёзинглар, пулини қайтариб берсин, деди. Сўнг уни почта билан жўнатиб қўйди.

Ибн Иёшнинг қули Зиёд айтади: Бир кўни совуқ тунда Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига кириб, у ердаги ўчоқда исинаётган эдим, мўминлар амири Умар ҳам келиб, шу ўчоқда исина бошлади. Сўнгра: Эй Зиёд деган эди, мен: Лаббай эй мўминлар амири дедим. Шунда у: менга қисса айтиб бер деди. Мен эса: қисса айта олмайман, дедим. Шунда у: ундай бўлса ўзинг ҳақингда гапир деган эди, мен оддий зиёдман дедим. У: Зиёдга нима бўлди, деди. Мен: Зиёд дўзахга кирса, жаннатга кирган киши унга фойда бермайди, агар жаннатга кирса, дўзахга кирган киши унга зарар етказа олмайди, дедим. Шунда у тўғри айтдинг, деди ва ўчоқдаги чўғ сўнгунча йиғлади.

Зиёд Абдий Умарга: Эй мўминлар амири ўзингни таърифлаш билан машғул бўлма, балки, ўзинг тушиб қолган ҳолатдан чиқиш йўлини изла. Агар танангдаги ҳар бир тук Аллоҳга ҳамд ва сано айтиб, шукр қилса ҳам сен турган нарсанинг моҳиятига етиб

бормайди, деди. Зиёд яна айтдики: Эй мўминлар амири агар кишининг ашаддий душмани бўлса, унинг ҳоли не кечади. Умар: ҳоли ёмон бўлади, деди. Шунда Зиёд: Ўшандай душмани иккита бўлсачи деган эди, У: Унинг аҳволи янада ёмонлашади, деди. Зиёд: агар учта бўлсачи деган эди, Умар: унга ҳаёт татимайди деди. Шунда Зиёд: Аллоҳга қасамки, эй мўминлар амири эртага Муҳаммад ﷺ Умматининг ҳар бири сенга душман бўлади, деди. Зиёд айтади: Шунда Умар йиғлаб юборди, мен эса унга бу гапни айтмасам бўлар экан, деб ўйлаб қолдим. □

УКРАИНА-РОССИЯ УРУШИ: АМЕРИКА УНДА АСОСИЙ ЎЙИНЧИ... БУ УРУШ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНING ДАВОМИ... УЛАР ВА БУТУН ДУНЁ БОШДАН КЕЧИРАЁТГАН ФОЖИАЛАРГА ҒАРБ ҲАЗОРАТИ САБАБЧИ

Америка Россияни алдаш, провокация қилиш ва Украинага уруш бошлаш вавасасига солиш билан Украина ботқоғига тортди. Қаттол Путин провокацияга аста-секин алданиб, Украинага уруш очди... Америка Украинани ўзи истамаган урушга киришга ва қаршилиқ кўрсатишга мажбур қилди ҳамда таслим бўлишига тўсқинлик қилди... Бу билан Европа давлатларида очкўз қўшни бўлган Россиядан қўрқувни қайта тиклади. Европа Иттифоқи ва НАТОни ўзи билан бирга юришга ҳамда тўғридан-тўғри ҳарбий томондан аралашмаслик позициясини эгаллашга мажбур қилди. Улар ҳаммаси бир бўлиб Украинани қирғин қуроллари (учоқ ва танкларга қарши жуда илғор зирҳли ракеталар ва учувчисиз учоқлар) билан қуроллантирди. Бундан мақсад, Украинани очиқ қаршилиқ кўрсатувчи халқ қўшинига ва Россиянинг қабристонига айлантириш, шунингдек, украин халқининг қирғин қилиниши, бошпанасиз қолдирилиши ва юртлари вайрон этилишини ҳисобга олмасдан Россияни узоқ йилларгача тинкасини қуритиш эди. Америка Европа Иттифоқи давлатлари билан биргаликда Россияни иқтисодий томондан ҳолдан тойдириш, Европадаги ҳар қандай давлатнинг салмоғи каби салмоққа эга давлатга айлантириш, уни ўз ҳудуди ичида қамал қилиш, бинобарин, уни халқаро майдонда рақобатчи бўлишга интилишдан узоқлаштириш учун унга қарши санкциялар жорий қилди...

Америка шундай иш тутдики, буларнинг барчаси кескин тарзда жорий қилинди ва ҳамма битта йўналишда юришга мажбур қилинди. Россия ва Европа Иттифоқи давлатларидан бирортасининг, ҳатто Украинанинг музокара қилишига ва чекинишига йўл берилмади... Украина президенти ҳибсга олинган ёки ўлдирилган ва ёки таслим бўлган тақдирда амалга ошириладиган сценарийлар, жумладан, қувғиндаги ҳукуматни ёки чет элдан Украин ҳарбий қаршилиқ раҳбариятини яратиш каби сценарийлар белгиланди. Америка Зеленскийнинг қарорларини назорат қилиш учун босқин бошланганидаёқ мамлакатдан чиқиб кетиб АҚШга келишга чақирди ҳамда ўзининг Украина босқинидан ва Зеленскийдан кейинги босқичга тайёрланаётганини маълум қилди... Бу Американинг ўйини содир бўладиган сахна... Ҳарбий кўринишдаги ушбу сиёсий кураш Америка тарихидаги энг машҳур жиноий сиёсатдир. Бу уруш гарчи унинг давоми бўлмаса ҳам, иккинчи жаҳон урушини эсга солади. Зеро, иккинчи жаҳон уруши Европанинг қоқ марказида, халқи бир дин ва бир мазҳаб вакиллари бўлган давлатлар ўртасида юз берган эди.

Ал-Ваъй: Ҳа, бу урушда энг катта ўйинчи Америка ва у Хитойга қарши ҳам худди шундай тайёргарлик кўрмоқда... Бу унинг дунёга етакчилик қилиш йўлидир... Россия, Хитой ва Европа Иттифоқи каби бошқа давлатлар ҳам ўз фикрлаш тариқати, сиёсатини бошқариши ва манфаатларини рўёбга чиқаришга интилишида Америкадан фарқ қилмайди... Уларнинг энг сўнгги ташвиши – гуманитар жиҳатлар ва халқларнинг азоб-уқубатларидир... Бу мудҳиш юзли ғарб ҳазоратидир. У фақат фожа, ўлим ва вайронагарчилик олиб келади. Ундан қутулишнинг бирдан-бир йўли мусулмонларнинг Халифаликни барпо этиб, ўз динлари билан дунё етакчилигига кўтарилишларидир. □

2022 йил 23 мартда Вашингтон Пост газетаси шарҳловчи Дэвид Игнатиуснинг Путин шахсига тўхталган мақоласини нашр қилди. Дэвид Игнатиус ўз мақоласида «Украинадаги қарийб бир ой давом этган уруш Россия президентининг мураккаб ва хавфли руҳий ҳолатидан далолат беради...», дейди. Муаллифнинг фикрича, ўтган ҳафталардаги уруш Украинага берилиб кетган, ўз ватанидаги ва хориждаги душманларидан даҳшатга тушган, шунингдек, ўз ҳаракатларини Россия ўтмиши ва келажаги ҳақидаги тасаввури билан ва мистик сўзлари билан ўраган одамни кўрсатди. Буюклик туйғулари билан сўғорилган шахсияти ҳақида муаллиф унинг ўтган ҳафта концерт пайтидаги хатти-ҳаракатларининг баъзи қирраларини кўрсатиб ўтади. Зеро, Путин 18 асрдаги ҳарбий кўмондон Фёдор Ушаковни тилга олиб ўтди. У ҳокимиятга келганидан қисқа вақт ўтиб, яъни 2001 йили муқаддаслаштирилган, ўзининг жангларида бирон марта ҳам мағлубиятга учрамаган Фёдор Ушаков ҳақида «унинг даврида шундай бўлган эди, бугун ҳам шундай бўлади ва доим шундай бўлиб қолади», деди.

Гўёки у собиқ Совет Иттифоқининг шон-шўхратини қайта тиклашни хоҳлаётгандек туюлади. Унинг қарорлари ҳам Россия тарихидаги ўзининг буюк ўрнини ҳис қилишга боғлиқ... Унинг диндорлигига келсак, муаллифнинг таъкидлашича, Путин православ черковига ишонади ва ўз миссиясини самовий дея ёдда туттади. У православ черковига ҳамда Россия ва Украина ўртасидаги «бирлик»ка чуқур ишонади. Путин: «Биз бир халқмиз», деб эълон қилди ва Украинанинг Россиядан бўлиниб чиқишида Совет Иттифоқини айблади. «Бир ҳақиқат аниқ: Россия ўғирланган», дейди у. У ўзининг Украинага қарши ҳужумини уни қутқаришга уриниш ва бу диний вазифа деб атади. Ўз урушини оқлаш учун инжилдан ҳайратланарли тарзда далил келтириб шундай деди: «Мен муқаддас китобдаги сўзларни такрорлайман: «Агар инсон дўстлари учун жонини фидо қилса, у учун бундан ортиқ севги йўқ»»...

Унинг фашистлигига келсак, муаллиф Путиннинг коммунизм ўрнига «рус фашизми»ни танлаганини айтади. Унинг асосий узтози 1922 йилда большевиклар инқилобидан кейин Россиядан қочган ва Муссаланига қойил қолиб, фашизмни мадҳ этган Иван Илян бўлган. Илян Россияни Ғарбнинг абадий қурбони сифатида кўрган ва унга «Россиянинг тирик аъзосига» айланадиган «одам» кераклигини айтган. 2005 йилдан бошлаб, Путин Кремлда Иляни сарой файласуфи сифатида қайта кўриб чиқди. У унинг қолдирган меросларини Россияга қайтарди, қабрига гул қўйди ва ўз мақолаларида унинг фикрларини далил қилиб келтирди. Масалан 2012 йилда нашр қилган мақоласида Илянинг Россия ҳақидаги қарашини тушунтириб шундай деди: «Россия нафақат барча православ халқлар, балки бутун дунё халқлари учун ягона руҳий аъзодир».

Ғарб ҳақидаги нуқтаи назарига келсак, муаллиф Путин дунёсининг марказида Ғарб фитнаси орқали Россияни ҳақорат қилиш ғояси борлигини айтади. У Ғарб элитаси ва уларнинг Россиядаги дўстларига ғазабини кўрсатиб, уларга «сарқит ва сотқин» тамғасини босади. Путин Россиянинг душманлари абадий деб ҳисоблайди. У шундай дейди: «Улар ҳамма нарса сотилади ва ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин, деб ишонишади. Улар бу ҳолатда бизнинг қулашимизга ва чекинишимизга ишонишади. Лекин улар бизнинг тарихимиз ва халқимиз ҳақида етарлича маълумотга эга эмас»... Игнатиус ўз мақоласини «Ғарб Путиннинг ғалаба қилишига йўл бермаслиги керак», деб айтиш билан якунлайди.

Ал-Ваъй: Давлат раҳбарлари шахсиятини ўрганиш ушбу мамлакатларни ички ёки ташқи сиёсатини, шунингдек, уруш ёки тинчлик давридаги сиёсати ва хатти-ҳаракатларини баҳолашда, уларга қандай қарши туриш мумкинлигини билишда катта аҳамиятга эга. □